Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Магистратура бўлими

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

**Норқобилов Жаҳонгир Ўралович**

# “Мамлакатни модернизациялаш шароитида қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини яхшилаш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида)”.

**Мутахассислик: 5А230102-Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)**

Магистр
академик даражвсини олиш учун ёзилган
диссертация

**Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди**
**“Иқтисодиёт” кафедраси мудири:**

________ ____________________
(имзоси) (илмий даража ва унвони, Ф,И,Ш)

“______” _______________ 20____ йил

**Илмий раҳбар**

________ ____________________
(имзоси) (илмий даража ва унвони, Ф,И,Ш)

“______” _______________ 20____ йил

Ҳимояга рухсат этилди
Магистратура бўлими бошлиғи:

________ ____________________
(имзоси) (илмий даража ва унвони, Ф,И,Ш)

“______” _______________ 20____ йил

Қарши-2014 йил

АННОТАЦИЯ

Курсни ўрганиш мақсади корхоналарни ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги ва миллий иқтисодиётни кўтаришдаги ролини ва ўрнини аниқлашдан иборат. Фан талабаларда зарур аниқ иқтисодий билимларни шакллантиришга қаратилган бўлиб, бу эса бозор муносабатлари ва иқтисодий ишларни макази ҳозирги кунда бирламчи звено корхона иқтисодиёти даражасига кўтарилган шароитларда жуда муҳим ҳисобланади.

АННОТАЦИЯ

Цель изучения курса является определение места и роли предприятия в развитии производственных сил и национальной экономики. Данный курс предназначен для формирования конкретных экономических знаний, что в свою очередь является важным звеном в условиях рыночных отношений и экономика предприятия находится в центре экономической деятельности.

ANNOTATION

Aim of learning course consists of defining the place and role of enterprise at developing production powers and raising national economy. Science is attracted to be formed necessary certain economical knowledge at students and this market relations and the center of economical works aneconsidered very important at primary link enterprise-economy degree.

## М У Н Д А Р И Ж А

**КИРИШ**-----------------------------------------------------------------------------------

**1-БОБ. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашнинг аҳамияти ва унинг назарий асослари-----------------------------------------------------------------
1.2. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва республика ҳудудларини ижтимоий ривожлантиришнинг моҳияти------------------------------------------
1.3. Ҳудудлар ижтимоий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини белгиловчи омиллар --------------------------------------------------------------------
**I боб бўйича хулоса**------------------------------------------------------------

**2-БОБ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ ВА ҲУДУДЛАР ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

2.1. Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таҳлили ва асосий кўрсаткичлари--------------------------------------------------------------
2.2. Аҳоли турмуш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили-----------------------------------------------------------------------------
2.3. Ҳудудларнинг ижтимоий ривожланиш жараёнларини ва меҳнат ресурсларининг динамикаси ---------------------------------------------------
**II боб бўйича хулоса** -------------------------------------------------------------

**3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

3.1.Уй хўжалиги даромадини ошириш, шакллантириш ва аҳоли даромадларини ошириш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишнинг асосий омилидир.---------------------------------------------------
3.2. Аграр соҳада ноқишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали қишлоқда аҳоли бандлик даражасини ошириш.-----
3.3. Қишлоқда тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражаиши яхшилаш йўллари---------------------------------------------------------------------
**III боб бўйича хулоса** -----------------------------------------------------------
**Хулоса ва таклифлар**----------------------------------------------------------
**Фойдаланилган адабиётлар**-----------------------------------------------
**Иловалар**-----------------------------------------------------------------------

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири аҳоли турмуш даражасини ва сифатини янада ошириш ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мазмуни инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини юксалтиришда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашдан иборатдир.

Шуларни инобатга олиб мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг давлат дастурлари қабул қилиниб амалга оширилмоқда. Шу орқали аҳоли даромадлари ва реал иш ҳақлари мунтазам ошиб, аҳоли турмушининг сифати янада яхшиланмоқда.

Республикамизнинг ижтимоий сиёсатини амалдаги тизими қишлоқ аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган қулай ижтимоий муҳит ва шарт-шароитларни яратишда, иқтисодий фаолият эркинлиги, аҳолининг меҳнат фаоллигини ошириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш ва аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими қишлоқ жойларида оилаларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш ва уларга хизмат кўрсатадиган ижтимоий соҳа объектларини қуриш, ижтимоий хизмат кўрсатишни ошириш ва замонавийлаштиришга қаратилган ишларни бажаршдан иборатдир.

Бу борада Президетимиз И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Бугунги кунда одамларимизнинг ҳаёт даражаси қандай ўсиб бораётгани ҳақида гапирганда, кўзга яққол ташланадиган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Юртимизда ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Албатта, бу рақамлар охирги йилларда аҳолимизнинг нафақат турмуш даражаси ошиб, аввало, ҳаётимиз сифати тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.” [1]

Ушбу устувор вазифани самарали ҳал этиш республика ҳудудлари ривожининг ижтимоий йўналтирилганлигини, уларнинг табиий иқлим ва

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда хўжаликлари фаолиятини аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратиш зарурлигини белгилаб беради.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолиси фаровонликни таъминлашда асосан қишлоқда турмуш даражасини ошириш;

- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари–мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялашни алоҳида эътиборга олиш лозим.

Мамалактимиз барча соҳа ва тармоқларида тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш натижасида янги ишлаб чиқариш ва хизмат турларининг йўлга қўйилиши аҳолини турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда. Бу борада қишлоқ жойларида кичик бизнес корхоналарининининг ташкил этилиши, касаначилик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши аҳолининг яшаш ва ҳаёт кечириш билан боғлиқ маҳсулотларга бўлган талабининг қондирилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари қишлоқ жойларида аҳоли яшаш жойлари архитектураси ва қурилишини лойиҳалаштиришни тубдан такомиллаштиришда намунали қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий объектларини қуриш лойиҳаларини табиий иқлим шароитни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Қишлоқда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва уларнинг истеъмол маҳсулотларига бўлган эхтиёжини қондириш билан бирга қишлоқда соғлиғини сақлаш маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтариш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса, биринчи навбатда, инвестиция дастурлари асосида соғлиқни сақлаш муассасалари, таълим тизимида замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, модернизациялаш ва диверсификациялаш қишлоқларимиздаги ёшларнинг кенг ва ёруғ биноларда, замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари ва лабораторияларда билим олишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратади.

Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтариш мақсадида қишлоқ жойларда жойлашган меҳрибонлик ва мурувват уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш бўйича маданиятини ошириш, жумладан профилактика ва тарғибот ишларини кучайтириш;
- халқаро грантлар асосида мактаб, академик лицей ва коллежлар ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш;
- қишлоқ мактаблари ва коллежларидаги ахборот ресурс марказларини халқаро интернет тармоғига улаш амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш ижобий натижа бермоқда.

Шу билан бир қаторда давлатимиз раҳбари И. Каримовнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонда салбий оқибатларини бартараф этишга бағишланган асарида устувор вазифа сифатида "...мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат" эканлиги белгилаб қўйилган. Асарда кўрсатилганидек бу устувор вазифани ҳал этиш..." пировард натижада аҳолини турмуш даражасини оширишга хизмат қилади"[2].

Ушбу устувор вазифани самарали ҳал этиш республика ҳудудлари ривожининг ижтимоий йўналтирилганлигини, уларнинг табиий иқлим ва ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда хўжаликлари фаолиятини аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратиш зарурлигини белгилаб беради.

Бу эса ўз навбатида давлат бошқарув органларини аҳоли турмуш даражасини баҳолаш ва ҳудуднинг ижтимоий ривожланиш истиқболларини белгилаш бўйича қарорлар қабул қилиш тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият ҳудудий ҳокимият ва бошқа бошқарув ташкилотлари ушбу йўналишда замонавий ахборот технологиялари ва моделлари ёрдамида кўп вариантли ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имкониятига эга эмаслар. Шуларни инобатга олганда Ўзбекистон ҳудудларида аҳоли турмуш даражасини баҳолаш ва ижтимоий соҳалар ривожи истиқболини прогнозлаштиришнинг эконометрик ва имитацион моделлари мажмуини ҳамда уларни амалда қўллашнинг ахборот-дастурий воситаларини яратишнинг илмий-услубий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолар қаторига киради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳоли турмуш даражаси ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг илмий-услубий асослари хорижлик олимлар А.Г. Гранберг, И.А. Родионова, В.Я. Райцин, Н.М. Римашевская, Н.К. Дружинин, Г.Р. Хасаев ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

А.Г. Гранберг, В.Я. Райцин ва бошқаларнинг илмий изланишларида минтақавий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқбол режасининг мақбуллик мезони тавсия этилган.[3] Н.К. Дружининнинг илмий изланишларида аҳолининг даромади ҳамда иш ҳақини ҳисоблашда фойдаланиш масалалари бўйича, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадларига қараб тақсимлаш, истеъмолни таҳлил қилишнинг

---

[2] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, -Б. 48-49.

[3] Гранберг А.Г. Основы региональной экономики.- Москва: ГуВШЭ, 2003.-134 с.

математик ва статистик усуллари ҳамда аҳолининг истеъмоли ва эҳтиёжини прогноз қилиш моделлари ишлаб чиқилган.[4] Ушбу олимларнинг ҳудудий ривожланиш соҳасидаги илмий тавсиялари маълум даражада илмий-услубий тавсифга эга бўлсада, аҳоли турмуш даражаси бўйича ишлаб чиқилган моделлари эса режали иқтисодиёт шароитига мос мақсад ва вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш маълум тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу ҳудудий иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсат масалаларини тадқиқ қилган олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Мамлакатимиз олимларидан Т. Аҳмедов, Ё. Абдуллаев, А. Солиев, А. Содиқов, Ф. Эгамбердиев, О. Ота-Мирзаев, В.Ким, Н. Махмудов, Ф. Аҳмедов, Р. Юнусова ва бошқа олимлар тадқиқотлари шулар жумласига киради.

Хусусан, Т.М.Ахмедовнинг[5] илмий изланишларида ҳудудлар ижтимоий ривожланишини такомиллаштириш учун, аввало ҳудудий таҳлилни тўлиғича ижтимоий, иқтисодий ва моддий олам тизимларини бошқаришни ташкил қилиш тизими сифатида қараш асосланган. Бундай тизимларга турли ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-ҳудудий бошқарувлар ҳам киритилган. Ё.Абдуллаевнинг илмий изланишларида республикамиз ҳудудлари ижтимоий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини белгиловчи омилларни тавсифлаш мақсадида аҳоли сонига нисбатан ҳисобланадиган макроиқтисодий статистик кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.[6] А.С.Солиев[7] илмий изланишларида ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш муаммолари мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, иқтисодий тармоқларнинг жойлашувини, табиий-иқтисодий иқлимини, ҳудуднинг демографик ва иқтисодий асосларини, худди шунингдек, ҳудуднинг ички ва давлатлараро иқтисодий алоқалари боғлиқлигини ўрганган. А.М.Содиқовнинг[8] ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борган илмий тадқиқотларида Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш механизмини ишлаб чиққан ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг тамойиллари ва йўналишлари илмий асослаб берилган.

В.Ким, Н.Махмудовлар[9] илмий изланишларида аҳолининг турмуш даражасини ошириш кўрсаткичларини тавсифлаш учун кўп қиррали турли-

---

[4] Дружинин Н.К. Математическая статистика в экономике.-Москва: Статистика, 1971. - С 114.

[5] Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного раз-вития регионов Узбекистана.-Ташкент: Фан , 1992. –С.18-19.

[6] Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика. - Тошкент: Меҳнат, 1998. -382б.

[7] Солиев А., Абдуназаров Ҳ. Аҳоли ўсиши ва истеъмолларини ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ҳусусиятлари// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Тошкент, 2003. -№12. -Б.50-52.

[8] Содиқов А.М. Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари: и.ф.д. дис... авт. -Ташкент : Ўзбекистон Миллий университети, 2006.- 42б.

[9] Ким.В., Махмудов Н. Критерии оценки уровня жизни населения//Бозор,пул ва кредит. –Тошкент, 2003. -№11. -Б.55-56.

туман эҳтиёжларни аниқлашни таклиф қилган. Ф.Аҳмедовнинг[10] илмий изланишларида аҳоли турмуш даражасини оширишга илмий ёндошилиб, бюджетлар турлари ва мазмуни ёритилган ва турли оила таркиблари учун бюджетлар миқдорини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожлантириш тизимини иқтисодиётнинг турли жабҳаларида қўллаш ва моделларини тузиш бўйича Ўзбекистонда фаолият юритаётган иқтисодчи олимлардан В.Қобулов, С. Ғуломов, Б.Ходиев, Т. Шодиев, Р.Алимов, Б.Беркинов, Б.Салимов, Э.Жобборов, Ш.Холмўминов, Н.Хўжаев, Б.Ғойибназаров, И.Улашев ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Айни пайтда мамлакат ҳудудларидаги мавжуд салоҳият ва ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, аҳоли турмуш даражаси ва ҳудудлар ижтимоий ривожланиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўналишлари ва иқтисодиётни модернизациялаш талабларига мос равишда етарли даражада ўрганилмаган. Шуларни инобатга олганда қишлоқда аҳоли турмуш даражасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва ижтимоий ривожланишини белгиловчи кўрсаткичларни умумлаштириш, турли тоифадаги аҳолининг истеъмол харажати ва даромадларини таҳлил қилиш, аҳолининг турмуш даражасини аниқлаш ва ҳудудда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражаси ва сифатиниш яхшилаш бугунги куннинг долзарб муаммолари қаторига киради ва бу ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари доирасини белгилаб берди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг илмий –тадқиқот ишлари дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида “Қашқадарё вилоятини ҳудудий ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш“ мақсадли дастури билан узвий боғлиқдир.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялаш босқичида аҳоли турмуш даражасини ошириш, ҳудудлар ижтимоий ривожланиш жараёнларининг илмий-услубий асосларини илмий тадқиқ этиш, уларни баҳолаш ва истиқболлари бўйича амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар белгиланди:

–ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси босқичлари ҳамда истиқболларининг илмий-назарий асослари моҳиятини очиб бериш;

–аҳоли турмуш даражасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг ижтимоий ривожланишини белгиловчи омилларни умумлаштириш;

–меҳнат ресурслари ва аҳоли сонининг мамлакат макроиқтисодий ўсиш кўрсаткичларига ҳамда аҳолининг турмуш даражасига таъсирини баҳолаш;

---

[10] Ахмедов Ф., Юнусова Р. Қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш.-Т.: Меҳнат, -1989. –Б. 56.

–уй хўжаликларининг имкониятларини, улар жойлашган ҳудуддаги мавжуд салоҳият ва ўзига хос хусусиятларни илмий асослаш;

– уй хўжалиги фаолияти ҳаракатининг сифат кўрсаткичларини ошириш ёрдамида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш;

– аҳолига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишлари ва аниқ йўлларини белгилаш;

**Тадқиқот объекти** бўлиб, Ўзбекистон Республикаси минтақалари, Қашқадарё вилоятининг ижтимоий ривожланиши ва аҳолисининг турмуш даражаси ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ижтимоий ривожланиши ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот давомида тизимли ёндашув, қиёсий ва таркибий таҳлил, математик-статистика, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, прогнозлаш усулларидан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

– аҳоли турмуш даражаси ва ҳудудлар ижтимоий ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими, турмуш даражасини нафақат барча аҳоли учун балки табақалашган микро даражада ҳисобланиши зарурлиги ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришда устувор аҳамият касб этишининг илмий асослари;

- аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг йўналишларининг илмий асослари;

**Илмий янгилиги.** Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мамлакат ҳудудларида аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш ва ижтимоий ривожланишининг илмий-услубий асослари, воситалари ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

Ишнинг илмий янгиликка молик натижалари қуйидагилардан иборат:

–ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси босқичлари ҳамда истиқболларининг илмий-назарий асослари моҳиятини очиб берилди;

–аҳоли турмуш даражасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг ижтимоий ривожланишини белгиловчи омилларни умумлаштирилди;

–меҳнат ресурслари ва аҳоли сонининг мамлакат макроиқтисодий ўсиш кўрсаткичларига ҳамда аҳолининг турмуш даражасига таъсирини баҳоланди;

–уй хўжаликларининг имкониятларини, улар жойлашган ҳудуддаги мавжуд салоҳият ва ўзига хос хусусиятларни илмий асосланган;

– уй хўжалиги фаолияти ҳаракатининг сифат кўрсаткичларини ошириш ёрдамида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олинган;

– аҳолига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишлари ва аниқ йўлларини белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Магистратура диссертация натижалари қишлоқ аҳолисини турмуш даражаси яхшилаш ва ҳудудий ижтимоий ривожланишни соҳасидаги илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожлантиришни вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутахассислари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Шунинг билан бирга тадқиқот натижалари иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Меҳнад иқтисодиёти ва социологияси», “Агросанот мажмуи иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” фанларини ўқитишда ўз тадбиқини топиши мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Магистрлик диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси (Маълумотнома №1214, 03.09.2007), томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинди.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Илмий ишнинг асосий хулоса ва натижалари "Олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълимида аниқ ва табий фанларнинг алоқадаорлик ва узвийлиги масалалари” (Қарши, 2014), Республика илмий-назарий анжуман материалларида “Мамлакатни модернизациялаш шароитида қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини яхшилаш йўллари” ҳамда “XXI аср-интелектуал авлод асри” (Қарши 2014) Ёш олимлар ва талабалар ҳудудий илмий-амалий конференциясида ўз маърузалари билан иштирок этди.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Магистрлик диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича, жами 3 та илмий тезис материаллари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация матни ------ бетдан иборат бўлиб, ----- та жадвал, ------- та расмларни ўз ичига олади.

# I-БОБ. Мамлакатни модернизациялаш шароитида қишлоқ аҳолисини турмуш даражаси яхшилашнинг назарий асослари

## 1.1. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашнинг аҳамияти ва унинг назарий асослари

Ҳар қандай жамиятнинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган бўлади. Жамиятни ижтимоий барқарорлигини, иқтисодий ривожланишини, тинчлигини, инсон соғлом ва фаровон ҳаёт кечириши учун давлат кучли ижтимоий сиёсат олиб бориши зарур.

Аҳоли турмуш даражаси-бу ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эхтиёжининг қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади. Аҳолининг моддий эхтиёжларига озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи ва уй-рўзғор буюмларига бўлган талаблари киради. Аҳолининг маданий-маиший эхтиёжларига инсонларнинг билим, малакасини ошириш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш кабиларга бўлган эхтиёжлари киради.

Аҳолининг ижтимоий турмуш шароити-бу жамиятнинг барча аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар томонлама жисмоний ва маданий ривожланишни таъминлаш ҳамда меҳнат шароитини яхши ташкил этиш, кишилар саломатлиги ва меҳнат қилиш қобилятини сақлашни кафолатлаш, вақтинчалик иш қобилятини йўқотганларни ижтимоий таъминот, нафақалар билан таъминлаш, нисбатан кам даромадли оилаларнинг ижтимоий ҳимоялашни ифодалайди. Бизнинг фикримизча, аҳоли турмуш даражаси тор маънода-бу истеъмол даражаси, талабни қондирилиш даражасини (даромад, харажатлари, моддий неъмат ва хизматлар истеъмоли) таърифлашни ифодалайди.

Кенг маънода эса аҳоли турмуш даражаси-инсон ривожланиш даражасини таърифлаш (соғломлиги, истеъмолини қондирилиш имконияти) ҳаётийлик шароитини (истиқомат муҳити, аҳоли муҳофазаси) баҳолашни ифодалайди. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг яхши тузилган тизими ижтимоий сиёсатни самарали ишлаб чиқишда, кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатишда, асосланган қарорлар қабул қилишда, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳатларнинг ижтимоий- иқтисодий оқибатларини баҳолашда, давлат ва ҳудудий ижтимоий дастурларнинг амалга ошишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга. Турмуш даражасининг статистик тавсифлари унинг комплекс баҳоланишини таъминловчи ўзаро боғланган кўрсаткичларнинг кенг тизимига асосланади. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ривожланиш борасида муҳим ўринни ягона шахсдан, оила, уй хўжалигига ўтиш эгаллади. Бу 1994 йилда миллий ҳисоблар тизимини методологиясини қабул этилиши билан боғлиқ бўлиб, илк бор макроиқтисодий тузилмада аҳоли тўлақонли субъект сифатида ўз ўрнини топди. Жаҳон иқтисодчилари томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама аниқ таърифловчи кўрсаткичлар методикасини, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлашга кўп ҳаракат қилишган.

Ривожланган давлатларда аҳоли турмуш даражасини баҳолаш-аҳоли даромадлари, озиқ-овқат истеъмоли, уй-жой шарт-шароитлари, кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

БМТ тавсиясига кўра аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама тўлиқ характерлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур. Ушбу кўрсаткичлар 12 гуруҳга ажратилган.

-Расм.

**Аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама тўлиқ характерлаш кўрсаткичлари тизимси**




БМТ статистика комиссияси, аҳоли турмуш даражасини баҳолашни-аҳоли яшаш шароити, истеъмол даражаси, бандлиликни таъминлаш, инсон эркинлиги томонлама қарашга тавсия этади. Шунингдек, БМТ жорий турмуш даражани алоҳида ижтимоий-индикаторлар ёрдамида-инсон баркамоллиги индекси ёрдамида ёритишни тавсия этади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга жавоб берадиган турмуш даражаси концепциясини яратишга зарурият туғилди. Мазкур концепцияни шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган “турмуш сифати” концепциясининг айрим қоидаларидан фойдаланиш мумкин. Аҳолини турмуш даражасини асосий ижтимоий-иқтисодий

индикаторларини: аҳоли пул даромадлари ва харажатлари, унинг таркиби ва фойдаланиш; даромад бўйича аҳолини тақсимлаш тўғрисидаги маълумотлар характерлайди.

Аҳоли пул даромадлари барча категориялардаги аҳолини меҳнати эвазига олган иш ҳақини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни даромадлари, нафақа тушум, стипендия, қуйилмалар бўйича фоиз кўринишида мулкдан олинган даромадлар, қимматбаҳо қоғозлар, дивидентлар, рента, кўчмас мулкни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларини сотишдан тушумлар, турли хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар ва бошқалардан иборат.

Аҳоли пул харажатлари ва жамғариш аҳолини товарлар ва турли хизматларни сотиб олишга қилган харажатлари, мажбурий тўловлар ва турли хил бадаллар (солиқ ва йиғимлар, суғуртага тўловлар, ижтимоий ташкилотларга бадаллар, товар кредитига фоизлар ва бошқалар) ҳамда шахсий жамғармаларидан иборат.

Ўртача аҳоли жон бошига пул даромадлари пул даромадлари умумий йиғиндисини мавжуд аҳоли сонига бўлиш орқали ҳисобланади.

Пенсионерларга белгиланган ойлик нафақаларни ўртача миқдори. Ўзбекистон Республикасини “давлат нафақаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш органлари ҳисобида турувчи пенсионерларни тайинланган ойлик нафақаларини пенсионерлар сонига нисбати билан аниқланади. Тайинланган нафақа хажми амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланади. Тайинланган нафақани реал хажми белгиланган ойлик нафақаларнинг ўртача хажмини истеъмол нархлари индексига мослаштириш йўли билан ҳисобланади.

Оилаларнинг даромад ва харажатларини статистик ўрганиш уй хўжалиги бюджетларини статистик текшириш асосида ҳар ойда мунтазам равишда оилаларни  (турли касбдаги) танлаб олиш асосида амалга оширилади.

Уй хўжалиги бюджетларини текшириш маълумотлари аҳоли даромад тузилмалари ва истеъмол харажатларини ва аҳоли турли қатламларидаги даромад ва харажатларини ўзгаришини характерлайди, уй хўжалиги ва  унинг таркибидаги аъзоларнинг бандлиги билан боғланган ҳолда бу даражалардаги фарқларни очишда фойдаланилади, даромад даражасини истеъмол билан боғланган ҳолда  шакллантиришда алоҳида манбаларни ролини кўрсатади; истеъмол талабларини ўзгаришларини босқичма-босқич ифодалашда фойдаланилади; даромадлар даражаси ва аҳоли турмуш даражасини характерловчи бошқа кўрсаткичларни дифференцациялашни ифодалайди.

Давлатимиз ижтимоий сиёсатининг амалдаги тизими аҳолининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган қулай ижтимоий муҳит ва шарт-шароитларни яратишда, иқтисодий фаолият эркинлиги, аҳолининг меҳнат фаоллигини ошириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш ва аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган.

Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими оилага, айниқса, кўп болали оилаларга қаратилган манзилли, мақсадли йўналишга эгадир. Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар уларнинг даромад даражасига кўра кескин табақалашиб кетишини жиловлаш, ночор оилалар кўпайишининг олдини олишга имкон беради. Аҳоли меҳнат фаолиятининг ўсиши, иқтисодий юксалишнинг барқарорлиги эса, республика аҳолиси барча қатламлари турмуш даражасининг ўсиши учун шароит яратади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳоли турмуш даражасини ошириш учун иқтисодий ислоҳотларнинг барча босқичлари қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилаяпти:

1. Даромад сиёсати.
2. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий кафолатлар.
3. Аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорини шакллантириш.
4. Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш.

Бу 4 йўналиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳам таркибий қисмларидир.

Давлат ижтимоий сиёсатининг мақсади –жамиятда аҳолининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган қулай ижтимоий муҳит ва шарт- шароитларни яратиш.

Ижтимоий сиёсат асослари:

- иқтисодий фаолият эркинлиги;
- аҳолининг меҳнат фаоллигини ошириш;
- аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш;
- аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш.

Бу шуни англатадики, мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши шунчаки мақсад бўлиб қолмасдан, амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар инсоннинг ҳаёти ва фаолияти учун энг мақбул шарт-шароитларни яратиб беришга йўналтирилгандир.

Демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳукумат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоялашнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб боргани сари, ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари, аҳолига ижтимоий мадад бериш ва уни ҳимоя қилиш чоралари ҳам ўзгариб боради. Ислоҳотларнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қоидалари мос келади.

Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги модернизациялаш босқичида аҳолининг турмуш фаровонлигига салбий таъсир қилувчи бир қатор омилларга барҳам берилди. Жумладан, инфляцияни жиловлашга муваффақ бўлинди. 2013 йилда инфляциянинг

йиллик даражаси 8 фоиздан ошишига йўл қўймаслик вазифаси қўйилган ҳолда, унинг йиллик даражаси 6,8 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини ҳам кескин пасайтиришга муваффақ бўлинди. Бунинг устига, республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш чора-тадбирлари кўрилганлиги аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг иккинчи энг муҳим йўналиши бўлди.

Юқорида қайд этилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат бобидаги муваффақиятлар шундан далолатки, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир”[11].

Ўтиш даври қанчалик мураккаб бўлмасин, бу тизим республиканинг барча аҳолисига ҳаётий муҳим маҳсулотларни истеъмол қилиш ва хизматлардан баҳраманд бўлиш соҳасида ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаб берди.

Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгартиришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади.[12]
Ўзбекистонда таркиби ҳар хил оилалар улушининг катталиги бу ҳудуддаги оилалар таркибининг ўзига хос хусусиятидир. Бу ерда битта турар жой майдонида яқин қариндош бўлган бир неча оила яшайди, уларнинг рўзғори ва оилавий бюджети ҳам битта бўлади. Мана шундай шароитда оилаларни кам даромадли оилалар тоифасига ўтказиш мезони ва уни чамалаш воситасини танлаб олиш жуда мураккаб бўлади.

Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари, руҳияти ва менталитетига таяниши лозим.

Даромадларни эълон қилиш каби маълум усуллар Ўзбекистон учун унчалик мақбул бўлиб чиқмади. Оилаларга маълумотномалар асосида махсус идоралар томонидан нафақа берилишидан иборат юзаки йўлдан бориш бундан ҳам хатарлироқ бўлур эди. Чунки, бунда холисоналикка йўл бермаслик ва адолат мезонларидан чекиниш ҳолатлари муқаррар рўй бериши мумкин эди. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

---

[11] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-10 б.
[12] Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-72 б.

Биринчидан, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ жойларда яшайди, томорқа хўжалигидан даромад олади, бироқ бу даромадни холисона ҳисобга олиш қийин.

Иккинчидан, бу усул одамларни қўшимча даромадларини яширишга ундайди ва боқимандаликни рағбатлантиради. Бизда ҳали уй-рўзғор хўжаликларини ўрганишнинг барча даромад манбаларини ҳисобга оладиган механизм ишлаб чиқилмаган.

Ўрта Осиёда ва аввало, Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилот шакли мавжуд бўлиб, у жамоа тушунчасидан кўра кенгроқ маънони англатади.

“Маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий ҳатти ҳаракатининг таркиб топиши, ижтимоий қадриятлар ҳурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидалари сақланиб қолди. Бу эса жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир. Маҳалла руҳи республикамизда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган”, -деб таъкидлаган эди юртбошимиз.

Айни мана шу руҳнинг мавжудлиги, фуқароларнинг маҳалла орқали одамлар, оилалар ўртасидаги алоқалари пишиқ ва пухта йўлга қўйилганлиги энг муҳтож кишиларга ёрдам беришнинг ижтимоий жиҳатдан адолатли тизимини қайта тиклаш сирларини очиш имконини берди.

Ижтимоий кўмаклашувнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш йўлларини излаш натижасида Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмаклашишнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасидир, деган фикрга келинди. Маҳаллада турмуш тажрибасидан ақли тўлишган, ҳар бир ишни ўрнига қўя оладиган кишилар яшайди. Халқнинг ўзи сайлайдиган, қонун асосида ўзини ўзи бошқариш органи мақомини олган оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир кишининг моддий ва мулкий аҳволини, ҳар бир оиланинг даромад манбаларини ипидан игнасигача биладилар. Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизими доирасида кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланадиган бўлди.

Энг муҳими, моддий ёрдам кўрсатишнинг бу усули шундай оила аъзоларининг қадр-қиммати камситилишига йўл қўймаслик имконини берди.

Муҳтож оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ўзини ўзи бошқариш органларига тайинли ресурслар ажратиб бериш мақсадида маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди.

Давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш ҳақида ўз кучи ва мулкини гаровга қўйиб, оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи ва шунга қодир бўлган бошқа барча кишилар учун тенг шароит

ҳамда қулай муҳит яратиш йўли билан ижтимоий барқарорлик ва жамиятдаги тинчлик-тотувлик, иноқликнинг кафили бўлишига эришилди.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир [13].

Кучли ижтимоий сиёсат мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Бу энг аввало, сермаҳсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборатдир.

Янги минг йилликка йўл очиб борар эканмиз, ҳаммага дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзамиз. Хавфсизлик, барқарорлик ва собитқадам ривожланиш деган сўзлар бунинг рамзидир. Чунки, айнан ана шу тушунчалар ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун мустаҳкам пойдевор яратади. Сайёрамизда жўғрофий-сиёсий мувозанатнинг ажралмас шарти бўлиб қолади. Бу ҳар бир инсонга келажакка дадил ва ишонч билан қараш ҳуқуқини беради.[14]

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг ўрта муддатли стратегияси ишлаб чиқилган эди. Бу стратегия ўз ичига 2004-2006 йил босқичларини олган эди. Бу стратегияни амлга ошириш учун Осиё тараққиёт банки билан Жаҳон банки ҳамкорлигида иккита йирик тадқиқот ишлари –“Аҳоли турмуш даражаси” ва “Ўзбекистонда камбағаллик ва макроиқтисодий сиёсат” БМТ ривожлантириш дастури ҳамда иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан ишлаб чиқилган дастур тайёргарлик бўлди[15].

Худди шунингдек ҳудудни ижтимоий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш стратегиясининг ҳар бир босқичига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ҳудудда ишчи гуруҳлар ташкил қилинди. Бу ишчи гуруҳлар илмий тадқиқотимиз объекти бўлган, Қашқадарё вилоятида ҳам ташкил этилди.

Ташкил қилинган гуруҳ ҳар бир ҳудуднинг ривожлантириш стратегиясига асосан:

- ҳудуднинг миллий сиёсатини бозор шароитига мослаштириш;
- фойдаланилмаётган маҳаллий ресурсларни мобилизация қилиш;
- ҳудудда ишлаб чиқаришни марказлашмаган ҳолда ташкил қилиш;
- бошқарувнинг янги механизмига ўтиш белгилаб берилди.

Бу эса қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

–ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш мақсадида, фойдаланилмаётган моддий ишлаб чиқариш қувватларини, инвестициялар ва молиявий ресурсларни ишга солиш;

---

[13] Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш –устивор вазифа. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998 -14 б.
[14] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998 -427 б.
[15] «Макроэкономическая политика и снижение бедности” , ПРООН и ЦЭИ, 2003 .

–инсон ресурсларидан фойдаланиб, ходимларнинг малакаси ва таълим даражасини, меҳнат ғайратини ошириш;
–табиий ресурслардан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш;
–ижтимоий соҳани, аввало, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини ривожлантириш;
–ижтимоий соҳага йўналтириладиган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш зарур бўлади.

Қашқадарё вилоятида мана шу стратегик дастурни амалга ошириш учун амалий ишлар қилинмоқда. Биз олиб бораётган тадқиқот ҳам амалий ишлар натижаларидан бири ҳисобланади.

Бу ишларининг мазмуни 2008-2015 йилларда мамлакатимизни миллий ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш, кам таъминланганликни камайтириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини ташкил этади. Бундаги энг муҳим чора-тадбирлар, аввало ишсизлик, аҳоли даромади табақаланиши муаммоларини ечишдан иборат. [16]

Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳоли турмуш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлган айрим ўзгаришлар ҳам кузатилади:
1. Ялпи даромад бўйича аҳоли қатламларининг табақаланиши.
2. Ишсизликнинг пайдо бўлиши ва вақтинчалик иш билан банд бўлмаганлиги учун тўловларнинг жорий этилиши.

Ушбу стратегияга асосан қуйидаги вазифалар белгиланди:
-саноатнинг ЯИМ даги улушини ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини изчиллик билан ривожлантириш;
- ишлаб чиқаоилаётган маҳсулотларнинг экспортни ошириш;
-ЯИМ асосий капиталдаги инвестиция улушини ва инвестицион талабни ошириш;

Ҳусусий секторлар ролини ошириш мақсадида, биринчи навбатда қайта ишлаш тармоқларида:
- ЯИМ даги кичик бизнеснинг улушини ошириш қишлоқ жойларида касаначиликни ривожлантириш ва уларнинг турли хилдаги шаклларини ташкил этиш учун барча имкониятларни яратиш;
-аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмини ошириш;
- иш ҳақини босқичма-босқич ошириббориш ва кам таъминланган оилаларни моддий рағбатлантириш;
- давлат маориф билан соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларга энг катта эътиборни қаратиб, мактабларнинг 50% фоизини компьютер синфлари билан таъминлаш;
- соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакат тез тиббий ёрдам билан 100% таъминланган бўлиши керак.

Ушбу вазифаларни бажаришда давлат бошқаруви қуйидагилардан иборат бўлади:

---

[16] Стратегия повышения благосостояния населения республики —Ташкент: Ўзбекистан, 2007. —с 138

1. Маориф, соғлиқни сақлашни, сув билан таъминлаш, санитария учун лойиҳаларни қўллаб –қувватлаш.
2. Ўрта муддатларда бюджет тизимини ишлаб чиқиш.
3. Бюджет самарадорлигини ошириш.
4. Бюджет ҳисоботларини ғазначиликка ўтказишни такомиллаштириш.

Мана шуларни ҳисобга олиб, 2007 йилда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури қабул қилинди. [17]

Дастурда асосан :

1.Амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги қонун ҳужжатлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, аҳолининг ночор қатламига ёрдам кўрсатишда дифференцияланган ёндашувни амалга ошириш.

2.Меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисини йўқотган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, "Сен ёлғиз эмассан" инсонпарварлик шиорини ҳаётга амалда татбиқ этишни таъминлаш.

3.Аҳолининг ночор қатламлари -муҳтож оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларни аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини ошириш.

4.Жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш, "Соғлом она-соғлом фарзанд" ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш.

5.Ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш.

6.Ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг профессионал ва маърифий юксалишини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақти ва спорт билан шуғулланишини ташкил этиш, ёш оилаларни мустақил ҳаётга қадам қўйишда қўллаб-қувватлаш.

7.Фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, давлат ва жамоатчилик томонидан уларни қўллаб-қувватлашни таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам ажратиш.

Республикадаги аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги тизими:

-оилага, айниқса, кўп болали оилаларга қаратилган манзилли, мақсадли йўналишга эга;

-барча муҳтож оилаларни моддий ҳимоялайди.

---

[17] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, №4-6, 2007 йил январь-февраль, 8-9 бетлар.

Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар уларнинг даромад даражасига кўра ҳаддан ташқари табақалашиб кетишини жиловлаш, ночор оилалар кўпайишининг олдини олишга имкон беради. Аҳоли меҳнат фаолиятининг ўсиши, иқтисодий юксалишнинг барқарорлиги эса республика аҳолиси барча қатламлари турмуш даражасининг ўсиши учун шароит яратади.

Маданий-маърифий ривожланган мамлакатларда аҳолининг баъзи табақаларини ижтимоий ҳимоялаш бошқача йўл билан амалга оширилади. Бу мамлакатларда нарх-наво асосан тутиб турилмайди, назорат қилинмайди, балки эркин қилиб қўйилади.

Бундай шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун:

Биринчидан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалари ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш маълум йўналишдаги сиёсат тусини олади.

Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолига келганда шуни айтиш керакки, унинг учун давлат меҳнатни рағбатлантиришнинг кучли воситасини жорий этиш ҳисобига бу табақанинг меҳнат ва ижодий имкониятини рўёбга чиқариш учун етарли шарт-шароит яратиб беради.
Меҳнаткаш ўз малакасига, ишининг сифатига яраша маош олиши керак. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш, меҳнатдан манфаатдорлигини кучайтириш, меҳнат ҳақи, уни табақалаштириш даражаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ўстириши билан чамбарчас боғлиқ масалалар ҳал қилинмоқда.

Учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишига ўз меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратади.
Кишиларнинг бир қисмини моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги, айниқса яширин ишсизлик мавжуд бўлган, меҳнат фаоллигини намоён қилиш имконини бермаётган қишлоқ хўжалигидаги ишдан озод қилиш зарур. Бизда хизмат кўрсатиш соҳаси амалда ривожланмаган, бу соҳа барча эркин меҳнат ресурсларини қамраб олиши мумкин.

Тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа-соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек илм-фанга чуқур эътибор берилди.

Сўнгги йилларда нафақа ва моддий ёрдам сўммаларининг давлат бюджети даромадлари таркибида юқори салмоққа эга эканлиги кузатилмоқда. Бу эса, мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги билан изоҳланади.

Аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини ошириш, биринчи навбатда, инсонларга нормал меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг яшашлари, таълим олишлари, малака оширишлари, иш қобилиятларини

тиклашлари учун зарур бўлган моддий ва молиявий шарт-шароитларни яратишни тақозо этади.

Ҳар бир ҳududнинг демографик ҳолати ва аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий инфратузилмани, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш юқорида қайд этилган принципларга риоя қилган ҳолда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун муҳим замин яратади.

Сўнгги йилларда ижтимоий ва экологик муаммоларнинг кучайиши аҳолининг турмуш фаровонлигига нисбатан салбий таъсирини юзага келтирмокда, бу эса ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, инвестицияларни жалб қилишда экология омилини ҳисобга олиш заруриятини кучайтиради.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида 2008 йилнинг 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб берди:

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари–мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;
- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш[18].

Президентимиз ўз маърузаларида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг принципиал аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиб ўтдилар.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

---

[18] Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Ҳудудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор. Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича худудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Туманларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш бўйича ихтисослашган хусусий пудратчи корхоналарни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш зарур.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси–қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг миқёсда қўйилмоқда яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хомашё базасини ташкил этиш зарур.

## 1.2. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва республика ҳудудларини ижтимоий ривожлантиришнинг моҳияти

Республика иқтисодиётида бозор муносабатлари чуқурлашган сари рўй бераётган туб ўзгаришлар янгича бошқариш услубларини талаб этмоқда. Мамлакат миқиёсида макроиқтисодиётни самарали тартибга

солиш билан унинг ривожланишига қулай иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий вазият яратилади. Саноатлашган, ривожланган мамлакатларда макроиқтисодиётни бошқариш макро-моделлари яратилган. Макромоделларни яратишда ҳар бир мамлакат ўз ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётини ривожлантиришга эришади.Кейинги йилларда Туркия модели, Швеция модели. Жанубий Кореа модели ва шу каби бошқа моделлар билан бир вақтда, ҳақли равишда Ўзбек модели ҳам кўп бор тилга олинмоқда. Мазкур модел иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешта муҳим ва машҳур тамойили асосида олиб борилмоқда.

Ушбу тамойилларнинг мазмуни биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдандан устун тармоғи, иккинчидан, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлмоғи, учинчидан, бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи, тўртинчидан, ижтимоий муҳофаза соҳасида турли чора-тадбирларни амалга ошириш ва ниҳоят, бешинчидан, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширишдан иборат.

Макроиқтисодиётнинг умумий назариясини билмай туриб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш анча қийин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни тартибга солиш, истиқболни аниқлаш, миллий иқтисодий манфаатларни халқаро кўламда ҳимоя қилиш учун янги бозор иқтисотиёти “институт”лари яратилмоқда. Уларда ишлаётган мутахассислар баҳо муаммоларини, макрокўламда ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва мувозанатни таъминлаш, ишчи кучини тартибга солиш, ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш ва ташқи ташқи иқтисодий фоалият билан шуғулланишлари керак.

Бугунги кунда мавжуд бўлган инфляция, ишсизлик, ҳарбий харажатлар, бюджет камомади, қашшоқлик ва тенгсизлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва шу кабилар, туб моҳияти жиҳатидан чегараланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоси ҳал этилиши зарур эканлигини англатади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, шахс, корхона, ҳудуд, мамлакат ва ҳатто халқаро миқиёсларда ҳам иқтисодиёт билан шуғулланиш хаётий заруратдир.

Бозор иқисодиёти шароитида макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг роли ва аҳамияти бениҳоя катта. Макроиқтисодий барқарорлик мамлакат иқтисодиётининг тўғри ёки нотўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатувчи индикаторлардан бири ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётда бўлаётган доимий ўзгаришлар ҳар қандаймамлакатни ҳам иқтисодий мувозанатдан чиқариб юбориши мумкин. Яъни, кечаётган бирор жараён мутаносибли, мувозанатли бўлса, уни бир маромда фоалият кўрсатаётган организм деб тушунамиз ва аксинча, ундаги ҳар қандай силжиш унинг мувозанатининг бузилиши деб қаралади.

Иқтисодий тизимлардаги бундай барқарорлик товарлар ва хизматлар тақчиллиги ёки ортиқча ишлаб чиқарилганлиги, инфляция, ишсизлик ва

шунга ўхшаш бошқа салбий ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Улар иқтисодиёт самарадорлигининг пасайишига ва аҳоли турмуш тарзи тушиб кетишига олиб келади. Шу сабабли ҳам иқтисодий мувозанат муаммоларини тадқиқ қилиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишининг асосий мақсадларидан бири аҳоли турмуш даражасини ва сифатини янада ошириш ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳисобланади.

Шуларни инобатга олиб мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг давлат дастурлари қабул қилиниб амалга оширилмоқда. Шу орқали аҳоли даромадлари ва реал иш ҳақлари мунтазам ошиб, аҳоли турмушининг сифати янада яхшиланмоқда.

Шунга қарамасдан давлат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш негизида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, улар даромадларини янада оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишни изчил давом эттирмоқда. Бунда, 2007 йилнинг 23 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида”[19]ги ПҚ–573-сонли қарори муҳим аҳамиятга эгадир. Унда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги йўналишлар ва соҳаларни белгилаш, яқин ва ўрта истиқболда аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш, даромад манбаларини кенгайтириш чоралари ва хизмат кўрсатиш тизимини баҳолаш механизмини такомиллаштириш вазифалари қўйилган.

## 1.3. Ҳудудлар ижтимоий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини белгиловчи омиллар

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиб борар экан, унинг биринчи галдаги вазифаси, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий ривожланишини такомиллаштириш ва даромадларини янада оширишдан иборатдир. Ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида қанчалик улкан ижтимоий аҳамиятга эга, айни пайтда юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили, десак ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода юртбошимиз 2007 йил 12 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида шундай деганди: "2007 йилда алоҳида эътибор талаб қиладиган яна бир устувор вазифа-бу иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлашдан иборат "[20].

---

[19] Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, №4-6, 2007 йил январь-февраль, 8-9 бетлар.

[20] Каримов И.А.- "Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш - асосий вазифамиздир". Ўзбекистон овози газетаси. 2007 йил 13 февраль.

С.С.Ғуломовнинг[21] илмий изланишларида аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичлари қуйидагича талқин этилган:

–аҳолининг даромадларини акс эттирувчи кўрсаткичлар;

–аҳолининг моддий бойликларини ва хизматларни сотиб олишга қилган харажатларини акс эттирувчи кўрсаткичлар;

–жамғариш;

–йиғилган мулк ва аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси;

–аҳоли даромадларини дифференциялаш, камбағаллик даражаси ва унинг чегараси;

–ижтимоий –демографик тавсифномалар;

–аҳолининг турмуш даражасини умумий баҳолаш.

Бу кўрсаткичлар кўпроқ аҳоли турмуш даражасининг миқдорий томонларини ифодалайди, унинг сифат томонларини эса ижтимоий статистика кўрсаткичлари: аҳоли саломатлигининг ҳолати ва уни асраш, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва таркиби, савдо қилиш даражаси ва таълим, маданият соҳаларининг ҳолати, аҳоли яшаётган уй-жойларнинг файзлилик даражаси ва ҳоказолар акс эттирилади.

Аҳоли турмуш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Уни ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. "Турмуш даражаси" тушунчаси замонавий талқинда инсон фаолиятининг барча томонларига тааллуқли бўлган кенг қамровли тушунчадир.

Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий моддий, номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади[22].

Аҳолининг турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маънавий-маърифий эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиш даражасини тавсифлайди. Моддий эҳтиёжларга кишининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи, маиший ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш кабиларга бўлган эҳтиёжлари киради. Маънавий-маърифий эҳтиёжларга кишиларнинг билими, малакаси ва маънавий-маърифий савиясини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кабиларга бўлган эҳтиёжлари киради.

Ўзбекистонда аҳолининг моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжларининг қондирилиш даражасини ифодалайдиган "турмуш даражаси" атамаси кенгроқ қўлланилади. Бундай тавсиф кўпроқ турмуш даражаси статистикасини характерлайди.

---

[21] Макроиқтисодий статистика / С.С. Ғуломов таҳрири остида. -Т.: Тошкент, 2000.-204 б.

[22] Абдурахмонов Қ.Х.” Меҳнат иқтисодиёти”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Тошкент: "Меҳнат", 2004. 441-бет.

Аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

–ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши;

–илмий-техник тараққиёт;

–аҳолининг маданий-маърифий савияси ва бошқа омиллар.

Турмуш даражасининг энг муфассал талқини қуйидагича:

Турмуш даражаси -бу жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миқёси ва уларни қониқтириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи мажмуий ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Аҳолининг турмуш даражасини қуйидаги тўрт кўрсаткич билан ажратиш мумкин:

–тўқ турмуш даражаси -инсоннинг ҳар томонлама камол топишини таъминлайдиган неъматлардан фойдаланиши;

–нормал даража -инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаши учун қулай шароитларни таъминлайдиган илмий асосланган меъёрлар бўйича оқилона истеъмол қилиши;

–камбағаллик -меҳнат учун ресурсларни қайта яратишнинг қуйи чегараси сифатидаги иш қобилиятини сақлаш даражасида неъматларни истеъмол қилиши;

–қашшоқлик -инсоннинг яшаш қобилиятини сақлаш имкониятинигина берадиган неъматлар ва хизматларнинг биологик мезонлар бўйича йўл қўйиладиган минимал турларини истеъмол қилиши.

Ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий турмуш имкониятлари унинг даромадлари даражасига боғлиқ бўлади. Инсон даромадининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот олиш, бўш вақтини маданий тарзда ўтказиш имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Хусусан, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида иш билан бандликни оқилона ошириб бориш лозим бўлади. Хусусан, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли даромадларини ошириб бориш яхши натижа бермоқда. Бу борада, мамлакатимизда ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида, кескин чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Улардан бири сифатида, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармонини киритиш мумкин. 2006 йил 11 январда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган 4-сонли қарори ва шу қарор юзасидан қабул қилинган «Касаначилик тўғрисида Низом» муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур фармон ва қарорлар республика аҳолисининг бандлиги, айниқса, қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларига жалб этиш ва

улар даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устуворлик беришни таъминлайди.

Қашқадарё вилояти ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишини тавсифловчи муҳим кўрсаткичларни қуйидаги жадвал орқали кўрамиз. Жадвал маълумотларидан кўринадики, ижтимоий соҳалар кўрсаткичи бўйича вилоят ҳудудлари ўртасида сезиларли тафовутлар мавжуд. Масалан, Касби туманида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 33,5 минг сўм, Қарши шахрида 403,5 минг сўм. Мазкур кўрсаткичнинг ҳақиқатдаги даражаси вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан ва Қарши шахри кўрсаткичидан сезиларли даражада паст. Энг кенг тарқалган кўрсаткич айрим олинган инсон, оила ёки аҳолининг айрим ижтимоий гуруҳлари қўлидаги товар ва хизматлар ҳажми ҳисобланади. Бунда уй хўжаликлари сотиб олишлари мумкин бўлган товарлар, хизматлар ва корхона активлари ҳажми турмуш даражасини ифодалайдиган энг муҳим индикатор ҳисобланади. Даромадлар истеъмол харажатлари ва жамғаришларни молиялаштириш учун ишлатилади. Улар келажакда аҳоли томонидан молиявий активларни ва мулкларни (ер, уй ва ҳоказо) сотиб олиш учун сарфланади.

Бундан ташқари, аҳоли турмуш даражасини кенг маънода ифодалаш учун ижтимоий статистика кўрсаткичлари тизимига кирадиган бир қатор кўрсаткичлар ҳам қўлланилади. Масалан, турмуш даражасининг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланувчи мамлакатда миллий бойликнинг ҳажми, таркиби ва ўзгариши, ишлаб чиқилган ва фойдаланилган миллий даромад кўрсаткичлари мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан аҳолининг вақт бюджети статистикасининг кўрсаткичларини акс эттиради. У ижтимоий статистика кўрсаткичлари тизимини “Шахс, оила ва меҳнат жамоаси статистикаси” бўлимида акс эттиради.

**-жадвал**

**Қашқадарё вилояти ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар (2013 йил.минг сўм).**[23]

| Шахар ва туманлар номи | Ўртача аҳоли жон бошига кўрсаткичлар | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш | Чакана савдо айланмаси | Аҳолига хизмат кўрсатиш | | Даромад-лар | Харажат-лар | Ўртача бир ойлик иш ҳақи, сўм | |
| | | | Пуллик | Маиший | | | 2012 йилда | 2013 йилда |
| Ғузор | 13,5 | 182,9 | 67,2 | 14, 5 | 398 | 324 | 247187,9 | 305642 |
| Деҳқонобод | 10,6 | 199 | 47,4 | 7,6 | 215,8 | 182,5 | 161250,5 | 165411 |
| Қарши | 26,3 | 123,9 | 58,5 | 12,5 | 236,4 | 224,5 | 156039,4 | 172588 |
| Косон | 129,1 | 240,7 | 57,7 | 10,3 | 418,3 | 353,8 | 215367,5 | 236544 |

[23] Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Қамаши | 57,6 | 217,9 | 43,6 | 8,7 | 301,3 | 258,3 | 155214,3 | 165999 |
| Китоб | 43 | 282,2 | 117,2 | 12,6 | 458,6 | 424,4 | 185152,9 | 195688 |
| Касби | 17,7 | 102,7 | 33,5 | 7,7 | 224,8 | 163,7 | 173081,5 | 182540 |
| Муборак | 28,4 | 244,2 | 91,6 | 27 | 1023,1 | 557,5 | 270320 | 325699 |
| Миришкор | 18,5 | 144,5 | 54,2 | 12,3 | 273 | 186,3 | 182872,6 | 185955 |
| Нишон | 28,4 | 209 | 53,4 | 13,2 | 316,8 | 309,5 | 232724,1 | 253644 |
| Чироқчи | 29,2 | 125,9 | 33,6 | 5,3 | 291 | 228,5 | 163024,9 | 169871 |
| Шахрисабз | 170,9 | 234,3 | 53,4 | 10,7 | 326,6 | 272,8 | 212682,7 | 215621 |
| Яккабоғ | 49,5 | 235 | 45,2 | 7,5 | 354,2 | 277,4 | 209164,1 | 212600 |
| Қарши шахри | 538,3 | 1159,8 | 403,5 | 46 | 2231,4 | 1551,4 | 269744,7 | 310255 |
| Вилоят бўйича | 97,3 | 285 | 82,8 | 13,9 | 513,66 | 394,6 | 258501 | 290511,2 |

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш жараёнларини моделлаштириш босқичида қуйидаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилади:

-ҳудуд аҳолисини турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожлантириш жараёнларини моделларини ишлаб чиқиш;

- аҳолининг турмуш даражаси ва ижтимоий ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш;

- ҳудудни ривожлантириш стратегиясининг концептуал асосларини таркибий тузилишини ишлаб чиқиш.

- маҳаллий ресурслардан унумли фойдаланиш учун илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган меъёрлардан фойдаланиш.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришда аҳоли бандлиги ҳам муҳим омил эканлигини ҳисобга олиб, ҳудудларда ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширилиш таклиф қилинди:

–ҳудудда фаолиятнинг кенг турлари билан шуғулланадиган хусусий кичик корхоналар ривожланишини, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлайдиган корхоналарни ташкил қилиш;

–халқ истеъмоли моллари, қурилиш материалларини маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш;

–хизмат кўрсатиш соҳасини жадал тарзда ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолига тақдим қилинадиган ижтимоий, маиший ҳамда қурилиш хизматлари турларини сезиларли даражада кенгайтириш;

–ишдан озод бўлган ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда қайта ўқитишни сезиларли даражада яхшилаш;

–қисқа муддат ичида ишдан озод бўлган ходимларга ёки мутахассислиги бўлмаган шахсларга янги, бозор талабларига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгарувчан таркибига мос бўлган касбларга эга бўлиш, уларга ҳаётларидаги ўзгаришларга иқтисодий ҳамда психологик жиҳатдан

мослашишга ёрдам беришга қодир бўлган махсус маслаҳат бериш ва ўқув марказларининг кенг тармоғи ташкил қилиниши лозим;

–иш билан таъминланиши вақтинчалик мумкин бўлмаган ишга қодир аҳоли қисми ижтимоий томондан ишончли ҳимояланган бўлиши, ўзларининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш учун кафолатланган манбаларга эга бўлиши лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаси –бу ҳали тўлиқ фойдаланилмаган заҳиралардир. У нафақат ишдан озод бўлган ходимларни иш билан таъминлаш, балки меҳнат ресурслари ўсишининг бутун ҳажмини ишчи ўринлари билан таъминлашга ҳам қодирдир.

Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар соҳасини ривожлантириш, ижтимоий инфратузилма, уй-жой коммунал хўжалик объектлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, таълим тизими, соғликни сақлаш, транспорт, алоқа, дам олиш муассасаларини шакллантириш ва жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш давомида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда тармоқ ва ҳудудий ёндошувни муштарак ташкил этиш долзарб бўлиб боради. Ҳудудий ёндашув ижтимоий инфратузилманинг турли объектларини жойлаштириш ва ўзаро таъсирини яхшилаш, уларни маҳаллий эҳтиёжлар, ресурслар ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш имконини беради.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши, ички бозорнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўйиниш даражасининг юксалиши, маҳаллийлашган ишлаб чиқаришлар ва кичик тадбиркорликнинг, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши иқтисодиётнинг истеъмол сектори нисбатан барқарор ривожланишини, аҳоли реал даромадларининг ортиши ва товар айланишининг ўсишини рағбатлантирди. Айниқса, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизга яқин қисми яшайдиган қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш аҳоли турмуш даражасини ошириш нуқтаи- назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни баҳолашда ҳисобга олиш лозим бўлган муҳим омиллардан бири, фикримизча, аҳолининг табиий ўсиши ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, Республикамизда аҳолининг табиий ўсиш даражаси нисбатан юқори ҳисобланади. Масалан 2007 йилда республикамиз аҳолисининг ҳар минг кишига тўғри келадиган табиий ўсиши 17,2 кишини ташкил қилди. Бу эса 2006 йилга нисбатан 1,6 кишига кўп демакдир. 2006-2007 йилларда аҳолининг мутлақ табиий ўсиши 47800 кишини ташкил қилди[24].

Турмуш даражаси, фикримизча, юқорида эътироф этилган кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Мазкур кўрсаткичларни қуйидагича гуруҳлаш уларнинг мазмун-моҳиятига мос келади.

Умумлаштирувчи синтетик кўрсаткичлар:

---

[24] Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.-Тошкент, 2008.-Б.45.

–аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
–аҳолининг маънавий-маърифий даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
–аҳолининг ижтимоий шароитини тавсифловчи умумий кўрсаткичлар.

Аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:[25]
–жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулот;
–номинал ва реал даромад индекслари;
–турмуш қиймати индекси;
–инсон баркамоллиги индекси;
–қашшоқлик индекси;
–аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси;
–яшаш минимуми ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар қиймат-пул кўрсаткичлар бўлиб, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини акс эттиради. Аҳоли жон бошига яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) иқтисодий тараққиётни ва аҳоли турмуш даражасини ифодалайди:

$$T_k = \frac{YIM}{A}, \qquad (1.3.1)$$

бу ерда $T_k$ -аҳоли турмуш даражаси коэффициенти; *YIM*-ялпи ички маҳсулот; *A*- аҳолининг ўртача сони.

Аҳоли турмуш даражасини ўрганиш жараёни “шахсий эҳтиёж” категориясидан бошланади. Ижтимоий эҳтиёж соғлиқни сақлашни муҳофаза қилиш, меҳнатнинг кафолатланганлиги, ижодий характери ва маълум шароитлари, дам олиш, маиший хизматларга бўлган эҳтиёжни ўз ичига олади. Эҳтиёж қандайдир қотиб қолган нарса эмас, у муттасил ривожланади, тўхтовсиз ўзгаради. Эҳтиёжнинг ривожланиши у ёки бу неъматни истеъмол қилиш ва унинг жисмоний ҳажмининг албатта кўпайишини билдирмайди, бир қатор ҳолатларда ана шу неъматлар ва хизматлар истеъмол қилиш таркиби такомиллашуви ҳамда сифати яхшиланишини (истеъмол қилиш хусусиятини) назарда тутади. Бундан ташқари, турмуш даражаси тушунчасига жамият ривожланишининг ушбу босқичида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг даражасига мувофиқ келадиган, инсонга объектив хос бўлган чинакам зарур неъматларга эҳтиёжни акс эттирадиган оқилона эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини киритиш зарур. Масалан, алкогол ичимликлар, тамаки буюмлари ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжни оқилона эҳтиёж жумласига киритиш мумкин эмас.

Турмуш даражаси турли неъматлар ва хизматлар даражаси уларга бўлган оқилона эҳтиёжни қондириш босқичидан ташқари, инсонни ҳар томонлама эркин камол топтириш, янги инсонни шакллантириш учун вужудга келтирилган бир қатор шароитларни ҳам ўз ичига олади. Ҳар

[25] Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика. - Тошкент: Меҳнат, 1998. -182 б.

томонлама эркин камол топтириш шароитлари деганда меҳнат ва маиший дам олиш ҳамда уй-жой шароитларини, ишдан ташқари вақт ва ҳоказоларни тушуниш керак. Бундан ташқари, ана шу ижтимоий-иқтисодий шароитлар жумласига турмуш даражасининг тўхтовсиз ўсиш жараёнини таъминловчи, шунингдек ана шу жараённи реализация қилишга жамият ва давлат томонидан йўналтирилган фаолият ҳам киради.

Бозор шароитида аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ҳудудий жараёнларини ривожлантириш учун республикада шундай ҳудудий сиёсат юргизиш керакки, ҳар бир ҳудуд ўз иқтисодини ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкониятига эга бўлиши керак.[26] Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини илмий даражада бутун аҳоли учун ва табақалашган микро даражада алоҳида гуруҳи учун қараб чиқиш мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

## I БОБ бўйича хулосалар

Юқорида қайд этилган ижобий ҳолатлар билан биргаликда, мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш соҳасида ечимини топмаган қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, бундай долзарб муаммолар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга қадар, Давлат бюджетининг ижтимоий харажатларини илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий меъёрлар асосида режалаштириш жорий этилмаган. Бу эса, бюджет ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ходимларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш амалиётини сифат жиҳатдан янги босқичга чиқаришга тўсқинлик қилади.

Тараққий этган мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Япония, Германия, Франция ва Италияда Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий нормативлар асосида режалаштирилади. Мазкур ижтимоий нормативлар озиқ-овқат, кийим-кечак, даволаниш, дам олиш харажатларини ўзида мужассамлаштиради ва бюджет ташкилотлари ходимларининг нормал ҳаёт кечиришини таъминлайди.

2. Республикамиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасида сезиларли тафовутлар сақланиб қолмоқда.

3. Ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш даражасини ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурслар маҳаллий ҳокимият бошқарув органларида етарли эмас.

---

[26] Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2006 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йуналишлари”га бағишланган мажлисдаги маърузаси. \\ Халқ сўзи 2007 йил, 13-феврал.№31.-3б.

–ижтимоий меъёрларни ишлаб чиқиш етарли даражада илмий салоҳиятга эга бўлган илмий-тадқиқот марказлар зиммасига юкланиши лозим.

–БМТ нуқтаи назаридан ҳам, у ёки бу миллий давлатнинг ютуқлари, мана шу кўрсаткичларнинг нисбий яхшиланиши билан баҳоланади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, унга ижобий ва салбий таъсир қилувчи омилларни, ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан, ҳар томонлама ва узоқ муддат давомида изчил ўрганиш, мониторингини олиб бориш зарур.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг номинал пул даромадларининг ўсиш тенденциясининг мавжудлиги, унинг таркибида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадлар салмоғининг юқорилиги ва ўсиш суръатига эга эканлиги аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади;

иккинчидан, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичларни, уларнинг иқтисодий мазмунига кўра, умумлаштирувчи синтетик кўрсаткичлар ва аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичларга ажратиш мақсадга мувофиқдир;

учинчидан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган асосий принциплари сифатида минтақалар иқтисодиётининг барқарор тузилмасини шакллантириш учун шарт-шароит яратиш, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларни камайтириш, ҳудудлараро иқтисодий алоқаларни кучайтириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳисобига аҳоли турмуш даражасини ошириш принципларини эътироф этиш мумкин.

# 2-БОБ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ ВА ҲУДУДЛАР ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

## 2.1. Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таҳлили ва асосий кўрсаткичлари

Вилоятда Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор йўналишлар асосида ҳамда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлашга йўналтирилиб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурларининг бажарилиши, иқтисодий устуворликни таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилиб, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, инфляция даражасини қисқартириш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда корхоналар ташкил этиш, вилоят экспорт салоҳиятини кўтариш, иқтисодиётнинг асосий соҳаларида кичик бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижроси бўйича амалий ишлар олиб борилиб, маълум бир ижобий натижаларга эришилди.

2011 йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажми 5879473,4 млн. сўмни ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 106,3 % ни ташкил этган ҳамда ҳисобот даврига белгиланган прогноз (2567,9 млрд сўм ва 109,4%) дан 263,7 млрд сўм ёки 2,3 % га ортиғи билан бажарилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат ишлаб чиқариш ҳажми улуши 37,4 % (2011 йилда 39,6 %), қишлоқ хўжалиги маҳсулоти улуши 19,8 % (2011 йилда 18,2%), қурилиш ҳажми улуши 6,5% (2007 йилда 8,2 %), савдо ва умумий овқатланиш улуши 4,6 % (2007 йилда 4,9 %)ни ташкил этган бўлса, 31,1 % (2007 йилда 28,3%) ни бошқалар ташкил этди. Ушбу ижобий тенденцияга ўтган даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 18,9 % га (2007 йилда 14,3 %, прогноз 14,2 % ), қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 6,4 % га (2007 йилда 8,1%, прогноз 5,9 %), истеъмол моллари ишлаб чиқариш 17,3 % (2007 йилда 15,9 %, прогноз17,2 %), капитал қўйилмалар ҳажми 63,2% га (2007 йилда 1,2%, прогноз 46,6), қурилиш пудрат ишлари 13,8 % (2007 йилда 6,3%, прогноз16,6 %), чакана товар айланиши 15,1 % га (2007 йилда 12,9 %, прогноз 16,0 %), хизматлар 17,7 % га (2007 йилда 18,1%, прогноз17,7 %), шундан пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 27,5 % га (2007 йилда 34,1 %, прогноз 23,0%) экспортни 18,3 % га ўсиши ижобий таъсир кўрсатди. Лекин, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,8 % га, қурилиш ҳажми улуши 0,1 пунктга ва савдо ва умумий овқатланиш улуши 0,3 пунктга камайган.

2008 йилда Давлат даромадлар режаси 720,0 млн.сўмга белгиланган бўлиб ҳақиқатда 720,5 млн.сўмни ташкил этди. Режага нисбатан 488,9 млн.сўм ортиқча маблағ туширилди.

**-Жадвал**

**Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси ва унинг таҳлили**

| Т/р | Курсаткичлар | Улчов бирлиги | Йиллар | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2011 | 2012 | 2013 |
| 1 | Ялпи худудий махсулот амалдаги бахода | млн.сум | 5879473,4 | 7538106,3 | 8828128,6 |
| 2 | Утган йилга нисбатан | % | 106,3 | 104,5 | 105,6 |
| 3 | ш.ж. сохалар улуши % да Саноат | % | 39,6 | 39,0 | 37,4 |
| 4 | Кишлок хужалиги | % | 18,2 | 19,4 | 19,8 |
| 5 | Курилиш | % | 6,5 | 6,4 | 6,5 |
| 6 | Транспорт ва алока | % | 6,9 | 6,9 | 7,5 |
| 7 | Савдо ва ум. овкатланиш | % | 6,2 | 6 | 6,4 |
| 8 | Бошкалар | % | 12,8 | 12,8 | 14 |
| 9 | Соф соликлар | % | 9,8 | 9,5 | 8,4 |
| 10 | Кичик бизнес улуши | % | 56,2 | 52,4 | 51,4 |
| 11 | Даромадлари режаси | млн.сум | 1089370,7 | 1136088,8 | 12189046,4 |
| 12 | хакикатда | млн.сум | 1103489,6 | 1147926,5 | 1305213,7 |
| 13 | режанинг бажарилиши | % | 101,3 | 101,0 | 101,3 |
| 14 | Харажатлари режаси | млн.сум | 838404,4 | 1086709,0 | 1280241,3 |
| 15 | Хакикатда | млн.сум | 843034,7 | 1091266,0 | 1286495,3 |
| 16 | режанинг бажарилиши | % | 100,6 | 100,4 | 100,5 |
| Молиявий натижалар | | | | | |
| 1 | Дебитор карзлар (ички карзларсиз) | млн.сум | 82104,1 | 100307,1 | 10189614,2 |
| *2* | *ш. ж: муддати утгани* | млн.сум | 1416,1 | 4129,5 | 6141 |
| 3 | Кредитор карзлар (ички карзларсиз) | млн.сум | 963150,5 | 1111618,0 | 7536496,9 |
| *4* | *ш. ж: муддати утгани* | млн.сум | 1196,4 | 1359,9 | 2249,5 |

Вилоят маҳаллий бюджетининг даромадлар қисми 486,7 млрд.сўмга режалаштирилган бўлиб, амалда 499,9 млрд.сўмга (102,7%) бажарилган ва

маҳаллий бюджетга 13,3 млрд.сўм кўп маблағ жалб қилинган. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам бюджетнинг йиллик даромад кўрсаткичлари бажарилган (1.4.1 - жадвал).

Ҳисобот даврида вилоят маҳаллий бюджетининг даромадлар қисми 2008 йилда 486,7 млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, амалда 499,9 млрд сўмга (103 фоиз) бажарилган ва маҳаллий бюджетга 13,3 млрд сўм кўп маблағ жалб қилинган. 2008 йилда вилоят маҳаллий бюджет харажатлари 412,4 млрд.сўмга режалаштирилган бўлиб, хақиқатда 416,7 млрд.сўмга ижро этилган. 2008 йилда бюджет параметрида кўзда тутилган маблағга нисбатан 7 млрд 104,8 млн.сўм маблағ кўп ижро қилинди.

**(1.4.1-жадвал).**

**Вилоят буйича 2008 йилда маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисмига тушириилган маблағлар туғрисида (млн.сўм ҳисобида)**[27]

| № | Шахар ва туманлар | Режа | бажарилиш | Фарқи | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | %% | (+,-) |
| 1 | Ғузор | 44335,6 | 44455,9 | 100,3 | 120,3 |
| 2 | Дехқонобод | 2239,5 | 2367,5 | 105,7 | 128 |
| 3 | Қамаши | 8512 | 8513,1 | 100,0 | 1,1 |
| 4 | Қарши | 10766 | 10905,3 | 101,3 | 139,3 |
| 5 | Косон | 23664,4 | 24160 | 102,1 | 495,6 |
| 6 | Китоб | 8227,5 | 8486,1 | 103,1 | 258,6 |
| 7 | Миришкор | 5418 | 5477,6 | 101,1 | 59,6 |
| 8 | Муборак | 48479,3 | 54514,3 | 112,4 | 6035 |
| 9 | Нишон | 17737,4 | 17741,8 | 100,0 | 4,4 |
| 10 | Касби | 7891 | 8184,6 | 103,7 | 293,6 |
| 11 | Чироқчи | 7780,2 | 8158,6 | 104,9 | 378,4 |
| 12 | Шахрисабз | 21839,7 | 22585,7 | 103,4 | 746 |
| 13 | Яккабоғ | 7898,2 | 8179,5 | 103,6 | 281,3 |
| 14 | Қарши шахри | 35409,6 | 35455,6 | 100,1 | 46 |
| 15 | Вилоят бюджети | 236472,8 | 240750 | 101,8 | 4277,2 |
| | Жами | 486671,2 | 499935,6 | 102,7 | 13264,4 |

Бунинг асосий сабаби 2008 йилда вилоят маҳаллий бюджетига қўшимча тушган даромадлар ҳисобидан хукумат қарорларига мувофиқ вилоятдаги муҳим тадбирларга қўшимча маблағ ажратилганлиги натижасида вужудга келган (1.4.2- жадвал).

**(1.4.2 жадвал)**

[27] Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

**Қашқадарё вилоят маҳаллий бюджети харажатларининг 2008 йиллик ижроси тўғрисида (млн сўмда)[28]**

| Шахар ва туманлар номи | Харажат | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Аниқланган режа | Ҳақиқатда | Фарқи | |
| | | | (+;-) | % |
| Ғузор | 22502,3 | 22772,9 | 270,6 | 101,2 |
| Дехқонобод | 18008,2 | 18073,7 | 65,5 | 100,4 |
| Қамаши | 23963,5 | 24083,4 | 119,9 | 100,5 |
| Қарши | 17829,4 | 17960,9 | 131,5 | 100,7 |
| Косон | 25686 | 25898,9 | 212,9 | 100,8 |
| Китоб | 26281,3 | 26410,5 | 129,2 | 100,5 |
| Миришкор | 10551,7 | 10691,3 | 139,6 | 101,3 |
| Муборак | 7945,9 | 8050,2 | 104,3 | 101,3 |
| Нишон | 13228 | 13300,3 | 72,3 | 100,5 |
| Касби | 16523,1 | 16757,3 | 234,2 | 101,4 |
| Чироқчи | 40131,4 | 40292,3 | 160,9 | 100,4 |
| Шахрисабз | 38430,6 | 36737,6 | -1693,0 | 95,6 |
| Яккабоғ | 27709,4 | 27859,2 | 149,8 | 100,5 |
| Қарши шахри | 31495,7 | 31924,9 | 429,2 | 101,4 |
| | | | | |
| Вилоят бюджети | 92088,8 | 95912,8 | 3824,0 | 104,2 |
| Жами | 412375,3 | 416726,2 | 4350,9 | 101,1 |

2008 йилда иқтисодиёт харажатларига 7 млрд 809 млн.сўм, ижтимоий маданий тадбир харажатларига 275 млрд 458 млн.сўм, (шундан халқ таълими соҳасига 170 млрд 907 млн.сўм, кадрлар тайёрлаш харажатларига 30 млрд 481 млн.сўм, маданият соҳасига 1758 млн.сўм, соғлиқни сақлаш соҳасига 70 млрд 204 млн.сўм, ижтимоий таъминот соҳасига 1966 млн.сўм), аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ бўлган харажатларга 79 млрд 202 млн.сўм, капитал қурилиш харажатларига 38 млрд 984

[28] Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

млн.сўм ва бошқа соҳа харажатларига 15 млрд 577 млн.сўм маблағ йўналтирилган.
2008 йилда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларга 79 млрд 202 млн.сўм маблағ ажратилиб, тўлиқ молиялаштирилган. Шундан 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга ойлик нафақа тўлашга 36 млрд 643 млн.сўм, 2 ёшгача бола парваришида бўлган оналарга бериладиган нафақа пулларига 39 млрд 408 млн. сўм ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам пулига 3 млрд 150 млн.сўм маблағ ажратилган.
Шунингдек, бюджет параметрида кўзда тутилган биринчи даражали харажатлар (яъни бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимлари иш хақи ва халқ таълими тизимига қарашли ўқитувчилар меҳнат таътили, иш хақидан ажратма ва барча турдаги нафақа пулларини тўлаш) тўлиғича ўз вақтида маблағ билан таъминланган (3-4 иловалар).
Вилоятнинг 5 та тумани (Деҳқонобод, Қамаши, Китоб, Чироқчи ва Яккабоғ туманлари) вилоят бюджетидан дотация олади.
2008 йилда Дехқонобод, Қамаши, Китоб, Чироқчи ва Яккабоғ туманларига режалаштирилган дотациялар тўлиғича ўтказиб берилган бўлсада, хақиқатда дотация миқдорининг салмоғи режалаштирилган бюджетга нисбатан камайган ( 5-илова).

2007 йилда ажратилган дотациянинг харажатлардаги улуши вилоят бўйича 11,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 10,7 фоизни ташкил этди ёки 0,8 фоизга камайган. Шундан,Чироқчи туманида 5,4 фоизга (2007 йилда 41,6 фоиз бўлган бўлса, 2008 йилда 36,2 фоиз бўлган), Китоб туманида 8,6 фоизга (2007 йилда 43,6 фоиз бўлган бўлса, 2008 йилда 35,1 фоиз бўлган), Дехқонобод туманида 2 фоизга (2007 йилда 43,6 фоиз бўлган бўлса, 2008 йилда 41,6 фоиз бўлган) Яккабоғ туманида 7,2 фоизга (2007 йил 36,5 фоиз бўлган бўлса, 2008 йилда 29,3 фоиз бўлган) ва Қамаши туманида 1,7 фоизга (2007 йилда 23,2 фоиз бўлган бўлса, 2008 йилда 21,5 фоиз бўлган) камайган.
2008 йилда 2992 та кичик бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларнинг сони 74865 тага етди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига (74024 та) нисбатан 101,1 фоизга кўпдир. Рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 69424 таси ёки 92,7 фоизи фаолият кўрсатмоқда (6-илова).
Кичик бизнес корхоналарининг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 50,9 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоиз кўп (2007 йилда 47,7 фоиз).
Вилоятда озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан 117,7 млрд.сўмлик махсулот ишлаб чикарилиб, махсулот ишлаб чикариш хажми 2007 йилга нисбатан 122,1 фоизга ўсишига эришилди.
Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш бўйича 2008 йил давомида 949,9 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилди. Шундан 482,1 млрд. сўми ўсимликлар етиштиришдан, 467,8 млрд. сўми чорвачилик маҳсулотларини ташкил этди.

2007 йилнинг шу даврига нисбатан ялпи қишлоқ хўжалиги махсулоти ишлаб чиқариш солиштирма нархда 106,4 фоизга ўсди (7-илова).

Вилоят буйича 2008 йил давомида савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридаги товар айланишининг умумий ҳажми амалдаги нархларда 721922,6 млн.сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан амалдаги нархларда 128 фоизни, солиштирма нархларда 115,1 фоизни ташкил қилди ( 8 -илова).

Давлат тасарруфида бўлмаган корхоналар товар айланмаси 721453,7 млн.сўмни ёки умумий товар айланмасининг 99,9 фоизни ташкил килди.

Вилоят буйича чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига ўртача 285 минг сўмдан тўғри келди (ўтган йилда 227,2 минг сўмни ташкил этган).

Ҳисобот йилида вилоят бўйича аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш хажми амалдаги нархда 223317,8 млн.сўмни, солиштирма нархда 189092,1 млн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан амалдаги нархларда 50 фоизга, солиштирма нархларда эса 27,5 фоизга ўсди.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда нодавлат сектори улуши 200673 млн.сўмни ёки хисобот йилида аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажмининг 89,9 фоизини ташкил этди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хажми 2008 йилда амалдаги нархларда 35248,7 млн.сўмни, солиштирма нархларда 33253,5 млн.сўмни ташкил қилди, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан амалдаги нархда 114,4 фоизни, солиштирма нархда 107,8 фоизни ташкил қилди.

2008 йилда аҳолининг пул даромадлари 1290186,8 млн.сўмни ташкил этиб, ўтган 2007 йилга нисбатан 123,9 фоизни ташкил этди.

Аҳолининг пул харажатлари эса 993694 млн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 122 фоизни ташкил этди.

Аҳолининг пул даромадлари ўртача аҳоли жон бошига 514 минг сўмни, пул харажатлари эса 395 минг сўмни ташкил этди.

2008 йилнинг январ-декабр ойларида жами хизматлар ҳажми 954,2 млрд сўмни ташкил этиб, 2007 йилга нисбатан 117,7 % га (топширик 117,7 %) бажарилди. (шундан қишлоқ жойларда хизматлар ҳажми 408,8 млрд сўмни ташкил этди).

2008 йил мобайнида хизматлар соҳасини ривожлантиришга 3,3 млрд сўмга яқин кредит маблағлари ажратилиб, шундан 536,5 млн сўми (режа 481,0 млн сўм) “Бандлик” жамғармаси ҳисобидан ажратилди.

Ўтган даврда қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 2,1 млрд сўм кредит маблағлари ажратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали 2008 йилда вилоят бўйича 3092 та иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилиб, амалда 25395 та ёки режага нисбатан 8 баробарга ортиқ иш уринлари янгидан ташкил этилиб, шундан 21651 таси қишлоқ жойларда ташкил этилди.

2008 йилда вилоятда жами бозор хизматлари хажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,7 фоизга ёки 954,2 млрд.сўмга бажарилиши таъминланди. Жами хизматлар ҳажмида қишлоқ жойлардаги хизмат кўрсатиш ҳажмининг улуши 42,8 % ни ёки 408,8 млрд.сўмни ташкил этди.

Ялпи ички махсулотда хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 30,3 фоизни ташкил этди.
Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан тадбиркорлик субъектларига 536,5 млн.сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари тижорат банклари томонидан 3 млрд 271 млн.сўмлик кредитлар берилди. Жумладан, АТ "Микрокредитбанк" томонидан 236,0 млн.сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди.
2008 йилда аҳолига кўрсатилаётган савдо ва умумий овқатланиш хизмати ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан  117,4 фоизга ўсди ёки 179,0 млрд сўмни ташкил этди.
Жорий йилнинг ўтган даврида 155 та озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи чакана савдо шохобчалари, 37 та умумий овқатланиш шахобчалари фаолияти йўлга қўйилди
Таълим муассасаларида талабалар учун шароитларни яхшилаш мақсадида қўшимча 18 та буфет ва ошхоналар ташкил этилди.
Транспорт хизматини яхшилаш, пассажир ташиш йўналишларини такомиллаштириш, вилоятда мулк шаклидан қатъий назар, ўзаро рақобатни қўллаган холда бир хил шароит яратиш ва транспорт хизмати сифатини яхшилаш бўйича кенг қамровли иш олиб борилди.
Бугунги кунда мавжуд йўналишларнинг 298 таси очиқ тендерлар орқали жойлаштирилди, 106 та транспорт уюшмалари ташкил этилди ва уларда 4048 тадан ортиқ автотранспорт аҳолига йўловчи ташиш хизматини кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, жорий йилда яна 33 та янги йўловчи ташиш йўналишлари ташкил этилди ва қўшимча 400 дан зиёд автотранспорт воситалари аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳажми 32,6 фоизга ўсди ёки 150,1 млрд.сўмни ташкил этди. Алоқа ва ахборатлаштириш хизматлари ишларини яхшилаш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "Қашқадарё телеком" филиалининг 18 та объектида (Бешкент, Косон, Муборак, Миришкор, Касби, Нишон, Ғузор, Дехқонобод ва бошқа туманларига) эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиган аналог АТСларни янги замонавий рақамли АТСларга алмаштириш ва коммутация қурилмаларини кенгайтириш ишлари режалаштирилган бўлиб, мазкур қурилмаларни ўрнатиш ишлари 2008 йилда якунланди. Вилоятда "Ўзбектелеком Мобайл" филиалининг 6 та база станциялари ҳамда антена-мачта қурилмалари ўрнатилди.
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича вилоятнинг Муборак тумани аҳолисига 3 та провайдер томонидан шаҳарлараро ва ҳалқаро сўзлашувлар хизматлари кўрсатилмоқда. Туман марказидаги эски замон талабларига жавоб бермайдиган аналог АТС янги рақамлисига алмаштирилди. Муборак шаҳар почта алоқа тармоғида электрон пул жўнатмалари хизматлари жорий қилинди.
Вилоят ҳудудида 2008 йил мобайнида 107  та шаҳарлараро сўзлашув пунктлари очилган, 17 та интернет-кафелар фаолият юритмоқда, улардан

15 таси Қарши шаҳрида, 2 таси Шахрисабз ва 2 таси Муборак туманларда ташкил килинган.

Коммунал ва маиший хизматлар ҳажми 2008 йилда 275,1 млрд. сўмликни ташкил этди ёки ўтган йилни шу даврига нисбатан бу борадаги хизматлар 94,7 % ни ташкил этди. Коммунал ва маиший хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида, уй-жой фондининг кўп қаватли ва якка тартибдаги аҳоли хонадонларига совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмалари билан таъминлаш бўйича Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобига жами 22871 дона қурилмалар ўрнатилди. Шундан якка тартибдаги аҳоли хонадонларига 12358 дона куп қаватли уйларга 10513 дона совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмалари ўрнатилди.

Жорий йилда 150 км сув қувурларини тортиш режалаштирилган бўлиб, амалда 307,5 км сув қувури тортилди.

Қишлоқ аҳоли пунктларига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 34 та қишлоқ аҳоли пунктлари ичимлик суви билан таъминланди.

Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати даражасини кўтариш фермер хўжаликларининг ишини енгиллаштириш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш мақсадида 134 мини банклар, 166 та ёқилғи қуйиш, 131 та минерал ўғитлар сотиш, 49 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, 24 та зооветернария, 6 та транспорт хизмати кўрсатиш, 3 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шахобчалари, 191 та ММТП, 160 та СФУ ва 23 та ахборот консалтинг хизмати кўрсатиш инфратузилма объектлари ташкил этилиб, хозирги кунда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиб келмокда.

Фермер хўжаликлари ҳамда муқобил МТПларнинг моддий-техника базасини яхшилаш ва уларнинг ривожланишига кўмаклашувчи омилларни яратиш мақсадида уларга 2008 йилнинг ўтган даврида 192 та қишлоқ хўжалик техникалари лизинг корхонаси орқали харид қилинди.

Вилоят аҳолиси 2009 йил 1 январ ҳолатида 2565,9 минг кишини ташкил қилди ёки 2007 йилга нисбатан 59,8 минг кишига кўпайиб, ўсиш суръати 102,4 фоизни ташкил этди (9 -илова).

Вилоят иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сони 912,2 минг кишини ташкил этди ёки 2007 йилнинг шу даврига  нисбатан 103,9 фоизга ошди. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 1382,1 минг кишини ташкил этиб, 2007 йилга нисбатан 103,3 фоизга ўсди. 2008 йилда ишчи ва ходимларнинг ўртача иш ҳақи 290511 сўмни ташкил этди ёки 2007 йилга нисбатан 112,4 фоизга ошган (10-илова).

Умуман олганда моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ўртача иш хақи миқдори ноишлаб чиқариш соҳаларига нисбатан сезиларли даражада ошган.  2008 йилда меҳнат органларига ишга жойлаштириш юзасидан 58,2 минг киши ёки 2007 йилга нисбатан 2,6 минг киши кўп мурожаат қилди. 2008 йил охирига келиб “ишсиз” мақомини олган фуқоролар 7,8 минг кишини ташкил этди. Ҳисобот даврида меҳнат органлари орқали 51,7 минг киши (жами рўйхатга олинганларнинг 88,8 фоизи) ёки 2007 йилга нисбатан

2,7 минг кишига ортиқ ишга жойлаштирилган. Вилоят бўйича расмий ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 0,2 фоизни ташкил этди.

"Бандлик" дастури бўйича йил давомида 54653 та янги иш ўринлари яратиш мўлжалланган бўлиб, ҳақиқатда 59191 та янги иш ўрни яратилиб 109,2 фоизга бажарилди. Шундан, қишлоқ жойларида 49200 та ўрнига 52109 та янги иш ўрни яратилди ёки режа 106,8 фоизга бажарилди.

Жами иш ўринлари яратиш учун барча манбалар ҳисобидан 139,9 млрд.сўм маблағ сарфланди. Вилоят бўйича яратилган иш ўрнининг қиймати 2363 минг сўмга, қишлоқ жойларда эса 2129,3 минг сўмга тўғри келди.

2008 йил 1 январ ҳолатида пенсионерлар ва ижтимоий нафақа олувчилар 242,4 минг кишини, шундан кексалик бўйича 165,3 минг кишини, ногиронлик бўйича 36,4 минг кишини, ишлайдиган пенсионерлар 7,7 минг кишини, ижтимоий нафақа олувчи шахслар сони 20,4 минг кишини, шундан болаликдан ногиронлар сони 20,4 минг кишини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда вилоят бўйича ўзгалар кўмагига муҳтож 2518 нафар ёлғиз пенсионерлар ва ногиронлар рўйхатга олинган бўлиб, уларга уйларида кунлик тиббий, маиший хизмат кўрсатиш учун ижтимоий ёрдам ходимлари беркитилган.

Жорий даврда 2518 нафар ёлғиз, ногиронлар ва кексаларга ҳомий корхона ва ташкилотлар томонидан 676 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган, 129 нафар ногиронга аравачалар, 53 нафари эшитиш мосламаси, 215 ногиронга қўлтиқ таёқ ва хассалар берилди.

Вилоятда 2008 йилда 5355 нафар врач ва 26104 нафар ўрта маълумотли ходимлар тиббий хизмат кўрсатишмоқда ёки хар 10 минг аҳолига таъминланиш даражаси 20,8 ни ва 101,6 ни ташкил этди. Амбулатория-поликлиника хизмати қуввати бир сменада 27,4 минг қатновли 425 та (шундан 257 та Қишлоқ врачлик пункти ҚВП) муассасада хизмат кўрсатилмоқда.

Ушбу муассасалар билан бир қаторда 98 та нодавлат муассасаси фаолият кўрсатмоқда. 98 нафар врач тиббий хизмат кўрсатиш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолиятига рўхсат берилган лицензияга асосан фаолият кўрсатмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш учун хизмат қиладиган касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 2008 йил мобайнида режадаги 6968 та ўрнига 7286 та (йиллик режага нисбатан 105 фоиз), шундан 44 та йирик саноат корхоналарида 2103 та, 133 та бошқа йирик корхоналарда 2459 та ва 230 та кичик саноат корхоналарида 2724 та касаначилик иш ўринлари яратилган.

Вилоят бўйича 2008 йилда яратилган жами 59191 та янги иш ўринларидан 12,3 фоизи касаначилик меҳнатини ривожлантириш ҳисобидаги иш ўринларига тўғри келмоқда.

Касаначиларга буюртмаларни бажариш учун 3,0 млрд. сўмлик асбоб-ускуналар етказиб берилган ва хом ашёлар билан таъминланиб борилмоқда, касаначилар ҳар чоракда меҳнат хавфсизлиги ва шарт-шароитлари кўригидан ўтказиб борилган, бу меҳнат билан банд бўлган

фуқороларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари йирик саноат корхоналарида 45,0 минг сўмни, бошқа йирик корхоналарда 42,0 минг сўмни ва кичик саноат корхоналарида 54,4 минг сўмни ташкил этмоқда.

Касаначилар томонидан 16 турдаги ишлар бажарилмоқда ва бажарилган ишлар ҳажми ҳамда буюртмачи корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришида касаначилар ишлаб чиқарган маҳсулотлар улуши қуйидагича:

- 44 та йирик саноат корхонаси билан 2103 та шартнома тузилган ва 2135,7 млн. сўмдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Бунинг эвазига корхоналар томонидан 419,5 млн. сўм фойда олинган;
- 133 та бошқа йирик корхоналарда режадаги 2353 та иш жойлари ўрнига амалда 2459 та иш ўринлари яратилган ёки йиллик режа 105 фоизга таъминланган. Бу йўналишда 2152,6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, корхоналар томонидан 191,9 млн. сўм фойда олинган;
- 230 та кичик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида жорий йилда 2578 та иш ўрни яратиш режалаштирилиб, амалда 2724 та яратилган ёки режа 105 фоизга бажарилган.

Касаначилар томонидан 2809,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига 187,8 млн. сўм фойда олинган. 5886 нафар касаначиларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувлар киритилган ва 1400 нафарига эса янги меҳнат дафтарчалари юритилган. Шунингдек ушбу касаначилар мажбурий давлат ижтимоий суғурта қилинган ва уларга жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича ҳисоб варақлари очилган ва ҳар ойда иш ҳақидан 1 (бир) фоиз миқдорида бадал тўлови ташкил этилган.

Касаначилар томонидан буюртмачи корхоналарнинг (йирик, бошқа ва кичик саноат корхоналари) имтиёзлардан фойдаланган ҳолда умумий ишлаб чиқаришида касаначилар томонидан ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳисобига тежалган маблағ миқдори 799,1 млн. сўмни, шундан, ягона ижтимоий тўловдан 175,1 млн. сўм, мулк солиғидан 624 млн сўмни ташкил этган.

Хулоса қилиб айтганда:

– таҳлил қилинган давр мобайнида Қашқадарё вилоятида чакана савдо айланмасининг юқори суръатларда ўсиши кузатилди, бу эса, аҳолини халқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш, нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг нақд пулларга бўлган талабини қондириш даражасини ошириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади;

– вилоятда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг 2007 йилда 2006 йилга нисбатан юқори ўсиш суръати Қарши шаҳрида, Яккабоғ, Шахрисабз, Қамаши ва Ғузор туманларида кузатилганлиги мазкур туманларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг нисбатан яхши ташкил этилганлигидан далолат беради;

– Қашқадарё вилоятида иқтисодиётда банд аҳоли сонининг ўсиш суръати иқтисодий фаол аҳоли сонининг ўсиш суръатига нисбатан сезиларли даражада паст эканлиги аҳолининг бандлик даражасини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

– бугунги кунда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг муқобил манбаси сифатида банкдан ташқари, кредит ташкилотлари (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, лизинг компаниялари ва бошқалар) тизимини ривожлантириш лозим;
– тадбиркорларга хизмат кўрсатадиган инфратузилма ташкилотларини ташкил этиш ва моддий техник базасини янгилаш мақсадларига имтиёзли кредитлар беришни жорий этиш;
– тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатадиган инфратузилмалар мутахассислари учун доимий малака ошириш тизимини ва ушбу марказларга малакали кадрларни жалб қилиш механизмини яратиш;
– тадбиркорларга зарур технологияларни етказиб беришда лизинг хизматини йўлга қўйиш керак ;
– тижорат банклари томонидан ижро интизомининг бузилиши натижасида мижозлар ва бошқа тадбиркорлар ушбу фаолиятдан зарар кўриши мумкин бўлган ҳолатда банклар жавобгарлигини ошириш лозим.

## 2.2. Аҳоли турмуш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили

Бугунги кунда ахборотлар сифатини ошириш муҳим масала ҳисобланиб, унга “Давлат Статистикаси тўғрисида”ги қонунда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу қонунда давлат статистикасининг 10 та асосий тамойили: ишончлилик, холислик, беғаразлик, долзарблик, қиёсийлик ва барқарорлик, қулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошкоралик, статистика ҳисоботини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашишни истисно этувчи статистика ишларини ташкил этиш тизимини яратиш каби ҳолатлари зикр этилган.[29]

Ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилишда мутлақ миқдорлар муҳим қурол вазифасини ўйнаса-да, аммо улар билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Кўп ҳолларда ўртача ва нисбий миқдорлар ўзаро таққосланади.

Ҳудудлар ўзига хос табиий иқлим шароитларига, иқтисодий салоҳиятига, демографик хусусиятларга эга эканлиги, улар ўртасида ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича сезиларли тафовутларнинг мавжудлиги ҳудудларнинг ижтимоий ривожланиши ва аҳолисининг турмуш фаровонлигини баҳолашда аҳолининг таркибий ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Агар Қашқадарё вилояти аҳолисининг ҳар 1000 тасига тўғри келган туғилганлар сонини ҳисобласак, қуйидаги натижаларга эга бўламиз(1.3.1- жадвал):

**1.3.1-жадвал**

**Қашқадарё вилояти аҳолисининг табиий ўзгариш кўрсаткичлари[30]**

Аҳолининг Туғилганлар Туғилиш Аҳолининг ўсиш суръати, (%)

[29] Ўзбекистон Республикаси “Давлат Статистикаси тўғрисида”ги қонуни. 2002 йил 12 декабрь №441-11 “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2002, №24, 26-31б.
[30] Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

| Йиллар | ўртача сони (минг киши) | сони (минг киши) | (промелле) ‰ | Базисли | Занжирсимон |
|---|---|---|---|---|---|
| 2003 | 2336,4 | 54,6 | 23,3 | 100,0 | 100,0 |
| 2004 | 2378,2 | 53,2 | 22,3 | 101,7 | 101,7 |
| 2005 | 2419,8 | 53,1 | 21,9 | 103,5 | 101,7 |
| 2006 | 2462,2 | 53,7 | 21,8 | 105,3 | 101,7 |
| 2007 | 2506,2 | 58,6 | 23,3 | 107,2 | 101,7 |
| 2008 | 2565,0 | 64,1 | 24,9 | 109,8 | 102,3 |

2008 йилда вилоятда 64054 киши туғилган. Бу эса 2003 йилги туғилганларга нисбатан 9,8 фоиз кўпдир. Бу маълумотга асосланиб туғилиш нитенсивлиги ўсяпти деб бўлмайди. Чунки туғилишнинг ўсиши аҳоли сонининг ўсишига боғлиқ бўлаяпти. Туғилиш даражасини ҳар минг кишига нисбатан ҳисоблаганимизда туғилиш интенсивлигининг даражаси ўзгармаяпти. Чунки аҳолининг йилдан йилга ўсиш даражаси ўртача 1,7 фоизга ошиб бораяпти холос, фақатгина 2008 йилга келиб эса 2,3 фоизга ўсган.

Худди шунингдек Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари интенсивлигини йиллар бўйича таққослаймиз (1.3.2-жадвал). Иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар аҳоли бандлигини шакллантириш ва янги иш ўринларини ташкил этишга ижобий таъсирини кўрсатмоқда. 2007 йил Қашқадарё вилоятида ишлаётган аҳоли сони ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 27,8 минг кишига ёки 3,2 % кўпайган, 2008 йилда 3,9% га ошган. Жадвал маълумоти шуни кўрсатяптики, 2007 йилда вилоятда меҳнат ресурсларининг умумий сони 1343,4 минг кишидан иборат бўлиб, шундан 877,8 минг киши иқтисодиётда банд аҳоли, 2008 йилда 1395,7 минг кишидан иборат бўлиб, шундан 908,7 минг киши иқтисодиётда банд бўлган.

**1.3.2-жадвал**

**Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари динамикаси**[31]

| Йиллар | Меҳнат ресурсларнинг ўртача сони (минг киши) | Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони (минг киши) | Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли (%) | Меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати % | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Базисли | Занжирсимон |
| 2003 | 1161,6 | 770,5 | 66,3 | 100,0 | 100,0 |
| 2004 | 1199,6 | 796,4 | 66,3 | 103,2 | 103,2 |
| 2005 | 1256,4 | 821,7 | 65,4 | 108,2 | 104,7 |
| 2006 | 1301,4 | 850,0 | 65,3 | 112,0 | 103,5 |
| 2007 | 1343,4 | 877,8 | 65,3 | 115,6 | 103,2 |
| 2008 | 1395,7 | 908,7 | 65,1 | 120,2 | 103,9 |

Меҳнат ресурслари 2003 йилга нисбатан 2007 йилда 15,6 фоизга ошган, 2008 йилда 20,6 фоизга ошган. Меҳнат ресурсларининг йилдан йилга ўсиш даражаси 3,7% га тенг. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг интенсив ўсиш даражаси 1% га тенг бўлаяпти.

Ижтимоий соҳанинг ўзига хос жиҳатлари режалаштиришнинг баъзи услубий хусусиятларини белгилаб беради. Ижтимоий соҳа инсон омилига

[31] Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

боғлиқ бўлгани учун режалаштириш ёрқин ифодаланган ижтимоий йўналиш касб этади. Ижтимоий тармоқларда улар фаолиятларининг ижтимоий кўрсаткичлари ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг сифат кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва режалаштириш моддий ишлаб чиқаришга нисбатан кўпроқ ҳудудий омиллар ва демографик жараёнларга боғлиқ. Ижтимоий соҳани ривожлантиришни режалаштиришда ҳудуд иқтисодиётининг ривожланиш даражасини, аҳоли пунктлари ҳудудларнинг катта-кичиклигини, аҳоли сони ва таркиби, унинг қай тариқа жойлашганини аниқ ҳисобга олиш зарур. Ижтимоий соҳа тармоқлари кишиларнинг шахсий талабларини қондиргани учун хизматларнинг бир турини иккинчиси билан алмаштириш имконияти чекланган. Одатда хизматлар бири иккинчисини тўлдириб боради ва тармоқларнинг ривожланиши бир-бирига боғлиқ бўлади (1.3.3-жадвал).

**1.3.3-жадвал**

**Қашқадарё вилояти аҳолисига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш динамикаси**[32]

| Йиллар | Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш (млн.сўм) | Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати (%) | | Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (млн.сўм) | Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати (%) | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Базисли | Занжирсимон | | Базисли | Занжирсимон |
| 2003 | 40051,3 | 100,0 | 100,0 | 12389,7 | 100,0 | 100,0 |
| 2004 | 46915,5 | 117,1 | 117,1 | 13705,2 | 110,6 | 110,6 |
| 2005 | 69287,1 | 158,0 | 147,6 | 19922,6 | 160,7 | 145,3 |
| 2006 | 100103,4 | 249,9 | 144,8 | 25418,9 | 205,1 | 127,5 |
| 2007 | 152604,5 | 381,0 | 152,4 | 28686,5 | 231,5 | 112,8 |
| 2008 | 223317,8 | 557,6 | 146,3 | 35248,7 | 284,5 | 122,9 |

3- жадвал маълумоти шуни кўрсатаяптики, Қашқадарё вилоятида 2007 йилга келиб, 2003 йилга нисбатан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 112553,2 млн.сўмга ошган. Бу эса 2003 йилга нисбатан 2007 йилда 281%, 2008 йилга келиб 457% ошган. Демак бу аҳолига хизмат кўрсатиш даражасининг ошганлигидан далолат беради. Шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш 2007 йилда 131,5% га ошган, 2008 йилга келиб 184,5 % га ошган.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни йилма–йил ҳисоблаганда эса ҳар бир кейинги йил ўзидан олдинги йил даражасига нисбатан ўртача 40% дан ошиб борган. Маиший хизмат кўрсатиш 24 % га ошиб бораяпти. Интенсивлик даражаси 1% га тенг бўлаяпти.

Юқорида кўриб ўтилган статистик таҳлилларимиз бир-биридан тафовутда бўлган алоҳида миқдорларни умумлаштириб тавсифласада, лекин ўзига нисбатан алоҳида миқдорларнинг қай даражада тафовутда эканлигини, тафовутнинг қанчалик катта-кичиклигини ифодалай олмайди. Бунинг учун

[32] Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

биз вариация кўрсаткичларидан фойдаланамиз. Вариация кўрсаткичи ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда ўртача миқдорни ҳисоблаш билан чекланиб қолмасдан, балки шу ўртачадан алоҳида миқдорларнинг қанчалик тафовутда (фарқланиш) эканини ҳам аниқлаш мумкин. Қашқадарё вилоятида аҳолига пуллик ва маиший хизмат кўрсатишнинг вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз ( 1.3.4-жадвал). 2003 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат 40051,3 млн.сўмни, маиший хизмат 12389 млн.сўмни, 2008 йилда пуллик хизмат 223317,8 млн.сўмни, маиший хизмат 35248,7 млн.сўмни ташкил қилаяпти. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг дастлабки вариацион кенглиги, пуллик хизмат кўрсатиш бўйича 183266,5 млн.сўмни, маиший хизмат кўрсатиш бўйича эса 22859 млн.сўмни ташкил қилди. Берилган қатор асосида ўртача арифметик миқдорни ҳисоблаганимизда, ўртача пуллик хизмат кўрсатиш X=105379,9 млн.сўмни, ўртача маиший хизмат кўрсатиш X=22561,9 млн.сўмга тенгдир.

**1.3.4-жадвал**

**Қашқадарё вилоятида аҳолига пуллик ва маиший хизмат кўрсатишнинг вариация кўрсаткичлари**[33]

| Йиллар | Аҳолига кўрсатилган (млн.сўм) | | $\mid X-\bar{X} \mid$ (млн.сўм) | | $(X-\bar{X})^2$ (млн.сўм) | | Вариация коэффициенти (%) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Пуллик хизмат | Маиший хизмат | Пуллик хизмат | Маиший хизмат | Пуллик хизмат | Маиший хизмат | Пуллик хизмат | Маиший хизмат |
| 2003 | 40051,3 | 12389,7 | -65328,6 | -10172,2 | 4267825978 | 103473653 | -62,0 | -45,1 |
| 2004 | 46915,5 | 13705,2 | -58464,4 | -8856,7 | 3418086067 | 78441134,9 | -55,5 | -39,3 |
| 2005 | 69287,1 | 19922,6 | -36092,8 | -2639,3 | 1302690212 | 6965904,4 | -34,3 | -11,7 |
| 2006 | 100103,4 | 25418,9 | -5276,5 | +2857 | 27841452,25 | 8162449 | -5,0 | +12,7 |
| 2007 | 152604,5 | 28686,5 | +47224,6 | +6124,6 | 2230162845 | 37510725,2 | +44,8 | +27,1 |
| 2008 | 223317,8 | 35248,7 | +117938 | +12686,8 | 13909348256 | 160954894 | +111,9 | +56,2 |
| Ўртача | 105379,9 | 22561,9 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

Ўртачадан алоҳида миқдорларни қанчалик тафовутда эканлигини ҳисоблаганимизда 2003 йилда ўртачага нисбатан пуллик хизмат 65328,6 млн.сўм кам миқдорда хизмат кўрсатилган. 2008 йилда 117938 млн.сўм ортиқ хизмат кўрсатилган. 2003 йилда пуллик хизмат кўрсатиш бўйича вариация коэффициенти 62 % ни, демак ўртачага нисбатан вариация кучли демакдир. 2008 йилда 111,9 % ни ташкил қилаяпти. Бу дегани пуллик хизмат кўрсатиш ўртачага нисбатан юқори даражада ўзгарганлигини билдиради.

Қашқадарё вилоятида 2008 йилда шаҳар ва туманлар бўйича аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ўртача вилоят бўйича 82,8 минг.сўмни, маиший

[33] Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

хизмат 13,9 млн.сўмни ташкил қилаяпти. Вилоят бўйича аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг дастлабки вариацион кенглиги 320,7 минг сўмни, маиший хизмат кўрсатиш бўйича эса 32,1 минг.сўмни ташкил қилди. Вилоятга нисбатан туманлар бўйича алоҳида миқдорларнинг қанчалик тафовутда эканлигини ҳисоблаганимизда Ғузор туманида вилоятга нисбатан пуллик хизмат 15,6 минг.сўм кам миқдорда хизмат кўрсатилган. Қарши шаҳрида 320,7 минг сўм ортиқ хизмат кўрсатилган.

**1.3.5-жадвал**

**Қашқадарё вилоятида ҳудудлар бўйича аҳолига пуллик ва маиший хизмат кўрсатишнинг вариация кўрсаткичлари**[34]

| **Шахар ва туманлар номлари** | **Ўртача аҳоли жон бошига кўрсаткичлар, (2008 йил, минг сўм ҳисобида)** | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Аҳолига кўрсатилган (млн.сўм) | | $\mid X-\bar{X}\mid$ (млн.сўм) | | $(X-\bar{X})^2$ (млн.сўм) | | Вариация коэффициенти (%) | |
| | Пуллик хизмат | Маиший хизмат | Пуллик хизмат | Маиший хизмат | Пуллик хизмат | Маиший хизмат | Пуллик хизмат | Маиший хизмат |
| Ғузор | 67,2 | 14,5 | -15,6 | +0,6 | 243,4 | 0,4 | -18,8 | -+4,3 |
| Дехқонобод | 47,4 | 7,6 | -35,4 | -6,3 | 1253,2 | 39,7 | -42,8 | -45,7 |
| Қарши | 58,5 | 12,5 | -24,3 | -1,4 | 590,5 | 2,0 | -29,3 | -10,1 |
| Косон | 57,7 | 10,3 | -25,1 | -3,6 | 630,0 | 13,0 | -30,3 | -26,1 |
| Қамаши | 43,6 | 8,7 | -39,2 | -5,2 | 1536,6 | 27,0 | -47,3 | -37,7 |
| Китоб | 117,2 | 12,6 | +34,4 | -1,3 | 1183,4 | 1,7 | +41,5 | -9,4 |
| Касби | 33,5 | 7,7 | -49,3 | -6,2 | 2430,5 | 38,4 | -59,5 | -44,9 |
| Муборак | 91,6 | 27 | +8,8 | +13 | 77,4 | 171,6 | +10,6 | +94,9 |
| Миришкор | 54,2 | 12,3 | -28,6 | -1,6 | 818,0 | 2,6 | -34,5 | -11,6 |
| Нишон | 53,4 | 13,2 | -29,4 | -0,7 | 864,4 | 0,5 | -35,5 | -5,1 |
| Чирокчи | 33,6 | 5,3 | -49,2 | -8,6 | 2420,6 | 74,0 | -59,4 | -62,3 |
| Шахрисабз | 53,4 | 10,7 | -29,4 | -3,2 | 864,4 | 10,2 | -35,5 | -23,2 |
| Яккабоғ | 45,2 | 7,5 | -37,6 | -6,4 | 1413,8 | 41,0 | -45,4 | -46,4 |
| Қарши шахри | 403,5 | 46 | +320,7 | +32 | 102848,5 | 1030,4 | +387,3 | +232,6 |
| Вилоят буйича | 82,8 | 13,9 | 0,0 | 0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |

Ғузор туманида пуллик хизмат кўрсатиш бўйича вариация коэффициенти 18,8 % ни, демак ўртачага нисбатан вариация кучли демакдир. Қарши шаҳрида +387,3 % ни ташкил қилаяпти. Бу дегани пуллик хизмат кўрсатиш вилоятга нисбатан Қарши шаҳрида юқори даражада ўзгарганлигини билдиради.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда, иқтисодиётни режалаш-иқтисодий қонунлар тизимининг ҳудуд бўйича таъсири туфайли рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришларини билиб олиш-бу, умумдавлат миқёсидаги кўрсатмалар билан маҳаллий манфаатдорликни келтиришни ҳисобга олиб, минтақа иқтисодиёти ва

---

[34] Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ижтимоий тизимининг кўнгилдагидек ривожланиб бориш йўлларини аниқлаб олиш мумкин(1.3.6- жадвал) дегани.

Қашқадарё вилоятида маҳаллий бюджетнинг бажарилиши бўйича жами даромад 2007 йилга келиб, 2003 йилга нисбатан 254942,5 млн.сўмга ошган, 2008 йилга келиб 401870 млн.сўмга ошган. Бу эса 2003 йилга нисбатан 2007 йилда 258 %, 2008 йилда 407% ошган. Шу жумладан, жами қилинган харажат 2008 йилда 306502 млн.сўм бўлиб, 2003 йилга нисбатан 163 фоиз кўпдир. Жами даромадни йилма–йил ҳисоблаганда эса ҳар бир кейинги йил ўзидан олдинги йил даражасига нисбатан ўртача 41% га ошиб бораяпти. Жами харажатни йилма–йил ҳисоблаганда эса ҳар бир кейинги йил ўзидан олдинги йил даражасига нисбатан ўртача 16,6% га ошиб бораяпти. Демак аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси йилдан йилга ошиб бораётганидан далолат беради.

Ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланиши, бир томондан, режалаштириладиган чора-тадбирларнинг бир-бирига боғлиқ бўлишини ва ресурсларни оқилона тақсимлашни кўзда тутса, иккинчи томондан, ижтимоий соҳа ва моддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари тарафидан кўрсатиладиган бутун хизматлар мажмуини халқ фаровонлигини оширишнинг айни пайтдаги ривожланиш режасининг умумий тизимида алоҳида ажратиб қўйишни кўзда тутади

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда аҳолининг табиий ўсиш даражасининг юқори эканлиги ҳудудларнинг ижтимоий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни баҳолашда ҳисобга олиш лозим бўлган муҳим омил ҳисобланади.

**1.3.6-жадвал**

**Қашқадарё вилоятида маҳаллий бюджетнинг бажарилиши**[35]

| Йил-лар | Жами даромадлар йиғиндиси (млн.сўм) | Жами даромаднинг ўсиш суръати (%) | | Жами харажат-лар йиғин-диси (млн.сўм) | Жами харажатнинг ўсиш суръати (%) | | Харажатга нисбатан даромад-нинг ўсиши |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Базисли | Занжир-симон | | Базисли | Занжир-симон | |
| 2003 | 98709,2 | 100,0 | 100,0 | 108672 | 100,0 | 100,0 | 90,0 |
| 2004 | 128252,9 | 129,9 | 129,9 | 127340,9 | 117,1 | 117,1 | 107,0 |
| 2005 | 181896,7 | 184,2 | 141,8 | 164174,9 | 151 | 128,9 | 110,0 |
| 2006 | 246403,2 | 249,6 | 135,4 | 201290,3 | 185 | 122,6 | 122,4 |
| 2007 | 353651,7 | 358,2 | 143,5 | 286088,9 | 263 | 142,1 | 123,6 |
| 2008 | 500579 | 507,1 | 141,5 | 415205 | 382,07 | 145,1 | 120,6 |

Маҳаллий ҳокимият бошқарув органларининг асосий молиявий ресурслар манбаи маҳаллий бюджетлар ҳисобланади. Афсуски, маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида уларнинг ўзига тегишли бўлган даромадлар жуда паст салмоқни эгаллайди.

[35]Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, фикримизча, – давлат бюджетининг ижтимоий харажатларини, шу жумладан, маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий харажатларини илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий меъёрлар асосида ўрта муддатли даврий оралиқлар учун режалаштиришни жорий қилиш зарур.

## 2.3. Ҳудудларнинг ижтимоий ривожланиш жараёнларини ва меҳнат ресурсларининг динамикаси

Магистрлик диссертацияда объект сифатида танлаб олинган Қашқадарё вилояти, Ўзбекистон Республикасининг жанубий қисмида жойлашган, ҳудудининг катталиги жиҳатдан республикамизда тўртинчи ўринда турадиган вилоят ҳисобланади. Ҳудудий таркибида 13 та туман ва 1 та шаҳар мавжуд бўлиб, умумий ер майдони 28,6 минг.км ни ташкил қилади(1.5.1- жадвал).

Жадвалдан кўриб турганимиздек аҳолининг жами сонига нисбатан шаҳар аҳолиси 24,5 фоизни, қишлоқ аҳолиси 75,5 фозни ташкил қилаяпти. 2007 йил Қашқадарё вилояти аҳолисининг сони 2565,9 кишини ташкил этди.

**1.5.1 жадвал**

**Қашқадарё вилояти аҳолисининг ҳудудий таркиби, (минг киши ҳисобида)[36]**

| Туман ва шаҳарлар | Ташкил топган вақти | Туман марказидан Қарши шаҳригача бўлган масофа (км) | Сони 01.01.09 й | Доимий аҳоли, Шундан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Шаҳар | Қишлоқ |
| Ғузор | 29.09.26й | 51 | 159,8 | 39,6 | 120,2 |
| Деҳқонобод | 26.09.26й | 105 | 115,3 | 21,9 | 93,4 |
| Қамаши | 29.09.37й | 63 | 207,8 | 50,0 | 157,8 |
| Қарши | 01.10.31й | 7 | 188,6 | 67,5 | 121,1 |
| Косон | 29.09.26й | 30 | 221,2 | 112,5 | 108,7 |
| Китоб | 29.09.26й | 108 | 210,3 | 77,9 | 132,4 |
| Миришкор | 25.04.03й | 43 | 92,0 | 35,0 | 57,0 |
| Муборак | 13.09.78й | 77 | 68,7 | 54,3 | 14,4 |
| Нишон | 06.03.75й | 20 | 108,1 | 63,8 | 44,3 |
| Касби | 15.10.70й | 50 | 148,9 | 57,7 | 91,2 |
| Чироқчи | 22.02.26й | 83 | 308,9 | 71,6 | 237,3 |
| Шаҳрисабз | 29.09.26й | 104 | 295,0 | 157,8 | 137,2 |
| Яккабоғ | 29.09.26й | 95 | 207,4 | 66,7 | 140,7 |
| Карши шаҳри | 13.05.26й | | 233,9 | 233,9 | - |

[36] Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Вилоят | | | 2 565,9 | 1 110,2 | 1 455,7 |

Тадқиқотда Қашқадарё вилоятининг амалдаги реал ҳолатини аниқлаш учун, ижтимоий-иқтисодий статистика соҳасининг кузатув усулидан ҳам фойдаландик.

Кузатув ижтимоий–иқтисодий статистика соҳасининг бир қисми бўлиб, у аҳоли турмуш даражасини, асосан моддий фаровонлигини ўрганади. Кузатув ҳужжатлари аҳолининг фаровонлиги тўғрисида холис ва аниқ тасаввур беради, даромадлар даражасини таърифлайди, оила аъзолари бандлиги, бу борадаги тафовутларнинг сабабларини аниқлайди, даромадлардан баъзи бирларининг шаклланиш ўрнини, истеъмолнинг даромади даражасига боғлиқлигини кўрсатади, истеъмол эҳтиёжи ўзгаришларини кузатишга имкон яратади.

Ижтимоий кузатув маълумотлари аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари турмуш даражаларининг бевосита хусусиятларидан ташқари, ҳар хил иқтисодий ҳисоб-китобларда, хусусан, ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашда ва тақсимлашда, аҳолининг реал даромадларини ҳисоблашда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ва ишлатиш балансларини тузиш кабиларда кенг қўлланилади.

Шу боисдан 2008 йилнинг иккинчи ярмида Қашқадарё вилояти аҳолиси ўртасида ижтимоий кузатув ўтказилди. Бундан асосий мақсад аҳоли турмуш даражасини ўрганиш ва келажакда барқарорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш эди.

Ҳудуд аҳолиси турмуш даражасини реал ўрганиш учун ижтимоий кузатувда сўров усули бўйича жинси, ёши, маълумотини кўрсатиш сўралган ҳолда қуйидаги саволлардан фойдаланилди: “Қайси тармоқда меҳнат қилаяпсиз?”, “Даромадингизни ошириш учун қайси соҳага ўтиб ишлашни хоҳлайсиз?”, “Меҳнат даромадингиздан мамнунмисиз?”, “Мамнун бўлмасангиз, унинг асосий сабаблари нимада?", “Жамғариш имкониятига эгамисиз ва қандай мақсадда жамғарасиз?", “ Келажакда ўз даромадингизни қайси бир манба ҳисобидан оширишни хоҳлайсиз?”.

Сўровда 1000 киши қатнашди, улардан 60 % и эркаклар ва 40% и аёллар. Кузатувда қатнашганлар орасида ўрта маълумотли респондентлар 500 нафар (50%)ни, уларнинг 300 нафари аёллар, 200 нафари эркаклар; олий маълумотли респондентлар 150 нафарни (15%)ни; ўрта –махсус маълумотлилар 100 нафарни ва 100 нафар тўлиқсиз ўрта маълумотлилар ташкил этди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, респондентларнинг ярмидан кўпи савдо билан шуғулланадилар. Сўралган шаҳар аҳолисининг 70% дан ортиқроғи даромадларини ошириш учун савдо, ижтимоий хизмат, техник таъмир, бошқарув, молия ва кредит ҳамда транспорт каби номоддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Респондентларнинг фикрича, ҳозирги пайтда юқори даромадли фаолият соҳаси савдо ҳисобланади:

Маълумки, бозор иқтисодиёти хусусиятларидан бири даромадларнинг келиш манбалари хилма-хиллигидир. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, 70% га яқин респондент даромадларнинг асосий манбаларини савдодан, 30 фоизи тадбиркорлик фаолияти ва шахсий томорқа хўжалиги деб ҳисоблайдилар.

Сўровда қатнашган 1000 респондентдан, меҳнат даромадингиз қай даражада бўлишини хоҳлайсиз?- деган саволга 70% дан ортиқроғи, "даромадлар озиқ-овқат ва кийим-кечаклар сотиб олишга етарли бўлишидан ташқари жамғаришга ҳам етарли бўлиши керак"- деб жавоб бердилар.

Ижтимоий сўровда қатнашган респондентларнинг 600 нафари муайян маблағ жамғариш имкониятига эга эмаслигини таъкидлашди. Жамғариш имкониятига эга бўлганларнинг ярми ўзларига қулайлик яратиш учун, яъни шахсий уй-жой сотиб олишга,- деб, 1⁄5 қисм респондент, шу жумладан 19% эркак ва 21% аёл "Шахсий автомобиль сотиб олишга",- деб жавоб берди.

Болаларингиз мактабгача тарбия муассаси билан таъминланганми? Мактаб таълимининг ихтисослашган, бадиий, музика, спорт тўгараклари борми? деган саволларга берилган жавоблар қуйидагича тақсимланди: фикри сўралганлардан 30 фоиздан ортиғининг болалари болалар боғчаларига боришади. Мактаб таълимининг ихтисослашган, бадиий, мусиқа, спорт шаклларига келганда эса, уларга очиқ кўриниб турган эҳтиёж сезилмайди. Аҳамияти жиҳатидан куни узайтирилган гуруҳлар ва болалар оромгоҳларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу муассасаларда тарбия ва спорт жараёни дарс ҳамда ўқитишга тайёргарлик кўриш сифатининг ошиши билан бирга қўшиб олиб борилади.

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий–иқтисодий эҳтиёжлари ичида тиббий хизматга бўлган талаб муҳим ҳисобланади. Умуман, фикри сўралганларнинг 78 фоизи тиббий муассасалар қониқарли ишлаётганларини айтишди. Шу билан бирга, маълумотлар тиббий хизматнинг сифатини такомиллаштириш, хизмат кўрсатишнинг турли шаклларини ривожлантириш ва қулайлаштириш зарурлигини кўрсатди. Масалан: «Сиз тиббий хизмат юзасидан қандай қийинчиликларга дуч келасиз?»- деган саволга берилган жавоблар қуйидагича тақсимланди: фикри сўралганларнинг 30 фоизи «ташхис қўйиш аппаратлари эскирган, талабга жавоб бермайди», 50 фоизи « дорихоналарда дорилар қиммат»,10 фоизи «тиббий муассасалар узоқда жойлашган»,-дейишди. Демак, қишлоқ тиббий хизматида ташхис аппаратларининг янги замонавий турларини олиб келиш, аҳолини имкон даражасида дорилар билан таъминлашни яхшилаш зарур.

Қишлоқ аҳолисининг маданият муассасалари фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиш даражаси қуйидагича характерланади:

Қишлоқ жойларида маданият муассасаларининг сони қарийб икки баравар кўпайганига қарамай, уларнинг фаолияти талабларга мутлақо жавоб бермайди. Маданият муассасалари ёмон ишлаётганлиги сабабларидан бири бу муассасалар йўқлигида эмас, балки ана шу касбдаги малакали кадрлар

камлигидадир. Бундан ташқари бинолардан белгиланганидек фойдаланилмаётир. Маданият муассасаларига одамларнинг кам келишининг асосий сабаби бўш вақтнинг йўқлиги ҳисобланади. Қишлоқда яшовчилар  ишдан ташқари вақтда ўз ёрдамчи хўжалиги ва тирикчилик билан банд бўлишади. Бу қишлоқ оиласининг шаҳар оиласидан фарқ қилувчи ҳусусияти бўлиб, қишлоқ аҳолиси тирикчилиги кўп ҳолларда истеъмолга қаратилган бўлади.
Масалан: « Шахсий ёрдамчи хўжалик нима учун зарур ?» деган  саволга фикри сўралганларнинг 52 фоизи «оиланинг умумий даромадини кўпайтириш манбаи» сифатида, 32,5 фоизи «магазиндан сотиб олиб бўлмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг манбаи  сифатида зарур», деб жавоб берди.
Қишлоқда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайганлигига қарамай, аҳоли кўп молларни сотиб ололмайди ва одамларга хизматнинг кўп турлари кўрсатилмайди. Бу ҳол уларни  туман  марказлари  ва шаҳарларга қатнашга мажбур этади.
Уй-жой муаммоси долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Анкета сўровидан маълум бўлишича, қишлоқ оилаларининг 92 фоизи хусусий уйда яшайди. Қулайликларнинг ҳаммом, телефон, канализация, марказий иситиш каби турлари умуман талаб даражасида эмас. Оддий қулайликларга, яъни водопровод, газ, алоҳида ошхона ҳам 40 фоизни ташкил қилади.
Умуман олганда, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилашда маълум даражада юксалиш бўлганлигига қарамай, қишлоқнинг ижтимоий ривожланиши, айниқса, унинг маданий-маиший соҳаси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутни интенсив равишда бартараф қилиш соҳасидаги талабдан ҳамон орқада қолмоқда.
Қилинган таҳлил шуни кўрсатдики, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий хизматдан фойдаланиш даражаси зарурий эхтиёжларни қондиришга тўла равишда ёрдамлашмайди. Бизнинг назаримизда, ижтимоий-маданий ва маиший хизматга талабни қондириш даражасини аниқлаш орқали ўлчаш зарур. Турли хил ижтимоий неъматларнинг аҳамиятини ёки субъектив фойдасини  аниқлаш мақсадида биз ижтимоий эҳтиёжлардан қайсилари тўлароқ қондирилаётгани ва қайсилари етарли равишда қондирилмаётганини аниқлашга  ҳаракат қилдик. Бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш зарурлиги  ва навбат тартибининг ҳақиқий аҳволини аниқлаш имконини берди. Аҳолининг фикрини сўраш орқали улар биринчи навбатда қайси эҳтиёжни, иккинчи  ёки учинчи навбатда қайсини қондириш зарур деб ҳисоблашларини аниқлашга эришдик. Аввал эҳтиёжни қондириш даражаси аниқланди, эҳтиёжнинг қондириш даражасини аниқлаш эса унинг навбат тартибини, у ёки бу неъматнинг устунлигини белгилашга ёрдамлашди. Бу -қишлоқни ижтимоий қайта қуриш учун маблағлардан аниқ мақсадни кўзлаб  ва самарали фойдаланиш имконини беради.

Қашқадарё вилоятида ўтказилган ижтимоий кузатув натижаларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, аграр тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий вазифаларидан бири ушбу тармоқни иқтисодиётнинг юқори ишлаб чиқариш соҳасига айлантиришдир.

Вилоятда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ўрганиш учун, танлаш усулидан ҳам фойдаландик. Вилоятда аҳолининг 75 фоизи қишлоқ аҳолиси бўлгани учун, қишлоқ аҳолисининг барча шароитларини ялпи ўрганиш асосида ижтимоий инфратузилма тармоқлари хизматидан қаноат ҳосил қилиш даражасини аниқлаш мақсадида танлаш бўйича қишлоқ аҳолиси асосий гуруҳларининг фикри сўралди. Танланган йиғинди 40 та фермер хўжалик ва 20 та деҳқон хўжалик ишчиларидан иборат бўлди. Фикри сўралганларнинг таркибида эркаклар 70 фоизни, хотин -қизлар 30 фоизни, 15-19 ёшдагилар 24 фоизни , 20-24 ёшдагилар 18 фоизни, 25-30 ёшдагилар 19 фоизни, 40-49 ёшдагилар 11 фоизни, 50-54 ёшдагилар 5,7 фоизни, 55-59 ёшдагилар 4 фоизни ташкил этди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш давомида барча ахборот турли омилларга қараб турлича ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши ҳолатидан мамнунлик даражасини акс эттирувчи ахборот мажмуаларига тўпланди.

Аҳолининг пул даромади ана шундай омиллардан бири ҳисобланади. Масалан, қишлоқ аҳолисидан фикри сўралганларнинг 60 фоиздан кўпроғи хўжаликдан олинган маҳсулот оила даромадининг асосий манбаи эканлигини таъкидлашди. Фикри сўралганларнинг 70 фоизи иш ҳақи даражаси бажариладиган ишга тўғри келмайди,-деди. Уларнинг фикрича, иш ҳақи миқдорини :

а) бажариладиган ишнинг оғирлиги учун (50 фоиз);

б) иш шароити ёмон бўлганлиги учун (30 фоиз);

в) дам олиш кунлари ишлаганликлари учун (25 фоиз) ошириш зарур.

Маълумки, кам иш ҳақи истеъмол даражаси ва таркибига таъсир кўрсатувчи салбий омиллардан бири ҳисобланади.

Аҳоли истеъмол харажатлари аҳволининг таҳлили аҳоли истеъмол харажатларини истиқболли баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар ҳал қилиниши лозимлигини кўрсатди. Олдиндан истиқболли баҳолашни таъминлаш учун қуйидаги ахборот манбаидан фойдаланилди:

а) аҳоли пул харажатлари ва даромадларининг динамикаси;

б) вилоят қишлоқ аҳолисининг бюджети;

в)вилоят истеъмол бюджети.

Ўзаро боғланишнинг таҳлили давомида қишлоқ аҳолиси олган моддий неъматлар ва хизматни олдиндан баҳолашнинг тизими келиб чиқади. Биз вилоят аҳолисини ўрганиш билан биргаликда, турли хил таркибли оилалар турмуш даражасини ўрганиш учун оила аъзоларининг сони турлича бўлган оилалар мисолида ҳам тажриба ўтказдик.

Ўртача фаровонлик даражасидаги оилалар сони 43,7 фоизни, ўртачадан юқори фаровонлик даражасида яшайдиган оилалар 12,3 фоизни,

ўртачадан паст оилалар сони 25 фоизни ташкил қилди. Буларнинг умумий миқдори 83,0 фоизни ташкил қилиб, ўртача табақадаги оилалар гуруҳига мансубдир. Қолган 17 фоиз оилалар энг юқори турмуш даражасига кирувчи ва энг камбағал оилалар гуруҳига мансуб. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, оилаларнинг асосий қисми ўртача турмуш шароитига эга бўлган оилаларни ташкил қилар экан.

Ҳозирги пайтда оилалар даромадининг тўртдан бир қисми (25%) тадбиркорлик эвазига пайдо бўлмоқда. Келажакда оила эҳтиёжининг 50 фоизини шу йўл билан қопланишига эришиш лозим. Бу бизнинг мамлакатимиз учун ўта муҳимдир. Чунки, Европа мамлакатларида бир ишловчига 0,7 киши меҳнат ёшига етмаган болалар ва нафақадаги қариялар тўғри келса, бу кўрсаткич бизда 2,7 кишини ташкил қилади. Табиийки, бундай шароитда фақат ойлик маош билан оиланинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли, келажакда ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизнинг 2008 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидлаб ўтдилар.

«Бундай таъсир, – деб ёзадилар Президентимиз ўз асарларида, – авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни туғдирмоқда. Мухтасар айтганда, 2008 йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик»[37].

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида энг аввало қишлоқда яшаётган аҳоли манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуний-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини уйғунлаштирувчи яхлит механизмнинг тўғри ишлаб чиқилишига боғлиқ.

---

[37] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009, 15-б.

Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисида, сув ва сувдан фойдаланиш қонунларига, Ер кодексига ва бошқаларга қўшимча киритиш ва кўриб чиқиш лозим бўлади.
Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги ҳамда «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали йўлга қўйиш, унда хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган шаклларини қарор топтириш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ролини бажарди. Бироқ, мамлакатимиздаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзининг янада ривожланиши учун янги шарт-шароитларни, имтиёз ва рағбатлантирувчи омилларни белгилаш, иқтисодий дастак ва механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси энг аввало ушбу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунларда ўз ифодасини топмоғи лозим.
Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт табиий ресурслар, энг аввало, уларнинг қайта тикланмайдиган турлари ҳисобланувчи ер ва сув ресурсларидан тежамли ва эҳтиёткорона фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Маълумотларга кўра, агар мамлакатимизда 1996 йилда 1 кишига тўғри келувчи экин майдони 0,171 гектарни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 0,136 гектаргача, яъни 1,3 марта қисқарган. Бу эса Ер кодекси, сув ва сувдан фойдаланиш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш заруратини оширмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг ушбу мақсадда фойдаланиш доирасидан чиқиб кетиши жараёнларини тартибга солишда ер участкаларини ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ажратиб бериш бўйича низомнинг ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади.
Шунингдек, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришда қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш тизимини ва қурилишни тубдан такомиллаштиришга қаратилган, жумладан, қишлоқ аҳоли яшаш жойларини бош схема ва архитектура лойиҳалари асосида қуриш, махсус лойиҳалаштириш ташкилотини, махсус қишлоқ қурилиш банки, махсус қурилиш ташкилотларини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларини тайёрлаш ва амалга жорий этиш зарур.
Жумладан, қишлоқда аҳоли яшаш жойлари архитектураси ва қурилишини лойиҳалаштиришни тубдан такомиллаштиришда намунали қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий объектларини қуриш лойиҳаларини табиий иқлим шароитни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бу борада намунали уй-жойлар лойиҳаларини эксперимент сифатида Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани, Қорақолпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида янги илғор қурилиш технологиялари асосида амалга оширилиши эътиборга моликдир. Айни пайтда, мазкур тадбирларни оммага кенг ёйиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бу борада ўзаро мусобақалашув руҳини шакллантириш мақсадида «Энг яхши қишлоқ»

номли танловнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қишлоқ жойларида таълим тизими ва болалар спорти моддий-техник негизини мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йилда кўплаб объектларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда (1.5.1-расм).




**1.5.1-расм. 2009 йилда қишлоқ жойларида ишга тушириш кўзда тутилган таълим тизими ва болалар спорти объектлари, дона** [38]

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аҳолининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтариш билан боғлиқ. Бу эса, биринчи навбатда, инвестиция дастурлари асосида соғлиқни сақлаш муассасаларини тиббиёт техникаси ва аппаратуралари билан таъминлашни тақозо этади.

Бу эса қишлоқларимиздаги ёшларнинг кенг ва ёруғ биноларда, замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари ва лабораторияларда билим олишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун моддий асос яратади.

Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтаришда қуйидаги йўналишларда ишларни кучайтириш кўзда тутилмоқда:

- қишлоқ жойларда жойлашган меҳрибонлик ва мурувват уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш бўйича маданиятини ошириш, жумладан профилактика ва тарғибот ишларини кучайтириш;
- халқаро грантлар асосида мактаб, академик лицей ва коллежлар ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш;
- қишлоқ мактаблари ва коллежларидаги ахборот ресурс марказларини халқаро интернет тармоғига улаш ва ҳ.к.

Вилоятда жахон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларининг олдини олиш бўйича қўйидаги тадбирлар белгиланди.[39]

Биринчидан, вилоятдаги барча ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқарилиши узлуксизлигининг таъминланиши юзасидан доимий мониторинг йўлга қўйилди.

Иккинчидан, вилоятдаги 181 та йирик ва бошқа саноат корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатларини 20 фоизга қисқартириш бўйича корхоналар кесимида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Чора-тадбирларга кўра

---

[38] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма/ Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш.,Ғофуров У.В., Тўхлиев Б.К. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. -75-76 б.

[39] Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бошқармаси материаллари.

ушбу саноат корхоналарининг 2 триллионга яқин ишлаб чиқариш харажатини 20 фоизга ёки 168 млрд сўмга қисқартириш белгиланди.

Юқоридаги чора-тадбирнинг амалга оширилиши натижасида, жорий йилнинг 1-чорагида вилоятдаги 100 та саноат корхонасида маҳсулот таннархи 51 млрд сўмга камайтирилди.

Учинчидан, вилоят бўйича экспорт қилувчи 53 та корхоналар фаолияти тўлиқ мониторингга олиниб, уларда юзага келаётган муаммолар тезда бартараф этилмоқда.

Бундан ташқари, иқтисодий инқирозга қарши қабул қилинган ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари асосида ишчи гуруҳлари ташкил этилган ва чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сонли "Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасидаги корхоналарни ва инвестицион фаоллигини кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2009 йил 19 январдаги Х-29/1 -сонли қарори қабул қилинди. Вилоят бўйича 2009 йилда 1 чорак давомида 53 та корхона ва ташкилотлар томонидан маҳсулотлар ва хизматлар экспорт қилиниб, ушбу корхоналар фаолияти тўлиқ мониторингга олинган. Ушбу корхоналарнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида, 10 таси бўйича 13,4 млрд.сўмлик кредит олишга эҳтиёжи борлиги аниқланди ва мазкур корхоналарнинг лойиҳалари тижорат банклари томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 290-сонли "Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида вилоят ҳокимининг 2009 йил 19 январдаги Х-30/1 сонли қарори қабул қилинди. Вилоятда 53 та экспорт қилувчи корхоналар мавжуд бўлиб, шундан 2 таси ("Яккабоғтекс" ҚК ва "Яккабоғхумотекс" МЧЖ) корхоналари банкдан кредит олиб фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 декабрдаги 662-ф-сонли Фармойиши ижроси бўйича вилоятда барча бўш турган бино ва иншоатларга хатлов ўтказилиб, хатлов натижасига кўра вилоятда 150,0 минг кв.м. майдонга эга бўлган 106 та бўш турган давлат нотураржой объектлари аниқланди.

Аниқланган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳлари, объектлардан 94 тасини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш ёки сотиш орқали инвестиция жалб қилиш ва фаолият турини йўлга қўйиш, 12 тасини давлат эҳтиёжи учун давлат маҳаллий ва бошқарув органлари ҳисобига ўтказиш юзасидан таклифлар берган.

Ўтган даврда аниқланган мазкур фойдаланилмаётган давлат нотураржой объектларидан 13 таси тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди.

Шунингдек, иқтисодий инқирозни камайтириш мақсадида вилоятга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2009 йил 1 чорагида вилоятга жами 19 та лойиҳа доирасида 65,8 млн. доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 102 фоизни ташкил этди (2008 йил 1 чорагида 64,6 млн. долл). Жалб этилган инвестицияларнинг 53,3 млн. доллари ёки жами 80,9% ни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,8 фоизни ташкил этди.

Инқирозга қарши чоралардан яна бири озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқаришни купайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлардир[40].

Вилоятда 2009 йил сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Дастурга асосан барча тоифадаги хўжаликларда 8195 гектар (ўтган йилга нисбатан ўсиш 43 %) картошка, 16988 гектар (26%) сабзавот, 10462 гектар (2,3 марта) майдонга полиз экинлари экиш режалаштирилган. Шундан дала четлари ва увотларга экиладиган сабзавот 2357 гектар, полиз 2716 гектар ва картошка 188 гектарни ташкил қилади. Шунингдек, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига боғдорчиликда 3 центнерга, узум етиштиришда 26 центнерга, картошка ва сабзавотчиликда 35-40 центнерга ошириш кутилмоқда.

Аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларига ўз вақтида, сифатли сабзавот, полиз ва картошка уруғлари, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда минерал ўғит, ҳимоя воситалари ва қишлоқ хўжалиги инвентарлари билан таъминотни яхшилаш мақсадида ташкил этилган 73 та уруғлик ва кўчат сотадиган дўконларда 38 тонна сабзавот ва полиз, 1888 тонна картошка уруғлари, 4255 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар, 32 та минерал ўғитлар сотиладиган дўконларда 1350 тонна минирал ўғитлар сотилди.

Бундан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 2009 йил давомида вилоятда ер майдони 10 сотихдан 1,5 гектаргача бўлган 222 та 62,2 гектар майдон ҳажмга эга янги иссиқхона ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Иссиқхона ташкил этиш юзасидан фермер хўжаликлари ва тадбиркорларга ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимларининг қарорлари қабул қилинди. Иссиқхоналар қуриш учун жами 4329 млн сўм, жумладан, тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2492 млн.сўм ва банк кредити ҳисобидан 1837 млн. сўм режалаштирилган.

Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2213 млн. сўм ва банк кредити ҳисобидан 207 млн. сўм маблағ сарфланиб, 200 та иссиқхона қуриш ишлари ниҳоясига етказилди.

---

[40] Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бошқармаси материаллари.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2009 йилда вилоятда 689 минг тонна мева-сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва 2008 йига нисбатан 296 минг тоннага ёки 75 % ўсади.

Шундан:

-85,5 минг тонна мева (ўсиш 55 %);

-79,7 минг тонна узум (ўсиш 2,2 марта);

-382 минг тонна сабзавот (ўсиш 54 %);

-170 минг тонна полиз (ўсиш 2,4 марта);

-137 минг тонна картошка (ўсиш 82 %).

Натижада вилоят аҳолиси учун йиллик талабга нисбатан:

- сабзавот 92 минг тоннага (талаб 290 минг тонна, ишлаб чикарилади 382 минг тонна) кўп етиштирилади;

- картошка 8 минг тоннага (талаб 129 минг тонна, ишлаб чиқарилади 137 минг тонна) кўп етиштирилади.

-мева 59 минг тоннага (талаб 145 минг тонна ишлаб чиқарилади 86 минг тонна) кам етиштирилади. Меванинг етишмайдиган қисми бошқа вилоятлардан олиб келиш ва импорт ҳисобига қопланади.

Шунингдек, чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида чорвачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди.

Дастурга асосан 2009 йилда:

а) йирик шохли қорамоллар бош сони 102,6 (ўсиш 113,2%) минг бошга (четдан насли қорамол сотиб олиш ва наслик ишларини йўлга қуйиш ҳисобига);

б) қуй ва эчкилар бош сони 3143,2 (ўсиш 116,4 %) минг бошга;

в) паррандалар бош сони 2893 (ўсиш 149,2 %) минг бошга (ҳар бир туманда 2 тадан паррандачилик фермалари ташкил қилиш ва мавжуд фермер хўжаликларига 100 бошдан жужа етказиб бериш ҳисобига) етказилади.

Жорий йилда вилоят бўйича 1280 бош наслли қорамол олиб келиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 1 апрел ҳолатига 357 бош наслли қорамоллар олиб келинди.

Фермер хўжаликлари ва аҳолининг чорва молларига арзон ва сифатли омухта ем етказиб бериш мақсадида ташкил этилган ем сотиш шахобчалари орқали 655 тонна омухта ем, 7617 тонна шрот, ва 62631 тонна шелуха маҳсулотлари арзон нархларда сотилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида қорамол сотиб олиш учун тижорат банклари ва бандлик жамғармаси ҳисобидан 631 та оилага 869 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Туман (шаҳар) ҳудудида яшовчи (кам таъминланган) ёш оилаларга жами 1234 бош қорамоллар бепул тарқатилди. Шу жумладан, ҳомийлар ҳисобидан 1077 бош, нодавлат жамғармалари маблағлари ҳисобидан 101

бош ва маҳалла жамғармалари ҳисобидан 56 бош қорамоллар бепул тарқатилди.
Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 1 чорагида гўшт ишлаб чиқариш 23,8 минг тонна (ўсиш 105,8 %), сут ишлаб чиқариш 75,4 минг тонна (ўсиш 107,7 %), Тухум ишлаб чиқариш 27,2 млн дона (ўсиш 116,3 %) таъминланди.
Йирик шохли қорамоллар бош сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,5 % га (885,9 минг бош), қуй ва эчкилар бош сони 110,5 % га (2751 минг бош), паррандалар бош сони 117,8 % га (1910,5 минг бош) ошди.
Натижада вилоят аҳолиси учун йиллик талабга нисбатан:
- гўшт 74 минг тонна (талаб 103 минг тонна, ишлаб чиқарилади 187 минг тонна) ;
- тухум 5,5 млн. дона (талаб 310 млн.дона, ишлаб чиқарилади 317 млн. дона) кўп етиштирилади;
Бундан ташқари, 2009 йилда паррандачиликни ривожлантириш Дастурига асосан паррандалар бош сонини 2,89 млн. бошга (49 фоизга) ва тухум ишлаб чиқаришни 34 фоизга купайтириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.
Дастур асосида фаолият кўрсатаётган 2009 йилда 9172 та фермер хўжаликларига 100 бошдан 917,2 минг бош жўжа (товуқ) етказиб бериш мўлжалланган бўлиб, ўтган даврда фермер хўжаликларига жами 91,8 минг бош ўрнига 95,6 минг бош, шу жумладан, “Пахтасаноат” корхоналари томонидан 51 минг бош, Дон корхоналари томонидан 26 минг бош, Ёғ-мой корхоналари томонидан 18 минг бош жўжа етказиб берилди ёки 1 чорак топшириғи 104 % га бажарилди.
Ҳозирги кунда “Косон пахта тозалаш заводи” АЖ томонидан 1 та инкубатор олиб келиб ўрнатилди ва ишга туширилди, Шаҳрисабз “Дон халқ ризқи” корхонаси томонидан 1 та инкубатор ижарага олинган, мавжуд 2 та инкубаторга бугунги кунга қадар 58 минг дона тухум очиришга қўйилган бўлиб, шундан 18 минг дона очиб чиқарилган жўжалар 21-30 кунлигигача парваришланиб, фермер хўжаликларига етказиб берилган.
Вилоятда 10–15 минг бош парранда боқишга ихтисослашган 26 та фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадида улар учун 706,5 гектар лалми ер майдонлари ажратилди (паррандахоналар қуриш ва озуқабоп экинлар экиш учун).
Ҳозирги кунда 30 та паррандачилик фермер хўжаликлари ташкил этилди, шундан 14 та паррандачилик бинолари тўлиқ тайёрланди. Паррандачилик фермер хўжаликларига 28 минг бош парранда келтирилди ва 112 та янги иш ўринлари яратилди.
2009 йилда 150 минг бош парранда етказиб бериш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 1-чоракда 381 млн. сўм банк кредитлари ажратилди.

Вилоятда 2009 йил 1 апрел ҳолатида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 530 тани ташкил этиб, шундан 1-чоракда 35 таси янгидан ташкил этилди.

Ушбу озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан 55,6 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 фоизга ўсишига эришилди.

Озиқ-овқат саноати соҳасига қарашли 20 та корхонага 682,4 млн. сўмлик инвестиция киритиш эвазига модернизация ва технологик қайта қуроллантириш ишлари амалга оширилди ва уларнинг қуввати оширилди. Шунингдек, 210 млн.сўм инвестиция жалб этиш эвазига 10 та корхонада технологик ускуналар олиб келинди.

Амалга оширилган ишлар натижасида озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган 20 та тур махсулотдан 14 та тури бўйича ишлаб чиқаришда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсишига эришилди (ароқ ва ликер маҳсулотлари 121,8%, сариёғ 119,4%, макарон маҳсулотлари 113,4%, гўшт маҳсулоти 103,3%, нон ва нон маҳсулотлари 100,1%, қандолат маҳсулотлари 100,1%,).

Вилоятда 198 та ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 13,5 млрд.сўмлик маҳсулот чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,6 фоизга ўсишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2009 йил 18 февралда Х-100/2-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Қашқадарё вилоятида 2009-2011 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш Дастури» ишлаб чиқилди.

Дастурда 2009-2011 йилларда 4585 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция жалб қилиш эвазига (1072 минг АҚШ доллари корхона маблағи ва 3513 минг АҚШ доллари банк кредити) 16 та корхонада 25 турдаги ноозиқ- овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

## Иккинчи боб бўйича хулоса

1. Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш соҳасида ечимини топмаган қуйидаги долзарб муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

– давлат бюджетининг ижтимоий харажатларини илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий меъёрлар асосида режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги;

–республикамиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасида сезиларли тафовутларнинг сақланиб қолаётганлиги;

–ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш даражасини ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг маҳаллий ҳокимият бошқарув органларида етарли эмаслиги.

2. Аҳолининг номинал пул даромадлари ўсиш тенденциясининг мавжудлиги, унинг таркибида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадлар салмоғининг юқорилиги ва ўсиш суръатига эга эканлиги

аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3. Ижтимоий ривожланиш омилларини илмий таҳлилий ўрганишнинг йўлларидан асосийлари, бу умумназарий макроиқтисодий таҳлил ва конкретроқ эконометрик (математик-статистик) таҳлил, бир-бирини тўлдириши лозим бўлган микро-макроэконометрик ёндошувлардир.

4.Республикамиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги сезиларли тафовутга барҳам бериш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши лозим:

–ҳар бир ҳududнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларининг ўрта муддатли мақсадли даражасини белгилаб олиш лозим;

–маҳаллий ҳокимият органларига асосий ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларининг белгиланган даражасига эришишни таъминлаш юзасидан аниқ масъулиятлар юкланиши лозим.

5.Маҳаллий бюджетлар даромадларининг умумий ҳажмида биркитилган даромадлар салмоғини ошириш йўли билан маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий имкониятларини ошириш чораларини кўриш лозим.

6.Ҳар бир ҳудуднинг аниқ стратегия ва тактикага эга бўлган ижтимоий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш лозим. Дастурни ишлаб чиқишда аҳолининг зичлиги, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти, ишсизлик даражаси каби омиллар ҳисобга олиниши зарур.

7.2003-2009 йилларда тадқиқот объекти бўлган Қашқадарё вилоятида чакана савдо айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг юқори суръатларда ўсганлиги аҳолини халқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш, накд пулларга бўлган талабини қондириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

8.2003-2009 йилларда Қашқадарё вилоятида иқтисодиётда банд аҳоли сонининг ўсиш суръати иқтисодий фаол аҳоли сонининг ўсиш суръатига нисбатан паст даражада эканлиги аҳоли бандлиги нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади, шунингдек, вилоятда таҳлил қилинган давр мобайнида ноишлаб чиқариш соҳасига қилинган инвестициялар микдорининг сезиларли даражада камайганлиги ҳудудни ижтимоий ривожлантиришга салбий таъсир қилади.

9.Фикримизча, юқорида амалга оширилган таҳлиллар аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий омиллар сифатида –макроиқтисодий омиллар-инфляция, солиқ ва пул-кредит сиёсати, демографик ўсиш, иш билан бандлик даражаси, меҳнат бозори, иш вақти, иқтисодий ўсиш, уй-жой ва коммунал хизматлар билан таъминланганлик, аҳоли саломатлиги, таълим даражаси, ижтимоий таъминот тизимидан иборат.

# 3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

## 3.1.Уй хўжалиги даромадини ошириш, шакллантириш ва аҳоли даромадларини ошириш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишнинг асосий омилидир

Маълумки, республикамиз статистикасида уй хўжаликлари бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмлари ўрганилади. Шунга асосан, уй хўжаликлари бюджетининг истеъмол ва ноистеъмол харажатлари мавжуд бўлиб, улар ҳам алоҳида-алоҳида таркибий қисмларга бўлинади.[41] Хусусан, уй хўжаликлари бюджетининг таркиби халқаро стандартлар бўйича қуйидагилардан иборат:

–озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш;
– уйдан ташқарида овқатланиш;
– алкогол ичимликлар сотиб олиш;
– тамаки маҳсулотларини сотиб олиш;
– шахсий истеъмол учун ноозиқ-овқат товарларини сотиб олиш;
– хизматлар учун тўловлар;
– пенсия, нафақа ва стипендия;
– кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш даромадлари;
– мол-мулкни сотиш ва ижарага бериш даромадлари;
– қариндошлардан ва бошқа шахслардан моддий ёрдам олиш;

Уй хўжаликлари бюджетининг ноистеъмол харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

– кўчмас мулк сотиб олиш;
– ер, квартира, уй-жой ва бошқа бинолар учун аренда тўлови;
– асалари, парранда, ҳайвонларни сотиб олиш харажатлари;
– ишлаб чиқариш хизматлари харажатлари;
– шахсий хўжаликни юритиш харажатлари;
– солиқлар, бадал ва бошқа тўловлар;
– қариндошларга ва бошқа шахсларга моддий ёрдам бериш;
– қайта сотиш учун тадбиркорлик ва индивидуал меҳнат фаолияти учун товарлар сотиб олиш;
– банк муассасаларига қўйилма;
– акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш;
– қарз, ссуда ва кредитларни қайтариш;
– бошқа ноистеъмол харажатлар.

Бундан ташқари, уй хўжаликлари бюджетининг пул даромадлари халқаро стандартлар бўйича қуйидаги кўрсаткичлардан йиғилади:

---

[41] Ўзбекистан Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари

Пул кўринишидаги даромад:
– иш ҳақи, бунга мукофот ва таътил пуллари ҳам қўшилади;
– тадбиркорлик фаолиятидан даромад;
– акция банк қўйилмалари, улушлардан % лар ва дивидентлар;
Маҳсулот ва хизматларни сотишдан тушган даромад, шу жумладан:
– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш;
– деҳқончилик маҳсулотларини сотиш;
– чорвачилик маҳсулотларини сотиш;
– алиментлар;
– бошқа даромадлар, масалан суғурта тўлови, лоторея ютуқлари ва ҳоказо;
Натура кўринишидаги даромад:
– шахсий томорқа хўжалигидан даромад;
– имтиёзлар;
– натура кўринишидаги бошқа тушумлар;
Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2008 йилги иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи асосий устувор вазифаси деб белгиланган уй хўжалиги фаровонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бинобарин, уй хўжалиги харажатларининг таҳлили ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга. Уй хўжалиги харажатлари кундалик ҳаётни тиклаш ва бошқа турли моддий ҳамда маьнавий эҳтиёжларни қондириш учун маҳсулот ва товарларни харид қилишга сарф қилинган харажатлардан иборатдир. Уй хўжаликларининг харид қуввати улар олаётган даромадларининг миқдорига боғлиқ бўлади, даромадлар ошиб бориши билан харажатларнинг таркиби ҳам ўзгариб боради ва шу йўсинда уй хўжаликлари бир-биридан фарқланиб, уларнинг фаровонлиги ортиб боради. Лекин, бу фарқланишлар нечоғлик даромадли бўлмасин, фикримизча, уй хўжалиги харажатларининг бир умумийлик томони мавжудки, у умуминсоний эҳтиёжларнинг мавжудлигидандир. Кундалик турмушда ҳар бир инсонга хос бўлган: овқат ейиш, кийиниш, коммунал хизмат харажатлари, маънавий озуқа олиш каби эҳтиёжларга сарфланадиган харажатлар мавжуд. Тўғри, харажатларнинг миқдори турлича бўлиши мумкин, аммо унинг таркибий тузилиши аҳоли фаровонлигидан далолат беради.
Аҳоли турмуш даражасининг ошиши, уй хўжалиги фаолиятининг яхшиланишидан бошланади. Фаолиятнинг яхшиланиши эса даромаднинг ошишидан бошланади. Уй хўжалиги даромади, унинг турмуш шароитини белгиловчи ва турмуш тарзига бевосита таъсир қилувчи омиллардан бири бўлиб, иқтисодий ҳолатини белгилаб беришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.
Уй хўжалиги даромади оилада махсус фаолият ва қобилиятни ишга солиб, бозор қоидалари ва ундаги ўзгаришларга риоя қилган ҳолда олинадиган даромад туридир.[42]
Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ҳудуднинг ижтимоий ривожланишини прогноз қилишнинг энг муҳим қисмларидан бири уй-

[42] Эгамова Д. Оила даромади ва унинг шаклланиш манбалари // Иқтисодиёт ва таълим. -2004.-№1.-б. 41-42

хўжаликлари ҳисобланади. Чунки уй хўжалиги энг охирги истеъмолчи сифатида турли манбалар бўйича жамғариш, банкка фоиз ҳисобида қўйиш, депозитга қўйиш ва ҳоказолар бўйича даромад қилиб, турмуш даражасини ошириши мумкин.[43]

Юқорида кўрганимиздек уй хўжалиги харажатларининг асосий қисмини истеъмол харажатлари ташкил қилади. Истеъмол харажатларининг таркиби эса уй хўжаликларининг ҳақиқий аҳволини, фаровонлик даражасини ифода этади. Уй хўжалиги харажатларининг қайси бирини камайтириш ва қайси харажатларнинг улушини ошириш эвазига аҳоли фаровонлигини ошириш йўлларини тадқиқ қилишда унинг ҳолатини ўрганишни тақозо қилади. Қуйида Ўзбекистондаги уй хўжалиги харажатларнинг таркибий тузилишига бир назар ташлашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Умуман олганда, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши унинг аъзоларидан бозорга нисбатан жуда сезгир бўлишни ҳамда амал қиладиган қонунлар моҳиятини чуқур ўрганишни, қисқаси, уй хўжалигининг бозорга мослашишини талаб қилади.

Уй хўжалиги харажатларини режали иқтисодиёт шароитига асосан истеъмол харажатлари деб юритилар эди. Бозор муносабатлари шароитида уй хўжалигининг харажати ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол харажатларидан иборат бўлади. Бу харажатлар уй хўжалиги аъзоларининг тадбиркорлиги билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, уларнинг улуши кескин ўсиб боради.

Уй хўжаликларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унга сарф қилинган харажатлар асосан қайтмайдиган харажатлардан иборат бўлган. Эндиликда уй хўжалиги харажатлари, агарда, тадбиркорлик учун сарф қилинса, катта фойда келтирадиган харажатлар сирасига ҳам айланмоқда. Бу ҳам кўрсатадики, уй хўжаликларининг иқтисодий мазмуни, унинг табиати ҳам ўзгариб бормоқда .

Уй хўжалигининг маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки етиштиришга кетган харажатлари ишлаб чиқиш харажатларига кирса, уларни сотиш билан боғлиқ харажатлари уй хўжалигининг муомала харажатлари таркибига киради. Одатдагидек истеъмол билан боғлиқ харажатлар, масалан, овқатни тайёрлаш, истеьмол қилиш кабилар истеъмол харажатларига киради. Бу харажатларнинг қайси бирини камайтиришга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини изоҳлаб ўтириш учун хожат бўлмаса керак[44] .

Шунингдек, харажатларни асосан тадбиркорликни ривожлантиришга, дивиденд келтирадиган инвестициялар қўйишга сарф қилинса ҳам, уй хўжалиги фаровонлигини ошириш имконияти яратилади. Ҳозирги пайтда тадбиркорлик йўли билан олинадиган даромадлар уй хўжаликларининг

---

[43] Беркинов Б., Хошимов С., Мухитдинов Х. Аҳоли даромади ва истеъмоли балансининг имитацион модели //Математическое моделирование и вычислительный эксперимент: Тез.докл.меж.нар.науч.конф. 28-30 ноября 1994.-Ташкент,1994.С -48.

[44] Д.Музаффаров, «Как повысит качество жизни бедного населения?» - Экономическое обозрение – Тошкент,2006.-№ 12.-Б.12.

барча даромадлари ичида салмоқли ўринларни эгалламоқда. Статистик маълумотларга қараганда, аҳоли пул даромадининг умумий ҳажмида тадбиркорликдан олинадиган даромаднинг улуши 1998 йилда 28,2% ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб 30,7% га тенг бўлди. 2006 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 70,2% ни ташкил қилди. Кўриниб турибдики, уй хўжаликларида тадбиркорликни ривожлантириш унинг асосий фаровонлик омилига айланиб бормоқда.

Шундай қилиб, уй хўжалигининг харажатлари тушунчаси янги мазмун ва моҳиятга эга бўлмоқда. Улар ҳақида тўлиқ тушунча ва тасаввурга эга бўлиш учун ушбу кўрсаткичларни назарий ва амалий жиҳатдан янада чуқурроқ таҳлил қилиш лозим. Зеро, мазкур йилда мамлакатимиз рахбари томонидан уй хўжалиги фаровонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган экан, бу шубҳасиз, уй хўжалигининг эртанги куни, унинг фаровонлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Оила даромадининг ошиши –аҳоли турмуш даражасининг ошиши демакдир. Ҳар-бир ҳаракат оиладан бошланади. Оила даромадини прогноз қилишни моделлаштиришда энг аввало даромаднинг қаердан келишини аниқлашимиз керак.

Бу эса биринчидан, бозор шароитида ёлланиб ишлашдан келган меҳнат даромади бўлиб, у иш ҳақи ва турли мукофотлар шаклига эга. Бу тушум миқдори хонадондаги ишловчиларнинг меҳнат унумдорлигига ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг бозорбоп бўлиши ва яхши сотилишига боғлиқ. Бинобарин, оилага келадиган меҳнат тушуми, оила вакилларининг фақат индивидуал меҳнатига эмас, балки улар ишлайдиган жамоанинг иш фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади.

Иккинчидан, оила даромади мулк миқдори ва уни ишлатиш самарасига қараб шаклланади. Мулки бор оиланинг ундан келган даромади (бу ижара ҳақи, усвиуст ва банк фоизи шаклига эга) харажатларни молиялаштириш имконини кенгайтиради.

Учинчидан, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган тушум бошқа даромадлардан кўп бўлади, шу сабабли, тадбиркорликда ўз харажатини молиялаштириш имкони катта бўлади. Оила эҳтиёжи чексиз, лекин, харид қобилияти чекланган бўлади. Шу сабабли, молиялаштириш имкони бўлмаганда хонадон хариди кечиктирилади.

Тўртинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан, фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадлари оила ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ҳал этишда ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси тараққиётини ривожлантиришда катта имкониятга эгадирлар.

Олтинчидан, инвестициялар даромад қилиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлардир.

Еттинчидан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг асосий муаммоларидан бири бу –аҳолини сон ва сифат жиҳатдан чуқур илмий

асосда ўрганиш, меҳнат ресурсларидан тўла ва унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини доимо ошириб бориш, аҳоли турмуш даражасининг баркамоллигига эришишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Демак, бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши ва амалда қўлланилиши шароитида оила даромадларини прогноз қилишни моделлаштириш жуда долзарб ҳисобланади.

Оила даромади етарли бўлса, унинг озиқ-овқат сарфидан қолгани бошқа эҳтиёжларнинг қондирилишига сарф қилинади. Айни пайтда даромаднинг бир қисми саноат моллари ва маиший хизматларга сарф этилади.

Бу омиллар истиқболда республика иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бозор механизми ишбилармонликни муттасил рағбатлантириб бориши натижасида оиланинг даромади фойда ва фоиз каби даромад шаклларининг кенгайиб боришини ҳам таъминлайди. Натижада қонуний даромадлар топиш учун шарт-шароит кўпайиб боради ва аҳоли турмуш даражасининг юксалишига эришилади.

Даромадларнинг тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг барча омиллари эгаларининг даромадлари талаб ва таклифлар қонуни ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг кейинги унумдорлиги асосида шаклланишини билдиради. Шу нуқтаи назардан талаб унчалик катта бўлмаган малакасиз ишчи кучи эгаларининг кам ва аксинча талаб юқори бўлган малакали профессонал касб эгаларининг юқори даромад олиши тўғри бўлади. Демак, бозор механизми фаровонлик даражасига ҳеч қандай кафолат бермайди.

Шундай экан, бозор иқтисодиётига йўл тутган мамлакатларда давлат томонидан амалга ошириладиган, кенг ижтимоий тадбирларни билдирувчи “ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги” ғояси алоҳида оммавийлик касб этади. Бунинг маъноси, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар реал ҳаётида даромадларнинг тақсимланиши нафақат бозор кучларининг эркин ҳаракати натижасида, балки даромадларнинг турли оқимларини уларни қайта тақсимлаш йўли билан давлатнинг тартибга солиши асосида ҳам амалга оширилади. Бошқача айтганда, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари тартибга солинади, яъни, жамият қатламлари, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ва улар ичидаги муносабатлар ушлаб турилади, жамият аъзоларининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш учун шароит таъминланади, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши учун иқтисодий рағбатларни шакллантиришда ижтимоий кафолатлар яратилади. Қисқаси, давлат аҳоли даромадларини шакллантириш сиёсати билан шуғулланади ва шу орқали маълум даражада ижтимоий адолат таъминланади.

Ижтимоий истеъмол фондига фақат меҳнатга қараб тақсимлаш билан боғлиқ даромад ва истеъмол даражасидаги табақалашувни силлиқлашнинг қуроли сифатида қараш керак эмас. Унинг кўп қиррали фаолиятини уч асосий вазифадан иборат қилиб қўйиш мумкин: а) меҳнат қилиш

қобилиятига эга бўлмаган кишиларни (ногиронлар, пенсионерлар ва меҳнат қилиш қобилиятини вақтинча йўқотганлар) жамият ҳисобига боқишдан; б) жамият болаларни боқишга ёрдам беришидан; в) жамиятнинг барча аъзолари учун (уларнинг моддий жиҳатдан таъминланганлигидан қатъий назар) билим олиш, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, тўлақонли дам олиш, маданий даражасини ошириш ва ҳоказолар.

Бозор қоидаларига риоя қилинар экан, яъни даромад бозорга боғлиқ экан, уй хўжалиги даромади ҳам бозор даромади тури ҳисобланади ва доимий ўзгариб туриш хусусиятига эга бўлиб, бир нечта элементларни ўз ичига қамраб олган таркибий гуруҳлардан ташкил топади (3.3.1-жадвал).

Уй хўжалиги даромади дейилганда уларнинг маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) олган пул маблағлари ва моддий неъматлари (уй хўжалигида ишлаб чиқарилгани билан бирга) сўммаси тушунилади.[45]

Иккинчи бобда кўриб утганимиздек ҳудудларда ижтимоий соҳани моделлаштиришнинг учинчи гуруҳи уй хўжалиги фаолияти ҳаракатининг модели ҳисобланади.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий моделлаштиришнинг муҳим қисмларидан бири ҳудудларда уй хўжалиги фаолияти ҳаракатининг модели ҳисобланади. Уй хўжалиги охирги истеъмолчи сифатида $D_l(t)$ даромад қилиб, олган даромадини истеъмол харажатларга сарфлаши $X_l(t)$ ёки шу даромадни хар-хил йўл билан жамғариш мумкин. Масалан банкка фоиз ҳисобига қўйиб $p$- депозит жамғарма ҳосил қилиш мумкин. Биз буни қуйидагича $A^d{}_l$ ифода билан белгилаймиз:

$$\frac{dA^d{}_l}{d_t} = PA_l + k^d D_l - X_l^d\,, \qquad (4.1.1)$$

$$\kappa^\partial = f_i^{\,\partial l}(A_t^N, P), \quad X_i^\partial = f_i\,\partial^l(A_l^N, P),$$

бу ерда: $\kappa^\partial$ -даромаднинг депозитлар коэффициенти; $X^\partial{}_l$ –депозит харажатлари; $f_l^{\partial 1}(.), f_l^{\partial 2}(.)$ –аҳолининг депозитлар билан ишлашини аниқлаш стратегияси.

Бундан аҳолининг нақд пул баланси бўйича қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{dA^N{}_l}{d_t} = (l - k^d)D_l + X_l^d - X_l, \qquad (4.1.2)$$

$$A_l = A_l^N + A_l^\partial.$$

Аҳолининг истеъмоли билан нақд пули уртасидаги функционал боғланиш қуйидаги кўринишни олади:

$$X_l = f_l(A_l^N). \qquad (4.1.3)$$

Бу ерда $A_l$- аҳолининг пул воситалари; $A_l^N$ -аҳолининг депозит жамғармаси;

$A_l^\partial$ $f_{lx}(.)$ –аҳолининг нақд пулидан, депозит жамғармаси билан унинг қиладиган харажатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик функцияси.

---

[45] Мухитдинов Х.С. Оилавий бизнес //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2005.-№5.–Б.12-14.

Уй хўжалиги истеъмоли ва даромади нуқтаи назаридан келиб чиққанда, деффиренцияланган тартибдаги даромадни *v*-гуруҳга бўлишимиз мумкин. Ҳар бир гуруҳ моддий товар ва маҳсулотларни истеъмол бўйича харажат қилади, солиқ тўлайди ва оила даромадини ошириш учун жамғаради. Бундан турли таркибдаги оилаларнинг жон бошига тўғри келган даромади қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилади:

$$d^i = \frac{D_l^i}{A} \qquad (4.1.4)$$

Бу ерда $D_l^i$ -*l* турдаги оилани *i*- гуруҳи бўйича ялпи даромади. А- уй хўжалигида оила аъзоларининг сони.

Уй хўжалигида даромадлар бўйича тақсимланиш модели қуйидаги кўринишни олади:

$$D_n = \sum_{i=1}^{n} (П^i + T^i + M^i{}_1 + M_2{}^i) A_t, \qquad (4.1.5)$$

бу ерда $П^i = П^1 (1+(i-1)\alpha)$, $T^i = T^1 (1+(i-1)\alpha)$, пенсия ва стипендиялар; $M_1{}^i = M^1 q^{(i-1)}$, $M_2{}^i = M_2{}^1 (1+(i-1)b)$ ҳар-хил соҳалар буйича *i*-турдаги меҳнат ҳақлари; $\alpha, q, b$ – коэффициентлар; $\alpha$ *ва* $q$ бюджет тўловлари бўйича коэффициентлар; $b$ –даромаднинг ҳар-хил турлари бўйича коэффициентлар.

Уй хўжалиги истеъмол даражаси тўғридан-тўғри уларнинг даромадлари даражасига боғлиқ бўладики, бу даромадларнинг аҳоли турмуш даражасидаги ролини белгилаб беради.

Уй хўжалигида даромад ва харажатларни шаклланишини қуйидаги модел билан белгилаб олишимиз мумкин:

$$\Sigma X_t = (\Sigma X^u{}_{ур} + \Sigma X^d{}_{ур} + \Sigma \Delta X) \qquad (17)$$

$$\sum D_t = \sum_{v=1}^{n} D_{t(t+z)} + \sum_{v=1}^{n} \Delta D_{t(t+z)}, \qquad (18)$$

бу ерда $\Sigma X$ -*t*-даврдаги аҳолининг умумий харажати; $\Sigma X^u{}_{ур}$ –ўртача ўзгарувчан харажат; $\Sigma X^d{}_{ур}$ -ўртача доимий харажат; $\Sigma D_{(t)}$ *t*- даврдаги даромад манбалари; $\Sigma \Delta D_{(t)}$, $\Sigma \Delta X_{(t)}$ –доимий ўзгариб туриш хусусиятига эга бўлган даромад ва харажатлар; $v = 1 \div n$ даромад турлари.

Ҳар бир одам ўз даромадларининг бир қисмини жамғармага ажратиш керак. Пулни омонат муассасаларида сақлаш ҳамда улар орасидан ишончлиликни ва ликвидлиликни таъминловчиларни танлашнинг турли имкониятлари билан танишиш фойдалидир.

Шунинг учун даромадлар шаклланиши ва табақаланиши уларнинг бозор ва нобозор даромадларнинг ҳосиласи бўлишига боғлиқ бўлади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, уй хўжаликлари фаровонлигини оширишнинг яна бир йўли, харажатларни жамғармаларга қўйиш, қимматли қоғозлар ва валютани сотиб олиш учун сарф қилишдан иборат бўлиб, бу ҳам мулкни ишлатиш орқали олинадиган даромадлар сирасига киради ва уй хўжалиги

фаровонлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири сифатида намоён бўлади. Чунки, бундай тадбирлар уй хўжаликларига дивиденд сифатида даромадларини кўпайтириб боради. Масалан, уй хўжалиги ўзининг ортиқча 5,0 миллион сўмини йиллик 36,0% билан тижорат банкларига қўйди, деб фараз қилайлик. Бу ҳар ойига уй хўжалигига 150,0 минг сўм даромад келтиради. Кўриниб турибдики, бу миқдор бир ойлик ўртача иш ҳақидан анча кўпроқдир.

Уй хўжалиги фаровонлигини оширишнинг яна бир йўли, фойда келтирмайдиган истеъмол харажатларининг сарфига жуда катта эътибор беришни талаб қилади. Агар улар шу даврда жуда зарур бўлмаса, вақтинча уларни харид қилишни тўхтатиб туриш мумкин. Шу вақтда унга кетадиган харажатларни даромад келтирадиган харажатлар таркибига қўшиб фойдаланилса, уй хўжалигига катта наф келтириши мумкин. Масалан, миллий урф-одатларимизга кўра, халқимиз тўй-хашамлар учун олдиндан тараддуд кўриб, зарур нарсаларни заҳира сифатида олиб қўяди. Бу одат бизнинг менталитетимизга хосдир. Аммо ҳозирги вазият тубдан ўзгармоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад топиш ҳаёт фаровонлигининг кафолати бўлиб, иқтисодий субъектларнинг даромад топиши ва уни кўпайтириб бориши инсон фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Бозорда ишлашдан мақсад даромад топиш экан, унинг имкониятлари тобора кенгайиб боради. Бундай имкониятлар доирасида даромад манбалари ва турларининг хилма-хиллиги таъминланади. Даромад турларининг хилма-хиллиги унинг келиб тушиш манбаининг фарқланишига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда аҳоли даромадларининг фарқланишида бозор ва нобозор даромадларини ҳисобга олиш зарурдир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашиб бориши билан бозор даромадларининг устуворлиги ортиб боради. Чунки, турмуш фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бозор даромадларига боғлиқ бўлиб қолади.

Тадбиркорлар қатламининг кенгайиши бозор даромадлари мавқеининг ўсиб бораётганлигини англатади. Даромадлар таркибида тадбиркорлик даромади муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, кейинги йилларда улар тобора иқтисодий фаоллик кўрсатиб, юқори даромад соҳиби бўлишга интилмоқдалар. Юқори даромадга эга бўлиш эса, бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Бозор тамойилларига монанд равишда тадбиркорлик ва уй хўжалигининг ривожланиши, иқтисодий ўсишни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ ривожланиш даражасининг ҳар хил кечганлиги боис, уларнинг оила даромадларини ҳосил қилишдаги иштироки ҳам турлича бўлади. Тадбиркорлик фаолиятига аҳолининг янги қатламлари тобора қўшилиб бораётгани боис, унинг барча хонадонлар даромадини ҳосил этишдаги роли кучаймоқда. Тадбиркорлик фаолиятида оилавий ҳамжиҳатлик даражасининг ошиб бориши ҳам кузатилмоқда.

Даромадлар ташкил топишининг бозор ва нобозор усуллари даромадларнинг фарқланишига турлича таъсир кўрсатади. Бозор муносабатлари юқори даромад олишнинг шарти сифатида ишбилармонликни биринчи поғонага кўтаради. Тадбиркорлик қобилияти иқтисодий фаолиятнинг омили ўларок, ишбилармон кишиларнинг юқори даромадга эга бўлишини белгилайди.[46]

Ўтиш даврида даромадлар бир нечта объектив ва субъектив омиллар таъсирига учрайди. Бу таъсир даромадларнинг шаклан хилма-хил, миқдоран турлича бўлишига олиб келади. Ўтиш даврига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда даромадларга таъсир этувчи омиллар нисбати ўзгариб туради ва иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривож топиши билан даромад барқарорлиги маълум механизмга хос бўлган қоидалар орқали намоён бўлади[47]:

– инфляция жараёнининг чуқурлашиб бориши;

– даромад манбалари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши;

– социал табақалашувнинг чуқурлашуви;

– ишсизлик даражасининг ортиб бориши;

– кишиларнинг шаклланаёттан янги иқтисодий муносабатларни ўз вақтида ва тўғри тушуниб етмасликлари;

– даромадларни реализация қилиш имкониятларининг чекланганлиги;

– пинҳоний иқтисодиётнинг салбий таъсири.

Юқорида санаб ўтилган салбий жиҳатлар ўтиш даврида у ёки бу даражада мавжуд бўлса-да, давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш воситалари ва усулларининг таъсирчанлиги натижасида иқтисодиёт нормал ҳолатга тушиб боради ҳамда бозор муносабатларига хос бўлган иқтисодий алоқалар кучаяди. Пировардида қонунга мос равишда ҳалол йўл билан даромад топиш, даромад манбалари ва имкониятларининг кенгайиб бориши эвазига турмуш даражасининг ўсиб боришига эришилади. Даромад топишнинг асосини ишлаб топилган пул ва турли кўринишдаги кўмаклар ташкил этади.

Аҳолининг даромад топиш усуллари ўзгариб борса, пул топиш имкониятлари ҳам ҳар-хил бўлади. Бу, биринчидан, куч-қувват ва ақлий қобилиятнинг ҳар-хил бўлишига, иккинчидан эса, оиланинг мулк соҳиби бўлиши ёки бўлмаслигига ҳамда мулкни самарали ишлатишга боғлиқ. Бинобарин, даромад топиш учун ресурслар мавжудлигига ва унинг ишлатилишига нисбатан шахсий даромад манбалари фарқланади[48]. Аҳоли даромадларининг ўзгариши асосан қуйидагиларга боғлиқ:

– меҳнатга лаёқатли кишида мужассамлашган жисмоний ва ақлий қобилиятларнинг ижтимоий фойдалилик йўлида ишлатилиши;

---

[46] http://www/google.com/ ”Population income in Uzbekistan”

[47]Ҳасанов Р. Даромадлар ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятлари//Жамият ва бошқарув.- Тошкент,2003. -№4. -Б 32-33.

[48] Усмонов С.Н., Додобоев Ю.Т. "Бозор иқтисодиёти асослари" , Ўкув қўлланма. -Т.: Фан, 1999. -56-бет.

– ишлаб чиқариш воситаларини тасарруф этиш даражаси доирасида капитал ва мулкнинг ҳаракати, унинг даромад келтиришдаги иштироки;
– жамиятда киши имкониятларини тўла юзага чиқариш учун иқтисодий эркинликлар ва шарт-шароитларнинг мавжудлиги;
– давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш ва ривожлантиришда қўллаётган усул ва воситаларининг нечоғли кўзланган натижа бериши, даромадларни қайта тақсимлаши ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиши;
– реал инвестициялар миқдорини оширишга кўмак берувчи имтиёзлар доирасини кенгайтириш асосида янги техника ва технологияни қўллаш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.
Уй хўжалиги ва шахсий даромадларнинг элементлари 4.2.1 жадвалда келтирилган.

**4.2.1-жадвал.**

**Уй хўжалиги ва шахсий даромадларнинг элементлари[49]**

| № | Даромадлар Гуруҳлари | Элементлари |
|---|---|---|
| 1 | Иш ҳақи | - асосий иш жойидан олинадиган даромад;<br>- асосий бўлмаган иш жойидан олинадиган даромад;<br>- ҳарбий хизматчилар пул маблағлари;<br>- мавсумий даромад;<br>- бошқалар. |
| 2 | Меҳнат натижаларини сотишдан олинган даромад | - фермер даромади;<br>- шахсий томорқадан олинадиган даромад;<br>- уй хўжалигидан тушган даромад;<br>- гонорар;<br>- бошқалар. |
| 3 | Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад | - тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад;<br>- бошқалар. |
| 4 | Капиталдан олинадиган даромад | - акциялардан олинадиган дивидентлар;<br>- ижара ҳақи;<br>- капитал фойдаси;<br>- қўйилмалардан олинадиган фоизлар;<br>- бошқалар. |
| 5 | Таваккалчиликдан тушган тушум | - суғурта таваккалчилигидаги тўлов;<br>- облигациялар бўйича ютуқлар;<br>- лотерея ютуқлари;<br>- спорт мусобақаларидаги ютуқлар;<br>- ўйинлардаги ютуқлар;<br>- ҳар-хил конкурслардан ютуқлар;<br>- бошқалар. |

[49] Муаллиф ишланмаси

| | | |
|---|---|---|
| 6 | Қолдириладиган Даромад | - мерос;<br>- совға;<br>- хомийлик ёрдами;<br>- элиментлар;<br>- муаллиф меросхўрларига қолдириладиган даромад;<br>- бошқалар. |
| 7 | Ижтимоий даромад | - вақтинчалик ишга лаёқатсиз бўлган ишчига тўловлар;<br>- ҳомиладорлик ва туғишдан кейинги тўловлар;<br>- бола туғилишидаги тўлов;<br>- ногиронлик нафақалари;<br>- бошқалар. |
| 8 | Қарз даромадлари | - банк кредитлари;<br>- корхона кредитлари;<br>- шахслардан олинган қарз сўммалари;<br>- бошқалар. |
| 9 | Бошқа даромадлар | - бошқалар. |

Бозор ва нобозор даромадларининг ўзаро алоқаси қуйидагилар таъсирида намоён бўлади:

– биринчидан, аҳоли шахсий даромадлари таркибининг хўжалик юритиш шакллари ва мулкнинг турли-туманлиги заминида табақалашган тарзда ўзгариб боради. Чунки олинаётган шахсий даромаднинг асосий манбаи кишининг шахсий меҳнати ва қобилиятининг йиғиндиси ҳисобланади;

– иккинчидан, аҳоли шахсий даромадлари таркибининг хилма-хиллиги даромадлар миқдорига таъсир қилади. Бунда шахсий даромадни кўпайтириш манбаи кишининг нафақат шахсий меҳнатига, балки у эгалик қилаётган мулкнинг миқдорига, мулкий улушига ҳамда сарфланаётган капитал ҳажмига боғлиқ бўлади ва уларга мувофиқ равишда ўзгариб боради;

– учинчидан, аҳоли даромадларининг фарқланиши бозор қонунлари таъсирида бўлиб, шахсий даромадларнинг кучли табақаланишини келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида, аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш тарзида ўз аксини топади;

– тўртинчидан, иқтисодиётнинг ривожланиши билан реал иқтисодий ўсишга эришиш ҳаётий неъматларнинг тақсимланишида давлат таъсирининг кучайишига олиб келади. Натижада, аҳолига ижтимоий ёрдам бериш кўлами кенгаяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад топиш аҳоли турмуш даражаси барқарорлигининг кафолати бўлиб, иқтисодий субъектларнинг даромад топиши ва уни кўпайтириб бориши инсон фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади. Иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашиб бориши билан бозор даромадларининг устуворлиги ортиб боради. Чунки, аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш кўп жиҳатдан бозор даромадларига боғлиқ бўлиб қолади.

Иқтисодда ресурсларнинг иштирокига кўра, бозор даромадлари мазмунан турлича бўлсада, унинг асосий тури тадбиркорлик даромадлари бўлади. Уни тадбиркор оилалар ўзлаштиради. Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ишчи, деҳқон ва хизматчилар орасидан тадбиркорлар ажралиб чиқади, улар бизнес билан машғул бўлади. Тор маънода, тадбиркорлар бу турли катта-кичик фирма соҳиблари ва уларнинг шерикларидан иборат бўлса, кенг маънода фермер ва якка тартибда ишловчилардан ташкил топади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифларни киритамиз:

–нодавлат нотижорат (бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари, консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) инфратузилмаларни ташкил этиш ва уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш;

–прогноз параметрларини бажаришни таъминлаш ва унинг устидан доимий мониторинг ўтказиш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳлар фаолиятини жонлантириш;

–фаолият юритмаётган кичик ўрта бизнес субъектларини ҳар бир соҳалар бўйича таҳлил қилиш;

–тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказиш;

–ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш муамоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш мақсадида сўровномалар ўтказиш.

Ўрта табақадаги оилаларнинг ҳиссаси ҳалол йўл билан юқори даромад топувчилар қатламининг ошиб боришини билдиради. Улар асосан, савдо тижорати ва кичик ишлаб чиқариш ишлари билан шуғулланувчи кишилардан ташкил топади. Булар билимдон ва ўз касбини чуқур билувчи кишилар, зиёлилар, тадбиркорлар ва ишбилармонлардан иборат.[50]

Даромадларни шакллантиришнинг ўз–ўзидан бўлмайдиган муаммолари ва қийинчиликлари мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган соҳалари, ҳолатлари, шароитлари, манбалари даромадларни давлат томонидан тартибга солиш объектларидир. Мазкур муаммоларни ҳал этиш ва олдини олиш орқали иқтисодиётни бир маромда ривожлантириш, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, жамиятдаги барқарорликни сақлаш мумкин.

Маълумки, ҳар бир фуқаронинг бир йил давомида меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олган даромадлари, мулкий даромадлари ва тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлари жами даромадлар таркибини ташкил этади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради. Шу билан бирга меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга:

– ходимларга сотиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати билан бундай товарларни харид қилиш нархи ёки таннархи ўртасидаги манфий фарқ;

---

[50] Ўлмасов А. Оила иқтисоди. - Тошкент: Меҳнат, 1998.-78 б.

– иш берувчи томонидан ўз фаоллари билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар;
– ходим иш берувчига тўлаш керак бўлган, аммо иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз сўммалари;
– иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилган харажатлар;
– иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаш сўммаси;
– иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари ҳам киради.

Мулкий даромадларга фоизлар, дивидендлар бўйича олинган даромад, мол-мулкини ижарага беришдан келадиган даромадлар киради.

Тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадларга товарлар реализациясидан, даромад олиш мақсадида таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида якка тартибда амалга оширилган, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятдан келадиган барча тушумлар киради.

Уй хўжалигида даромадни оширишнинг асосий манбаларидан бири тадбиркорлик ҳисобланади. Бозор муносабатлари юқори даромад олишнинг шарти сифатида ишбилармонликни биринчи поғонага кўтаради. Тадбиркорлик қобилияти иқтисодий фаолиятнинг омили сифатида ишбилармон кишиларнинг юқори даромади даражасини белгилайди. Жамиятда даромад топувчиларнинг бозор орқали ҳатти–ҳаракатининг кўчайиши билан ўртаҳол қатламининг кўпайиб бориши рўй беради. Натижада тадбиркорлик оила даромадини оширишнинг биринчи манбаи бўлиб қолади.

Тадбиркорликнинг асосий йўналишларига кичик ва хусусий тадбиркорлик, шахсий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари каби уй хўжаликларига асосланган фаолият турлари киради.

Оилавий тадбиркорлар мулкнинг асосий қисми мамлакатимизда давлат мулкини хусусийлаштириш эвазига шаклланади.[51]

Тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу энг аввало, уй хўжаликлари фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Зеро, иш ҳақи, ўртача даромад каби кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида ўзининг яшовчанлик моҳиятини йўқотди.

Ҳозирги бозор шароитида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, ҳар бир оила тадбиркорликда, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес хўжалиги, истеъмол бозорида ўз ўрни ва улушига эга бўлиши, иқтисодий жиҳатдан юқори самара ва фойда олишни таъминлайдиган фаолият юритиши керак.

Оилада даромадини ошириш учун тадбиркорликнинг фаолият шакли ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар тадбиркор таваккал қилишга ва масъулиятни ўз

[51] Ҳасанов Р. Тадбиркорлик даромади // Иқтисодиёт ва таълим. -2004. -№1. -Б. 25-26 б.

зиммасига олишга тайёр бўлса, тадбиркорлик фаолиятининг якка тартибдаги шаклларидан бирини танлайди.
Тадбиркорлик, аслида якка тартибдаги шаклдан бошланади. Ҳақиқатдан ҳам, якка тартибдаги тадбиркорлик, оилавий бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг кредит ресурсларига бўлган имкониятларининг кенгайтирилиши ишлашни истаган, ишга лаёқатли оила аъзолари, шу жумладан, болали аёлларни ишга жалб этиш ҳисобига оила даромадини сезиларли даражада оширишга қўшимча имкониятлар яратиб беради.
Бунда: у танлаган фаолият соҳаси учун катта маблағ талаб қилинадиган ёки озгина маблағ билан ҳам ишни юрита олиши керак. Агар унинг ўз маблағи етарли бўлмаса, катта қарз олиш таваккалчилигидан қўрқса ёки мумкин бўлмаса, шунингдек, таваккалчилик ва масъулиятнинг оғирлигини шериклари билан ўзаро тақсимлашни истаса, тадбиркорликнинг жамоа шаклларидан бирини танлаши лозим бўлади. Бунда тадбиркор меҳнат жамоаси, корхонаси, масъулияти чекланган жамият, ширкат, акционерлик жамияти корхоналари шаклларидан бирини танлайди.
Ўз навбатида, ўрганилаётган тармоқ таркибига кирадиган барча тадбиркорлар, шахсий хўжаликлар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг бошқарув муаммоларини ҳал этиш ва уларни максимал даражада ҳисобга олиш каби масалаларни ўз ичига олсин.
Бунинг учун бошқарув жараёнлари мобайнида таъсир кўрсатадиган барча омилларни ҳисобга олиш, улардан ҳар қайсининг ишлаб чиқаришдаги ўрни, аҳамиятини аниқлаш ҳамда хўжалик юритиш самарадорлигини оширишга туртки бўладиган, ҳал этилиши керак бўлган асосий муаммолар белгилаб олинади.
Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадларида айрим масалаларни алоҳида ҳал этиш ҳоллари ҳам учрайди. Бироқ, бундай масалаларнинг ҳал этилиши бошқарув олдида турган барча муаммоларни ўз ичига қамраб олган умумий муаммонинг бир қисми сифатида эътироф этилиши керак.
Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти кўпгина танланган стратегия ва тактикага боғлиқ. Бозорга киришнинг дастлабки босқичида тадбиркор “ҳужум” – бозорни эгаллашга қаратилган маркетинг стратегиясини танлаши лозим. Бунда тадбиркор ўз товарини реклама қилиши, истеъмолчиларни, харидорларни турли имтиёзлар, рағбатлар билан жалб қилади. Масалан, янги ташкил топган фирмалар ўз товарларини презентация қилади, ҳатто ўзлари жойлашган ҳудуднинг (маҳалланинг)турмуш даражасини ўрганиб чиқади. Ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга ёрдам беради ва шу аҳолининг турмуш даражасининг фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшади.
Маълум аниқ товар ва хизматлар бозорига кириб олгач, тадбиркор бозорни эгаллаш, ундаги ўз ҳиссасини кўпайтириш, кенгайтириш стратегиясини қўллайди. Бунда у товар (хизмат) нархини рақобатчига нисбатан бир мунча паст қўйиш, сотишгача ва сотилгандан кейинги яхшилаш , ўз корхонаси

филиалларини кўпайтириш, воситачи-тижоратчилар билан алоқани яхшилаш ишларини амалга оширади.

Тадбиркор бозорда ўз мавқеини ошириб, юқори фойда олишни таъминлагач, мудофаа стратегияси ва тактикасини ишга солиб, уни турли рақобатчилар тажовузидан сақлашга ҳаракат қилади. Ушбу босқичда у ўз товарининг сифатини оширишга, ишлаб чиқариш жараёнининг техника ва технологиясини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулотнинг ассортименти ва номенклатурасини янгилаб бориши орқали ўз мавқеини сақлаш ва даромадини оширишга ҳаракат қилади. Ишлаб чиқариш, сотиш, бошқариш харажатларини камайтириб бориш маблағларни, хом-ашё ва материалларни тежаш эвазига эришилган фойдани сақлашга имкон беради.

Тадбиркор учун иш ҳамма вақт ҳам ўнгидан келавермайди. Товар ўз вақтида янгиланмаса, унинг ҳаётий цикли бир кунмас бир кун тугайди. Ана шундай ҳолатда тадбиркор чекиниш, бозорни ўз вақтида тарк этиш, маркетинг стратегиясини ва тактикасини амалга оширишга мажбур бўлади. Ўз вақтида чекиниш бозорни сақлайди. Бунда, албатта, тадбиркор ўз фаолият даврини чўзишга ҳаракат қилиб кўради. Аммо ушбу аниқ соҳа ва бозорда хонавайрон бўлиши шак-шубҳасиз туюлса, камроқ зиён билан ёки зиёнсиз уларни тарк этиши маъқул. Бунинг учун эса товар нархини таннарх нархигача тушириб бўлса ҳам тезроқ сотиб қутилиши ва бошқа соҳага (бозорга) кириш йўлини ахтаришга тўғри келади.

Тадбиркор ўз фаолиятининг уч хил, яъни ривожланиш, даромадини ошириш, мавқеини сақлаш ва чекиниш ҳолатларини ва ўз харажатларини олдиндан ҳисобга олиши фойдадан ҳоли эмас. Мана шуларни ҳисобга олиб харажатларни ҳисоблаш алгоритмларини қуйидагича белгиладик:

Ўртача ўзгарувчан харажатларни ҳисоблаш орқали тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

$$X_{ur}^{u} = \frac{X^{u}}{N} \qquad (4.2.1)$$

ўртача доимий харажатлар;

$$X_{ur}^{d} = \frac{X^{d}}{N} \qquad (4.2.2)$$

ўртача умумий харажатлар;

$$X_{ur}^{um} = \frac{X^{um}}{N} \qquad (4.2.3)$$

бу ерда $X^{u}$ -ўзгарувчан харажатлар; $X^{d}$ -доимий харажатлар; $X^{um}$-умумий харажатлар; $X^{u}_{ур}$-ўртача ўзгарувчан харажатлар; $X^{d}_{ур}$- ўртача доимий харажатлар; $\mathrm{X}^{\mathrm{um}}_{\mathrm{ур}}$- ўртача умумий харажатлар; $N$ –маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

Уй хўжалиги фаолиятида тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш кўп жиҳатдан банк кредит тизимига ҳам боғлиқ боғлиқ бўлади. Чунки уй

хўжаликлари истеъмолчи сифатида турли манбалар бўйича жамғариш, банкка фоиз ҳисобида қўйиш, депозитга қўйиш ва ҳоказолар бўйича даромадини кўпайтириш орқали турмуш даражасини ошириши мумкин. Уй хўжалиги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредит олади.

Банк кредит тизимининг моделини қуйидагича белгилаймиз:

$$\frac{dA_t}{dt} + \frac{dB_i}{dt} = \frac{dL_i}{dt} \qquad (4.2.4)$$

бу ерда $L_i$- банк тизими активи бўлиб, қайтарилмаган кредитлар; $A_t$-депозитлар ҳисобланиб, аҳолининг омонотлари; $B_i$-банк баланси учун банкнинг ҳисоб воситалари ҳисобланади.

Уй хўжалигида оила даромадининг шаклланишини бозор шароитидаги яна бир манбаи шахсий ёрдамчи хўжаликни ривожлантириб, даромадни ошириш ҳисобланади. Айниқса, қишлоқ аҳолиси даромадининг шаклланиши шаҳар аҳолисиникидан тубдан фарқ қилади. Чунки қишлоқ аҳолисининг даромад манбаи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан ташкил топади. Хўжалик юритишнинг совет давридан қолган, ўзини оқламаган шаклларидан воз кечиб, уларнинг ўрнига бутун дунёда кенг жорий этилган хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор инфратузилмаси амалда қайта тузилди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосига қурилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, жумладан, саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тўлиғича иқтисодиётнинг нодавлат секторида яратилмоқда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган, уларда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида даромаднинг асосини шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолияти ташкил қилади.[52]

Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ривожланиши қуйидаги муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ:

-ерларни суғориш бўйича номутаносибликлар мавжудлиги;

-ерлардан тўғри фойдалана билиш учун амалий ва назарий тажрибаларнинг етишмаслиги;

-айрим маҳсулотларнинг харид нархлари пастлиги;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи монопол корхоналарнинг етакчи мавқеи ҳамон сақланиб қолаётганлиги;

---

[52] Беркинов Б., Хошимов С., Мухитдинов Х. Аҳоли даромади ва истеъмоли balансининг имитацион модели //Математическое моделирование и вычислительный эксперимент: Тез.докл.меж.нар.науч.конф. 28-30 ноября 1994.-Ташкент,1994.С -48.

-техника хизматлари бажарилишида ёқилғи–мойлаш материаллари танқислиги.

Ушбу муаммоларни бартараф этишнинг қуйидаги ечимлари мавжуд деб ҳисоблаймиз:

-оиланинг шахсий ёрдамчи хўжалиги иш фаолиятига ёрдам бериш мақсадида–ахборот маслаҳат гуруҳларини ташкил этиш;

-сув ресурсларидан фойдаланишдаги муқобил сув таъминоти уюшмалари хизматини яхшилаш ва сув ресурсларидан тежаб–тергаб фойдаланишни йўлга қўйиш;

-ўзларига берилган ер майдонларини яхшилаш учун кредит бериш механизмларини яхшилаш;

-оилаларга сервис хизматлар кўрсатишни яхшилаш ва сервис корхоналари билан тузиладиган шартномаларни такомиллаштириш.

Ер ва тупроқ тирикликнинг энг улуғ неъматларидан биридир. У инсониятнинг ризқу рўзи, насибаси ҳисобланади. Шундай экан, мавжуд қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бугунги куннинг асосий масалаларидан бирига айланди.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари билан шуғулланадиган оила даромадининг шаклланишида, ихтиёрий объект учун ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотлар ҳажми билан боғлиқ бўлади.[53]

Демак, шундай экан, бизда маҳсулотлар ҳажмини ҳисоблаш ва натижаларини прогноз қилиш зарурияти туғилади.

Масалани ечиш учун ҳар бир ҳудуд бўйича талаб этилган маълумотлар киритилади. Алгоритмни белгилашда қўшимча қуйидаги белгиланишларни ишлатамиз:

$-\beta$ ( $\beta_\iota$; $\iota=1,3$ даврлар бўйича) уй хўжалигининг тайёр маҳсулотга бўлган талаби;

$-W$ ( $W_\iota$; $\iota=1,3$ даврлар бўйича) четга чиқариладиган тайёр маҳсулот;

$-V$ ( $V_\iota$; $\iota=1,3$ даврлар бўйича) четдан келтириладиган маҳсулот;

$-U$ ( $U_\iota$; $\iota=1,3$ даврлар бўйича) ҳосилдорлик;

$-D$ ( $D_\iota$; $\iota=1,3$ даврлар бўйича) экиш учун уруғлик фонди;

$-Q\beta$ ( $Q_\iota$; $\iota=1,3$ даврлар бўйича) талаб этиладиган маҳсулотни қондириш учун (уруғлик, бозорга чиқариш ва нобудгарчиликларни ҳам қўшиб) ишлаб чиқиш ҳажми;

$-S$ ( $S_\iota$; $\iota=1,3$) жами хўжаликда йиғиладиган маҳсулот ҳажми;

$-P$ ( $P_\iota$; $\iota=1,3$) экин майдони;

$-C$ ( $C_\iota$; $\iota=1,3$) иккиламчи маҳсулот ҳосилдорлиги;

$-E$ ( $E_\iota$; $\iota=1,3$) иккиламчи маҳсулот ҳажми;

$-T$ ( $T_\iota$; $\iota=1,3$) иккиламчи маҳсулотнинг тўйимлилиги, тонна озуқа бирлиги.

---

[53] Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. –Ташкент: Фан, 1990. –109с.

Ҳудуднинг иқлимини ҳисобга олиб, масалани ечишда ҳисоблашлар маҳсулот етиштиришнинг даврлари бўйича олиб борилади. Барча ҳолларда $\imath=1$ - эрта, $\imath=2$ –ўрта ва $\imath=3$ - кечки даврни билдиради.

Хўжаликнинг тайёр маҳсулотга бўлган $\imath$ -даврдаги ва умумий талаби қуйидагича ифодаланади:

$$\beta\imath = \frac{\mu\imath}{A*H} \quad \text{ва} \quad \beta\imath = \sum_{\imath=1}^{3} \beta\imath \qquad (4.2.5)$$

Ҳудуддаги даврлар бўйича ва жами йиллик маҳсулот ҳажми эса:

$$S\imath = Q_i = V_i \quad \text{ва} \quad S\imath = \sum_{\imath=1}^{3} S\imath \qquad (4.2.6)$$

Бундан, ҳудудга четдан келтирилган маҳсулотнинг истеъмолга қадар ҳажми, даврлар бўйича:

$$V_i = \frac{V^l_{(d)}}{h_i} \quad \text{ва жами} \quad V_i = \sum_{\imath=1}^{3} V_i \qquad (4.2.7)$$

Даврлар бўйича ва йил давомида жами етиштириладиган маҳсулот ҳажмини келтирамиз:

$$Q_i = \frac{B_i - V_i}{d_3} \leftarrow D_i - W_i ваQ \sum_{i=1}^{3} Q_i \qquad (4.2.8)$$

Бундан даврлар бўйича ва йил давомида четга чиқариладиган маҳсулот ҳажми қуйидагига тенг:

$$W_i = \frac{W_i}{d_{3ni}} \quad ваW \sum_{i=1}^{3} W_i \qquad (4.2.9)$$

Маҳсулотларни экиш учун даврлар бўйича ва йил давомида ажратиладиган экин майдони:

$$P_i = \frac{Qi}{Ui} \quad \text{ва} \quad P_i = \sum_{\imath=1}^{3} P_i \qquad (4.2.10)$$

Ўртача йиллик ҳосилдорлик эса $U_i = \dfrac{Qi}{P}$ га тенг. (4.2.11)

Хўжаликларнинг ҳосилдорлиги чегараларига қараб гуруҳларга бўлинади. Ҳосилдорлик чегараларига мос экин майдони, меҳнат моддий ва материал сарфларининг бир гектар ёки бир центнер маҳсулоти учун меъёри аниқланади.

Гуруҳлар бўйича ҳосил қилинган ушбу ахборотлар хўжаликнинг тараққиётини прогноз қилиш учун асос бўлиб, у қуйидаги шартлар асосида ҳал этилади:

Биринчидан, хўжалик бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларнинг тақсимланишининг шундай вариантларини танлаш лозимки, натижада хўжаликнинг умумий даромади (фойдаси) энг катта қийматга эга бўлсин.

Иккинчидан, хўжалик учун ажратилган ер майдонини экинлар экиш учун ўзлаштириш қўшимча ресурслар ҳисобига амалга оширилади ва бундай ўзгаришлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади.

Учинчидан, маҳсулотларни шахсий истеъмолга ёки сотиш учун тақсимлаш, уларга бўлган талаб ҳажми асосида аниқланади.

Шундай қилиб, масаланинг асосий номаълумлари бўлиб, булар экинларнинг ҳосилдорлик чегараларига мос келувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш вариантлари, экин майдонлари, ресурслар ҳажми ва умумий даромад ҳисобланади.

Вариантларни баҳолаш оила аъзоларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашнинг даражасини аниқлаш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу маҳсулотларни тақсимлаш шартига ўзгартириш киритиш орқали қўшимча вариантларни ҳисоблаш имконини беради.[54]

Масала шартларини математик ифодалаш учун қуйидаги қўшимча белгилашларни киритамиз:

$M_\iota$ - қўшимча ўзлаштириладиган ерга экиладиган экинлар майдони; $\Delta Q$- қўшимча ўзлаштириладиган умумий ер майдони; $Q_Z$-хўжаликлардаги умумий экин майдони; $N\rho$–$P$–турдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми; $\mu$ - маҳсулотларни $\lambda$ -истеъмол каналлари бўйича тақсимлаш коэффициенти; ν- истеъмолга тақсимланган маҳсулот ҳажми; τ- истеъмол каналларига маҳсулотлар тақсимлаш вариантларининг индекси.

Юқоридаги белгилашлар асосида масаланинг математик модели қуйидагича ифодаланади:

Номаълум $X_i, M_\iota, N\rho$, $V$ ларнинг шундай қийматини топиш керакки, натижада

$$F_1(X) = \sum_{q=1}^{3} \varphi^{\nu}_{\iota\kappa\gamma}(X^{\nu}_{\iota\kappa\gamma} + M^{\nu}_{\iota\kappa\gamma}) \to \min$$

функциянинг энг кичик ёки (4.2.12)

$$F_1(X) = \sum_{\tau=1}^{3} W^{\nu}_{\iota\kappa\gamma} V^{\nu}_{\iota\kappa\gamma} \to \max$$

функциянинг энг катта қиймати қуйидагига эга.

$$\sum_{i=1}^{h} \left( \sum_{q=1}^{3} (X^{\nu}_{\iota\kappa\gamma} + M^{\nu}_{\iota\kappa\gamma}) \right) \le Z_{2\kappa\gamma}$$

(4.2.13)

$$S_i \le Z_{2k\gamma}$$

(4.2.14)

$$\sum_{z=1}^{3} \left( U_{\rho\iota\kappa\gamma} (X^{\nu}_{\iota\kappa\gamma} + M^{\nu}_{\iota\kappa\gamma}) \right) - N_{p\kappa\gamma}$$

(4.2.15)

---

[54] Беркинов Б., Тургунов С., Махмудов Б. многоуровневая модел и имитационная система внутри-хозяйственного планирования в сельскохозяйственных предприятиях // экономико-математические методы.-Москва,1990.-№6. –С. 26-28.

$$\sum_{z=1}^{3} \mu_{p\kappa\gamma} N_{p\kappa\gamma} - V_{p\kappa\gamma} = 0$$

(4.2.16)

Бу ерда: (4.2.12) – (4.2.13) ларни иқтисодий маъноси, хўжаликларда экиладиган экин майдонлари, уларга ажратилган умумий ер майдонидан ошмаслигини ифодалайди. (4.2.15) ва (4.2.16) шартлар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни истеъмол каналларига тақсимлаш балансини ифода этади. $F_1$(X) – функция оиланинг деҳқончилик учун қиладиган жами харажатлари, $F_1$(V)-эса жами шартли даромад ҳажми.

Келтирилган моделни чизиқли программалаштиришнинг симплекс усули ёки тақрибан ҳисоб учун оддий баланс нисбатлари тузиш орқали ЭҲМ да махсус программа таъминотлари ёрдамида ҳал этиш мумкин.

Масалани ечишдаги олинган натижалар, деҳқон хўжаликлари билан шуғулланадиган оилалар бўйича умумлаштирилиб, туман, вилоят миқёсида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тайёрланади. Буларга асосан ишлаб чиқариш ҳажми маҳсулотнинг истеъмолга тақсимланиши, кутилаётган харажат ва даромад миқдори ва моддий материалларга бўлган талаб ва шу каби кўрсаткичлар киради.

Хулоса қилиб айтганимизда – даромад турларининг хилма-хиллиги унинг келиб тушиш манбаининг фарқланишига боғлиқ бўлади. Шу нуктаи назардан ҳозирги кунда аҳоли даромадларининг фарқланишида бозор ва нобозор даромадларини ҳисобга олиш зарурдир;

– янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши унинг аъзоларидан бозорга нисбатан жуда сезгир бўлишни ҳамда амал қиладиган қонунлар моҳиятини чуқур ўрганишни, қисқаси, уй хўжалигининг бозорга мослашишини талаб қилади;

–республикамизнинг жанубий ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларнинг иқтисодий жиҳатдан қатор муаммоларининг мавжудлиги ва уларни ижобий ҳал этиш мақсадида, фикримизча, биринчи навбатда туманлар, вилоятлар доирасида махсус илмий-амалий дастурлар тузилиши лозим;

– ҳудуд иқтисодий салоҳиятини кўтариш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, аввало, оилаларнинг иқтисодий ҳолатига таъсир қилувчи оила даромадларини ошириш манбаларига эътиборни қаратиш зарур .

## 3.2. Аграр соҳада ноқишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали қишлоқда аҳоли бандлик даражасини ошириш.

Маълумки, талабни ўрганиш дастлабки маълумотларни чуқур иқтисодий таҳлил қилишни кўзда тутади. Бу нарса омилларни аниқлаш, воқеалар мақсадини, улар бошланишининг доимийлигини таъкидлаш, энг муҳими, товарнинг илгариги ва истиқболдаги ривожланишини аниқлаш имконини беради.

Кўпчилик иқтисодчилар истеъмол талаб ва харажатларни прогнозлашда талаб ва истеъмол моделининг уч туридан: конструктив, структура ва аналитик турларидан фойдаланганлар.

Кўпгина иқтисодчилар идрок билан қилинган талабни ҳозирги тарихий давримиздаги абсолют талаб ўрнида қабул қилиш таклифи билан чиқмоқдалар. Идрок билан қилинган талаб асосида рационал, мақсадга мувофиқ истеъмол меъёрлар тузилади. Ўз навбатида, бунда асосан шахсий истеъмол аниқланади, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ва ижтимоий ривожланишни режалаштириш ва истиқболни белгилашда фойдаланилади.

Бозор шароитида шаклланган тўлаш қобилиятига эга бўлган эҳтиёж товарларни талаб қилиш орқали ишлаб чиқариш билан бевосита алоқа боғлайди. Тўлаш қобилиятига эга бўлган эҳтиёж бу босқичда атиги истеъмолчининг тўлов қобилияти чегарасида қондирилиши мумкин. Демак, тўлов қобилиятига эга бўлган талаб истеъмолнинг ўзига хос "чегараловчи" си сифатида юзага келади.

Истеъмолнинг реал даражасини ифодалаш учун хизматнинг ижтимоий фондлари ҳисобидан аҳоли бепул ёки имтиёзли шаклда оладиган ижтимоий-маданий хизматини ҳамда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжалигидан чиқадиган истеъмол маҳсулотларини ҳам ҳисобга олиш керак. Аҳоли истеъмоли даражасига истеъмол фонди микдорининг динамикаси билан бирга аҳолининг ижтимоий таркиби ва сонининг ўсиш суръати таъсир этади.

Даромад ва истеъмолнинг ўзаро алоқаси ишлаб чиқариш билан эҳтиёжнинг ўзаро таъсири натижасида намоён бўладиган жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан республикамиз аҳолиси истеъмол харажатлари миқдори ва даромади таркибини таҳлил қилиш ана шу кўрсаткичнинг истиқболдаги аҳволини баҳолаш билан боғлиқ қатор муаммоларни ечишни тақозо этади. Юқорида келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш ва баҳолаш учун қуйидаги ахборот тизими асос бўлади:

а) аҳоли пул даромадлари ва харажатлари динамикаси;

б)республика ишчи ва хизматчиларининг бюджети ҳақидаги ретроспектив маълумот;

в) минтақа истеъмол бюджети.

Мана шу бир-бири билан ўзаро боғлиқ кўрсаткич таҳлили натижасида аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражасини баҳолаш мумкин.

Аҳолининг истеъмол талаби ва харажатларини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар асосини махсус услуб ва усуллар ёрдамида ўтказиладиган иқтисодий ахборотлар таҳлили ташкил этади.

Моддий неъматлар ва хизматларни истеъмол қилиш тизимининг кўрсаткичлари бўлими ўз ичига озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат буюмларини аҳоли жон боши ҳисобига бир йилда истеъмол қилиш кўрсаткичларини, шунингдек шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолисининг 100 оиласи ёки 100 кишиси ҳисобига аҳолининг узоқ муддат фойдаланадиган маданий –маиший ва хўжалик буюмлари билан таъминланганлик кўрсаткичларини олади.

Республикамизда амалга оширилаётган тадбирлар асосий озиқ-овқат маҳсулотларини (гўшт, сут, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ҳамда

резаворларни) жон боши ҳисобига ўртача истеъмол қилиш даражасини кўп миқдорда кўпайтиришни назарда тутади. Ҳозирги вақтда ана шу озиқ-овқат маҳсулотларини амалда истеъмол қилиш даражаси Тиббиёт фанлари академияси мутахассислари ишлаб чиққан ва тавсия қилган оқилона меъёрларга ҳали етгани йўқ.

Аҳоли -бу ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи, у бутун бойликларни яратувчи кучгина эмас, у -маънавий бойликларнинг бирдан-бир ва битмас-туганмас манбаи ҳамдир. Аҳоли-асосий истеъмолчи. Бу жиҳатдан у макроиқтисодиётдаги муҳим нисбатлардан бўлган истеъмол ва жамғарма фондларига ўз таъсирини ўтказади. Истеъмол фондининг салмоғи бевосита аҳоли сонига, уларнинг даромадларига, ижтимоий инфратузилманинг тараққиёт даражасига боғлиқ ва иқтисодиётнинг бошқарувчиси ҳисобланади.[55]

Аҳоли истеъмоли назариясининг асосий қоидаларига асосан, истеъмолнинг ҳажми ва таркиби аниқланади.

1.Истеъмолнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни якуний босқичининг таърифи. Истеъмол билан ишлаб чиқаришнинг такрор ишлаб чиқариш жараёни чегарасидаги ўзаро таъсири.

2.Истеъмол қилиш кўрсаткичлари тизимининг умумий таърифи, уларни режалаштириш услубиёти.

3.Моддий ва маънавий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилишни режалаштириш услубиёти.

4.Товарларга ва хизматларга бўлган талаб ва таклифни бозор механизми орқали тартибга солиш асослари. Бу истеъмол қилишнинг якуний қоидасидир.

Истеъмолнинг асосий вазифаси аҳолининг моддий бойликларга ва хизматларга бўлган талабини қондиришдир. Бунга эришиш учун тартибга солишнинг замонавий усулларидан фойдаланилади. Иқтисодий адабиётларда истеъмол қилиш турлари, уларни қониқтириш усуллари бўйича бўлинади. Шу тариқа истеъмол қилиш қуйидаги турларни ўз ичига олади:

1.Алоҳида шахс истеъмоли;

2.Жамоа истеъмоли.

Истеъмолнинг бу йирик гуруҳларга бўлиниши халқ истеъмоли амалиётида катта аҳамиятга эга. Чунки шунинг асосида истеъмол бўйича режа ҳисоботлари олиб борилади.

Истеъмолнинг биринчи гуруҳига, масалан, алоҳида шахснинг кийим–кечак, пойафзал, озиқ-овқатга бўлган истеъмоли киради.

Жамоа истеъмоли дейилганда, инсонларнинг неъматларга бўлган биргаликдаги истеъмоли тушунилади. Масалан, кўп квартирали турар

---

[55] Джураев Т., Шамшиев А., Мухитдинов Х. Модели определения нормативной потребности населения в объектах соцкультбыта.//Вопросы моделирования и информатизации экономики.-Ташкент: НПО “Кибернетика” АН Руз, 1995. -вып. 6.- С. 22-29.

жойларда яшайдиган бир нечта оиланинг иссиқлик, газ, лифт ва бошқа коммунал хизматларидан биргаликдаги истеъмоли.

Истеъмол қилиш кўрсаткичлари тизими қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Моддий неъматларни истеъмол қилишни белгиловчи кўрсаткичлар. Булар истеъмол буюмлари шаклида ифодаланади.

2. Истеъмол қилинадиган хизматларни белгиловчи кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичлар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) неъматларнинг алоҳида гуруҳлар бўйича натура кўрсаткичлари. Масалан: бир йилда бир одамнинг озиқ-овқатга, кийим-кечакларга бўлган истеъмоли;

б) умумий (синтетик) қиймат кўрсаткичлари. Улар миллий даромаддан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилади;

в) миллий даромаддаги истеъмол қилиш фонди;

г) истеъмол қилиш фондидан аҳолининг истеъмолига сарф қилинадиган қисми.

Истеъмол қилиш ҳажми, таркиби, моддий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилиш кўрсаткичлари билан биргаликда бир жон бошига истеъмол қилиш меъёрлари ҳам ишлатилади.

Аҳолининг турмуш даражасини ижтимоий ривожлантиришда ва дастурлашда ҳар бир соҳанинг ривожланишини белгиловчи асосий ва қўшимча кўрсаткичлар қўлланилади. Қўшимча кўрсаткичлар асосий кўрсаткичларни тўлдириб боради. Масалан, коммунал хўжаликда асосий кўрсаткичлар бўлиб, турар жой фонди ҳисобланади. Унга қўшимча равишда қўлланиладиган кўрсаткичлар шу фондни сифат томонидан белгилайди. Булар турар жойни газлаштириш, сув билан таъминлаш, иссиқлик билан таъминлаш ва ҳоказо кўрсаткичлардир. Соғлиқни сақлаш соҳасида асосий кўрсаткич бўлиб, касалхоналардаги ўринлар сони ҳисобланади. Қўшимча кўрсаткичлар дори-дармонлар билан таъминлаш даражаси, врачлар сони, ҳамширалар сони ва ҳоказолардир. Бу кўрсаткичларнинг барчаси даволаниш қийматини ҳисоблаганда ишлатилади. Демак, ижтимоий прогнозлаштиришда биринчи навбатда асосий кўрсаткичлар бўйича ривожланиш мақсади ишлаб чиқилади ва ундан сўнг шу мақсадни ресурслар билан таъминлаш аниқланади. Ресурслар билан таъминланиш даражаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Бунда, давлат ва маҳаллий бюджетга қараб ресурслар ажратилади.

Аҳоли истеъмол даражасини прогнозлаштириш жараёни–бу маҳсулотларни истеъмол қилиш таркибини аниқлашдир. Бунда, албатта, ҳар бир инсоннинг замонавий, ижтимоий-иқтисодий, жисмоний талаблари ҳисобга олинади.

Аҳолининг истеъмолини прогноз қилишда унинг турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги ўсишига таъсир қиладиган омиллар аниқланиши керак.

Аҳолининг турмуш даражасини, истеъмолини қулайлаштириш ва прогноз қилишда тиббиёт истеъмол қилиш меъёрларидан фойдаланилади.

Лекин прогноз қилишда фақат меъёрлардан фойдаланиш билан чекланмасдан, ижтимоий–иқтисодий, илмий-техникавий ва хўжалик–

ташкилий тадбирлар мажмуини ҳам олиб бориш керак. Ижтимоий-иқтисодий тадбирлар ўз ичига товарларга бўлган баҳоларни, хизматларга бўлган таърифларни, аҳолининг даромадларини ва харажатларини тартибга солишни, замон талабларига қараб режалаштириш жараёнини такомиллаштиришни ўз ичига олади. Илмий-техникавий тадбирларга маҳсулот ассортиментини такомиллаштириш, турмуш жараёнида янги техника ва технологияни, автоматлаштирилган ахборот базаси материалларининг янги турларини ишлатиш киради.

Аҳоли турмуш даражасининг прогнозлаштирилаётган маълум даврига оид ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар (масалан, аҳолининг турмуш фаровонлигига оид кўрсаткичлар, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрлари даражасида таъминланганлик кўрсаткичлари, аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларининг меъёрий ўлчамлари ва ҳ.к) ва уларнинг қийматлари қўйилган мақсадларга жавоб бермаслиги мумкин. Талаб ва истеъмол қонуниятларини ўрганиш истеъмолнинг мақсад функциясини шакллантириш имконини беради.

Истеъмол, шунингдек, унга маълум даражада тенг бўлган (турмуш даражаси функцияси, фаровонлик функцияси, ижтимоий фойдалилик функцияси, истеъмол функцияси) мақсад функциялари аҳоли турмуш даражасини оширишни муқобиллаштириш вазифаларининг мақсад функцияларини белгилайди. Бу функция бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг умумий мақсади-жамият аъзолари эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришга асосланади. Мақсад функциясининг айрим истеъмол бойликлари бўйича хусусий ҳосилалари ижтимоий фаровонликнинг мазкур бойлик ўсиш бирлиги ҳисобига ортиб боришини ифодалайди. Айрим истеъмолларнинг ўсиш ва қониқтирилиш даражалари миқдорий ифодага эга бўлиши мумкинлиги назарда тутилса, бу барча моддий ва маънавий истеъмоллар йиғиндиси қониқтиришнинг ўсишини умумлаштирилган ҳолда ифодаловчи назарий функцияни шакллантириш имконини беради.

Айрим эҳтиёжларнинг ривожланиш ва қониқтирилиш даражаси миқдорий ифодага эга бўлиши мумкинлиги туфайли у моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг бутун мажмуини қониқтиришни умумлашган кўринишда ифодаловчи функцияни шакллантириш имконини беради.

Истеъмолнинг мақсад функцияси $U=U(y)$ жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаловчи қисман фаровонлик функцияси ҳисобланади. Ўзгарувчилар вектори $Y\geq O$ истеъмол соҳасида фойдаланиладиган маҳсулот ва хизматларнинг хилма-хил турларини ўз ичига олади. $U(y)$-нинг мавжудлиги истеъмол бойликларини тартибга солишга алоқадор бир қатор аксиомаларнинг бажарилишини назарда тутади.

Истеъмол мақсад функцияларининг асосий хусусиятлари истеъмол бойликларининг тенглаштириладиган ва ўзаро алмашинувчи хусусиятлари билан боғлангандир. Истеъмол мақсад функциясининг хусусий айрим ҳосилалари

$U_i = \frac{dU_{(y)}}{dy_i}$ -бойлик истеъмолининг “кичик бирликка” (4.3.1) ўсиши натижасида истеъмол умумий даражасининг ўсишини ифодалайди. Шундай қилиб, айрим бойликлар фойдалигини миқдорий баҳолаш истеъмолнинг мақсад функциясини тузиш натижаси ҳисобланади.

Истеъмолни прогнозлашда талаб ва истеъмол моделининг асосан уч туридан: конструктив, структура ва аналитик турларидан фойдаланилади. Конструктив моделлар асосидаги истеъмол бюджетлари минимал бюджет, оптимал бюджет ва рационал бюджет ҳисобланади.

Истеъмол бюджетлари $U = \sum_{i=1}^{m} q_i k_i$ тенглаш бўйича (4.3.2) ифодаланади; бунда: $U$–умумий харажат ( истеъмол ҳажми); $qi$- бойлик (товар ёки хизмат) нархи, $k_i$-миқдори

Структура моделлари асосида истеъмолчиларнинг истеъмолнинг нисбатан барқарор типлари билан типологияси мавжуд деб тушунилади.

Истеъмолнинг умумий структураси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I = \sum_{i=l}^{m} \lambda_i T_i \qquad (4.3.3)$$

$T_i$ -истеъмол тури; $i$-истеъмолчилар сони;

$\lambda_i$ -$i$ типидаги энг яхши истеъмол тўплами;

$m$ - истеъмол типларининг сони

Аналитик моделлар жумласига бир ва бир неча омиллардан иборат регрессион тенгламалар киради ва улар истеъмол билан унга таъсир этувчи бир ёки бир неча омилларнинг алоқасини кўрсатади.

Бозор шароитида аҳолининг маълум бир меъёр асосида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини қондириш учун қанча маҳсулот ва қандай таркибда кераклигини тезкорлик билан аниқлаш зарурати туғилади. Бундай ҳолларда содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай тасодифий ҳодисаларни ва мураккаб жараёнларни ҳисобга олиш учун имитация услубларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бизга маълумки, бозор механизмининг учта асосий элементи: талаб, товар таклифи ва баҳо мавжуд. Талаб-эҳтиёжининг тўлов воситаси (пул) билан таъминланган қисми, эҳтиёж эса кишилар онгида акс этган бирор нарсага бўлган зарурият ҳисобланади. Талаб объектга қараб истеъмол товарлар, хом ашё, ишлаб чиқариш воситалари, қимматли қоғозлар, хизматлар, иш кучи ва бошқа нарсаларга бўлган талабга бўлинади.

Бозор механизмининг иккинчи элементи товар таклифидир. Товар таклифи бозорда мавжуд бўлган ва маълум давр ичида олиб келиниши мумкин бўлган товарлар тўпламидир. У айирбошлашнинг бош объекти ва истеъмолчилар талабини қондиришнинг моддий асосини ташкил этади. Товар таклифи икки қисмдан иборат. Биринчи қисми ҳозир давлат ичкарисида мавжуд бўлган ва сотишга мўлжалланган товарлар тўпламидир. Иккинчи қисми эса маълум даврда ишлаб чиқариш кўзда тутилган товарлардан иборат бўлади.

Бозор механизмининг учинчи элементи баҳо ҳисобланади. Унинг асосида товар қиймати ётади. Лекин ривожланган бозорда баҳо қийматининг бевосита ифодаси бўлмай қолади. У энди товарга тўланадиган пул миқдорини ифодалайди. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳонинг роли сезиларли даражада ошади. Бозор механизми элементларининг ўзаро муносабатлари талаб ва таклиф қонунида ўз ифодасини топади. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, аниқ макон ва замонда талаб билан таклиф миқдори таркиби қиймати, натурал кўриниши бир-бирига мос, мутаносиб бўлиши керак. Уларни ўзаро боғлаб турувчи восита баҳо ҳисобланади. Аммо мос бўлиши тенг дегани эмас. Мос бўлиши учун талаб таклифдан, меъёрдаги товар заҳиралари миқдоридан катта бўлиши керак.

Талаб билан таклиф мутаносиб бўлгандагина бозорда мувозанат тикланади, яъни, бозор мувозанатда бўлади. Лекин, бу мувозанатни доимо сақлаб туриш қийин. Чунки талабга ҳам, таклифга ҳам кўп омиллар таъсир этиб туради ва уларнинг ҳар қандай ўзгариши талаб ва таклиф мутаносиблигини ўзгаришга олиб келади. Натижада бозор мувозанати бузилади, лекин тез орада мос равишда баҳо ўзгариб, яна мувозанат тикланиши мумкин.

Мувозанатнинг бундай кўринишига эришишнинг зарурлиги товар моллари ва динамик ўзгарувчан халқ талабини мос равишда мувофиқлаштириш учун маҳсулотлар баҳоси ўзгаришини прогноз қилиш керак бўлади. Бу ўринда ретроспектив ёндашув орқали индекс услубидан фойдаланиб, маҳсулотлар баҳосининг ўзгариш индексини ҳисоблашнинг имитация алгоритми ишлаб чиқилган.

Имитация моделини алгоритмлаш бошқаришнинг бошланғич ўзгарувчилари ва параметрларини эмас, балки қандайдир шунга мувофиқ келувчи абстракт агрегатлар (модел элементлари)ни боғловчи, ёпиқ агрегирланган моделни олиш жараёнидир. Абстракт агрегатлар бошланғич маълумотлар ёки реал тизим тавсифининг функциялари ёки функционалларидир.

Имитацион алгоритмлашнинг афзалликларидан бири тасодифий омилларнинг таъсирини етарлича аниқ ва тўлиқ назарда тутишга имкон яратилади. Чунки, аҳолининг истеъмол талаби ва харажати доим қандайдир тасодифий таъсирлар билан боғлиқдир. Шунинг учун талаб қилинаётган аниқликка эришишда тасодифий омиллар таъсирини назарда тутиш лозим.

Бироқ, тадқиқ қилиниши керак бўлган масалалар кўпинча шундай мураккаб бўладики, уларни мавжуд у ёки бу эҳтимоллик назариясининг аналитик методлар доирасига сиғдириш жуда қийин бўлади.

Бу ўзаро алоқаларни аниқловчи кўп миқдордаги омилларни, шунингдек, у ёки бу жараённинг ривожланиш тарихига алоқадор ахборотни ҳисобга олишни ЭҲМ дан фойдаланмай туриб бажариб бўлмайди. Имитацион алгоритмлаш услубларининг қўлланиш муаммолари тенгламаларнинг белгилар ўртасидаги ўзаро алоқаларини, шунингдек, уларнинг

параметрларини баҳолашни баён қилувчи маълум структура билан боғлиқдир.

Агар объектдан унинг моделига ўтиш пухта асосланган бўлса, тадқиқотчи амалга ошириш учун яроқли алгоритмларни танлаш мумкин. Сўнгра модел тажрибаси шу доирада ўтказилади, у структурасига кўра натурал тажрибадан фарқ қилмайди. Бунда ҳам худди оддий тажрибадаги сингари муаммолар, яъни ташқи таъсирларни тадқиқ қилиш мақсадларини камроқ сарфлар билан амалга ошириш учун танлаш ва комбинация қилиш, натижалар асосида хулосалар чиқариш зарурияти пайдо бўлади. Модел тажрибаси якунида тадқиқотдан олинган натижалар моделлашган объектга кўчирилади.

Алгоритмларни тузишда имитация кўрсаткичларининг имкониятларини прогноз қилиш, таҳлил натижаларини акс эттирадиган кўрсаткичларни ҳисобга олиш имконини яратади.

Амалий алгоритмлардан имитация кўрсаткичларининг қўлланишини прогноз ва таҳлил қилиш вазифаларини ҳал этишни автоматлаштириш самарадорлигини оширишга иқтисодий ҳисоблар тизимини, айниқса, маълумотларни ҳисоблаш вазифаларини ҳар томонлама қўллашга имкон беради.

Шундай қилиб, имитацион тадқиқотлардан кўпчилиги аҳолининг истеъмол талаби ва харажатларини аниқлаш учун алгоритмлар тузиш услубларини ишлаб чиқишга мўлжаллангандир.

Аҳолининг истеъмол талаби ва харажатини таҳлил қилишда ва уларни ҳар томонлама бир-бирига яқин бўлган турлари бўйича гуруҳларга бирлаштириб, таҳлилий (баланс) моделини яратишда қуйидаги модел ва алгоритмлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабларини аниқлаш қуйидаги алгоритм орқали амалга оширилади:

$$U^t_{mv} = M_{mv} * S^t, U^t_{mv} = \sum_{v=l} U^t_{mv}, \qquad (4.3.4)$$

бу ерда $U^t_{mv}$-аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талаби; $M_{mv}$-ёш ва жинс гуруҳлардаги аҳолининг жон бошига тўғри келадиган $v$-турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг бир йиллик истеъмол меъёри; $S^t$ - аҳолининг $t$-йилда $m$-ёш ва жинс гуруҳлардаги сони. Бу алгоритмда истеъмолнинг физиологик меъёрлари аҳоли муайян гуруҳида бир йил учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари энг муқобил миқдорини белгилаб беради.

Бозордаги вазиятни аниқлаш учун талабнинг турлари билан бирга унинг ҳолатини билиш ҳамда товарга тўланадиган пул миқдорини аниқлаш муҳимдир. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида товарга талаб аниқ бир ҳолатда бўлмайди. Унинг асосида товар қиймати ётади. Бу ҳолда товар қийматини инобатга олсак, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бир йиллик эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол харажатларининг қийматларини аниқлаш алгоритмлари қуйидаги кўринишни олади:

$$F_{mv}^{t} = B_{mv} * U^{t}, F_{mj}^{t} = \sum_{v=l} F_{mv}^{t}, F_{j}^{t} = \sum F^{t} \quad , \qquad (4.3.5)$$

бу ерда $F^{t}_{mv}$ -аҳолининг $t$-йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг $m$-турига бўлган истеъмол эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол харажатларининг қиймати; $B_{m\tau}$-турдаги озиқ-овқат маҳсулотларнинг $m$-вариантдаги баҳоси.

Юқоридаги (4.3.4) - (4.3.5) формулалар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талаби ва эҳтиёжларининг бир йиллик қийматларини аниқлашга имкон беради.

Шулар асосида, аҳолининг $t$-ойда озиқ-овқат маҳсулотларининг m-турига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун керак бўлган истеъмол харажатларининг қийматини қуйидаги алгоритм орқали ҳисобланади:

$$K_{mv} = \sum M_{mv} * S * B_{mv} / 12 \qquad (4.3.6)$$

Шу тариқа, аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ва шу маҳсулотларга қилинадиган истеъмол харажатларининг бир йиллик қийматини ҳисоблаш алгоритми қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$N_{mv} = \sum P_{mv} * A_{v}^{t} * B_{m\tau} \quad , \qquad (4.3.7)$$

бу ерда $N$-аҳолининг $t$-йилда ноозиқ-овқат маҳсулотларининг m-турига бўлган истеъмол эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол харажатларининг қиймати; $P_{mv}$-аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бир йиллик рационал меъёри; $A^{t}_{v}$ -аҳолининг $t$ -йилда турли тоифалардаги сони; $B_{m\tau}$ -$m$ -турдаги озиқ-овқат маҳсулотларнинг $\tau$ -вариантдаги баҳоси.

Худди шунингдек, аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ва шу маҳсулотларга қилинадиган истеъмол харажатларининг бир ойлик қийматини ҳисоблаш алгоритми қуйидаги бўлинма орқали топилади:

$$N_{mv} = \sum P_{mv} * A_{v}^{t} * B_{mv} / 12 \qquad (4.3.8)$$

Ноозиқ-овқат маҳсулотларининг баъзилари узоқ чидаш хусусиятига кўра фарқ қилади. Мебель, соатлар, телевизорлар, енгил автомобиль ва шу кабиларнинг рационал меъёрларини ишлаб чиқишда уларнинг ўртача хизмат муддатлари белгиланган. Бундан ташқари, бу товарларнинг турлари жуда кўп бўлганлиги учун ҳар бир оилага уларнинг ҳаммаси ҳар доим керак бўлавермайди. Бу типдаги товарларни узоқ муддатда фойдаланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, 100 та оилани таъминлаш меъёрларига асосланган ҳолда, эҳтиёжи ва истеъмол харажатларини ҳисоблаш алгоритми қуйида келтирилган:

$$R = 0.01 \left( \sum_{m=l}^{n} P_m * S_m^t * Z_m^v \right) / C \quad , \qquad (4.3.9)$$

бу ерда $P$ - оилаларнинг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган рационал меъёрлари; $S_m$-оилаларнинг $t$-йилда турли тоифалардаги сони; $Z_m$ $i$-турдаги

товарларнинг $v$- вариантдаги баҳоси; $C$-турдаги товарларнинг хизмат муддати.

Хизматга тўланган ҳақ, мажбурий тўловлар, ихтиёрий бадалларни ҳисоблаш қуйидаги алгоритм орқали амалга оширилади:

$$G^{t}_{ni} = B^{t-1}_{m} * Y_{mg} \quad n \in N, \ =1,3; \ t \in T, \qquad (4.3.10)$$

бу ерда $B^{t-1}_{m}$ t- йилда аҳолининг хизмат ва тўловларга қилган ҳақиқатдаги қиймати; $Y_{mg}$ - турларда g-вариант бўйича тўловларнинг ўзгариш индекси.

## 4.4.Аҳолининг даромад ва харажатларини балансга келтириш модели

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг даромадларини оширишни мумкин қадар тартибга солиш мақсадида, қатор иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг бир қатор Қонунлари, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли даромадларини тартибга солишга даҳлдор бўлган қарор ва меъёрий хужжатлари қабул қилинганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар кўмагида республика иқтисодиётига, шу жумладан, аҳоли даромадларини янада оширишга таъсир этадиган турли манбаларни ҳосил қилишга кўмаклашувчи иқтисодий муҳит шаклланди. Натижада соҳаларда янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш эвазига, унинг турмуш даражасини яхшилашга мумкин қадар эришилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарорликни таъминлаш билан бирга, аҳоли даромадларининг давлат томонидан тартибга солинишидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ҳам ижобий томонга ўзгартирди.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогноз қилишда, одатда, аҳоли пул даромади ва харажатларининг баланси тузилади. Бу баланс кўрсаткичлари бир томондан, пул даромадлари ҳажмини ва унинг пайдо бўлиш манбаларини, иккинчи томондан, аҳоли пул харажатларининг ҳажми ва структурасини ифодалайди. Баланс кўрсаткичлари пул даромадлари ва товар обороти, пуллик хизматлар ва аҳолининг пул жамғармаси йиғиндиси ўртасидаги нисбий муносабатни акс эттиради. Пул даромадлари ва харажатлар баланси фақат аҳоли турмуш тарзини таърифлаш учунгина эмас, балки жамғариш ва истеъмол ўртасида оптимал пропорцияларни ўрнатиш, даромадни аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида рационал тақсимлаш, моддий қийматлар ва хизматлардан фойдаланиш ўртасидаги нисбатни қарор топтириш учун ҳам зарурдир.[56]

Аҳоли турмуш даражасини ошириш жараёнини тадқиқ қилишда, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси таркибида тузилади. Бу баланс кўрсаткичлари бир томондан, пул даромадлари ҳажмини ва унинг пайдо

---

[56] Беркинов Б., Джураев Т., Мухитдинов Х.С. Моделированые механизма индексации доходов населения. //Вопросы моделирования и информатизации экономики. -Ташкент: НПО “Кибернетика” АН Руз, 1995. -вып. 6. -С. 3-14.

бўлиш манбаларини, иккинчи томондан, аҳоли пул харажатларининг ҳажми ва структурасини ифодалайди (4.3.1-расм).

Пул даромадлари ва харажатлар баланси фақат аҳоли турмуш тарзини таърифлаш учунгина эмас, балки жамғариш ва истеъмол ўртасида оптимал пропорцияларни ўрнатиш, даромадни аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида тақсимлаш, моддий қийматлар ва хизматлардан фойдаланиш ўртасидаги нисбатни қарор топтириш учун ҳам зарурдир.

Тадқиқот жараёнида аҳоли пул даромадлари ва харажатларини ҳам икки гуруҳга ажратдик :

1)аҳоли билан давлат, фермер ва деҳқон хўжаликлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар ўртасидаги пул айланиши ;

2)аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасидаги пул айланиши.

Биринчи гуруҳда даромадларнинг харажатлардан ортиқлиги аҳоли қўлидаги пул жамғармаси кўпайишини билдиради.

Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балanслари асосида харид фондлари, яъни аҳоли харажатларининг турли хил товарлар олишга ва ҳақ тўланадиган хизматга сарфланадиган қисми белгиланади. Талабнинг умумий ҳажмини аниқлашда аҳоли сонининг ўзгариши, даромадлар олинадиган манбалари бўйича таркиби, маҳсулотларнинг товар ва товар бўлмаган қисмлари истеъмоли нисбатидаги ўзгаришларни ҳисобга олдик.

Шунингдек, пулнинг келиши ва сарфланиши унинг аҳоли бир гуруҳидан бошқа гуруҳига ўтишидан иборат бўлиб, муомаладаги пул миқдорини ўзгартирмайди.

*P*-аҳолининг *n* -манбалардан келиб тушадиган *a* -турдаги даромади, *N* -*b* тур натурал ҳолдаги маҳсулотларнинг пулда ифодаланиши, *B* -*n*-турдаги бепул хизматларнинг пулда ҳисобланган қийматлари бўлсин. У ҳолда аҳоли(оила)нинг умумий даромадлари таркибининг ҳар хил манбалардан келиб тушиши ва унинг турлича шаклда мавжудлигини ҳисоблаш алгоритмини қуйидагича ифодалаймиз:

$$D = P_{an} + N_{bn} + B_{cn} \qquad (4.4.1.)$$

Ёки

$$D_n = \sum_{n=1}^{n} (P_{an} + N_{bn} + B_{cn})$$

Маълумки, аҳолининг турмуш даражаси уларнинг реал даромадлари ва истеъмол даражаси кишиларнинг дам олиши, жисмоний ва маънавий ривожланиши учун бўш вақтнинг миқдори орқали аниқланади. Реал даромадлар аҳолининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган маблағнинг миқдори бўлиб, унинг қиймати миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида аниқланади. У ўзида аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий кўрсаткич шаклида унга таъсир этувчи барча омилларни мужассамлаштиради. Реал даромадларнинг миқдорига меҳнат ҳақининг ўзгариши ижтимоий истеъмол фондларининг, солиқларнинг ўзгариши асосан таъсир этади.

$$R = Kn' + Kn'' + ... + d \qquad (4.4.2)$$

Оиланинг ҳар бир жон бошига тўғри келадиган ўртача даромади унинг умумий миқдорини оила аъзоларининг умумий сонига тақсимлаш орқали ҳисобланади, яъни

$$R = \frac{K_n + K_n + ... + d_i}{B} \qquad (4.4.3)$$

Юқоридаги алгоритмлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори турлича бўлган аҳоли гуруҳлари талаби ёки истеъмолини ифодаловчи мутлақ ва нисбий кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Агар биринчи ишчини *К,* иккинчи ишчини *r,* биринчи ва иккинчи ишчининг иш ҳақи боғлиқлигини *j*-билан белгиласак, бошқа даромадларни қўшган ҳолда умумий даромадни *z*-билан белгиласак, у ҳолда бир оиланинг даромади қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$H = \frac{K(1 + jr)(1 + Z)}{B} \qquad (4.4.4)$$

Даромадларни ойлар бўйича ўзгариш индекси асосида прогноз қилишда оилаларнинг ёки вилоят, қишлоқ ва шаҳарлар аҳолисининг ҳар бир жон бошига турли муддатлар учун, хусусан, бутун бир ой муддат учун ҳисоблаш алгоритми қуйидагича ифодаланади:

$$E^t_{jwm} = e^t_{jwm} * E^{t-1}_{jw}\,; \qquad (4.4.5)$$

$$m = 1{,}3, \quad T = 1{,}3$$

бу ерда $E^t_{jwm}$ *m*- тоифадаги аҳолининг *t*-йилда *w*-манбалардаги даромади; $e_{jwm}$-*j* тоифадаги аҳолининг *t*-йилда, *w*-манбалардаги вариантларда даромадининг ўзгариш индекси.

Истеъмолни прогноз қилиш учун оилаларнинг ҳар жон боши ҳисобидаги ўртача даромадларига қараб гуруҳларга ажратилади ҳамда улар томонидан турли хил товарлар харид қилиш учун зарур бўлган пул даромадларининг миқдори ҳисобланади.

Асосан аҳоли (оила)нинг пул харажатлари, унинг таркибий қисмининг умумий йиғиндиси кўринишида қарайдиган бўлсак, у ҳолда бу кўрсаткични қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$X^t_k = \sum_{\lambda=1}^{a} H^t_{mj} * A^t_\lambda \qquad (4.4.6)$$

бу ерда $H^t_{mj}$ *t*-даврда аҳолининг *m* -турдаги харажатлари; *A*- *t*-даврда $\lambda$ -тоифадаги аҳоли(оилалар) нинг сони. Худди шунингдек, аҳоли(оила) даромадларининг умумий йиғиндиси қуйидаги кўринишда топилади:

$$B^t_k = \sum_{\lambda=1}^{a} D^t_{mj} * A^t_\lambda\,; \qquad (4.4.7)$$

бу ерда $B^t_k$ *t*-даврда аҳолининг *m* турдаги умумий даромади.

Юқоридаги (4.3.6) ва (4.3.7)- формулалардан келиб чиқиб, оилаларнинг ёки бутун ҳудуд аҳолисининг ҳар бир жон бошига турли муддатлар учун даромади ва истеъмол харажатларини таққослаш орқали аҳоли (оила) даромадидаги танқисликни қуйидаги нисбат орқали ҳисоблаш мумкин:

$$F = \frac{X_k^t * B_k^t}{X_k^t} ; \qquad (4.4.8)$$

Аҳоли истеъмоли ва даромади балансини имитацион моделлаштиришда олиб борилган тажрибаларда истеъмол ва даромад ҳақидаги маълумотлар фақат бутун аҳоли бўйича эмас, балки ижтимоий гуруҳлар бўйича, улар доирасида турлича таъминланган аҳоли гуруҳлари ва турли хил таркибли оила гуруҳлари бўйича баланс тузилади.

Аҳоли истеъмол харажати ва даромадини прогноз қилишда имитацион тизим моделларининг муқобил режалаштириш тизимидан фарқи шундаки, ахборот массивлари нисбатан четга чиқади ва асосан уларнинг функционал мақсадлардаги фарқларига боғлиқ бўлади, кейингиси амалий мақсадларда фойдаланишни, олдингиси тажриба ва илмий ҳисоб-китобларни назарда тутади.

Аҳоли даромадининг шаклланиш жараёни даромад манбаларига нисбатан икки гуруҳга ажратилади:

1) хўжалик корхоналари ва муассасаларидан келадиган даромадлар;

2)айрим фуқароларга товарлар сотиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликдан келадиган даромадлар.

Даромадларнинг биринчи гуруҳларига иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар, жамғарма ва бошқа банклардаги жамғармалар бўйича фоизли фойда, дивидент, суғурта тўловлари ва ҳоказолар киради.

Даромадларнинг иккинчи гуруҳига тадбиркорлик, кичик бизнес, шахсий ёрдамчи хўжаликдан чиққан маҳсулотларнинг ортиқчасини сотишдан, айрим фуқароларга баъзи бир хизматлар кўрсатишдан тушадиган даромадлар киради.




4.4.1 – расм. Аҳоли даромади ва харажатининг модели [57].

[57] Муаллиф ишланмаси.

Аҳолининг умумий даромади ва харажатини прогноз қилишнинг функционал кўринишини қуйидагича белгилаб оламиз.

$$D_s^t = f_1(t); \quad R_s^t = f_2(t); \quad D_t^{/} = \Sigma_s D_s^t; \quad R_t^{/} = \Sigma_s R_s^t;$$
$$D_t = D_t^{/} * I_{s*3}^{(t)}; \quad R_t = R_t^{/} * I_{s*8}^{(t)}; \qquad (4.4.9)$$
$$D_t^N = (D_t / A_t) * 1000; \quad R_t^N = (R_t / A_t) * 1000;$$

бу ерда $D_s^t$ -аҳоли даромади манбаи $s$- турлари бўйича $t$-йилда; $R_s^t$- аҳоли харажати манбаи $s$-турлари бўйича $t$-йилда; $D_t$ -аҳолининг пуллик даромади жами $t$ – йилда; $R_t$ -аҳолининг пуллик харажати жами $t$ -йилда; $D_t^N$ -$t$ -йилда жон бошига тўғри келадиган пуллик даромад; $R_t^N$ -$t$ -йилда жон бошига тўғри келадиган пуллик харажат; $I_s$ -иш ҳақи индекси.

Аҳоли даромади турларига қараб ҳам иккига бўлинади.

Аҳоли пул даромадлари -иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз дивидент, рента шаклида олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармадчилик буюмларини сотишдан олинадиган пул тушумларини, ҳар хил хизматлар кўрсатишидан тушадиган даромадлар ва шу кабиларни ўз ичига олади. Аҳоли реал даромадлари 2007 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан 12 баробар ошди. Жорий йилнинг охирига бориб, ўртача иш ҳақи 200 доллар даражасига етиши кутилмоқда. Стратегик вазифа – ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш.

Натурал даромад-меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарган маҳсулотларидан иборат бўлади. Аҳоли даромадлари динамикаси ва даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Номинал даромад-алоҳида шахслар томонидан маълум вақт оралиғида олинган пул миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида бўлган даромад - шахсий истеъмол ва шахсий жамғармага фойдаланиш мумкин бўлган даромад.

Реал даромад -нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, маълум вақт оралиғида ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорига тенг.

Аҳолининг номинал пул даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланиб, улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига олинадиган даромад;

б) давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;

в) молия тизими орқали тушумлар; (банклар, омонат кассалар, суғурта муассасалари орқали ва ҳоказо).

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми оладиган даромадларнинг асосий қисмини иш хақи ташкил қилади. Даромаднинг бу тури истиқболда ҳам, пул даромадлари умумий ҳажмининг шаклланишида ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади.

Аҳоли пул даромадларининг шаклланишига давлат ёрдам дастурлари бўйича тўловлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бу манбалар ҳисобига пенсия таъминоти вақтинча меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни ушлаб туриши амалга оширилади ва турли хил нафақалар тўланади. Аҳолининг молия кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари қуйидагилардан иборат: давлат суғуртаси бўйича тўловлар; шахсий уй қурилишига ва матлубот жамияти аъзоларига банк ссудалари; жамғарма банкига қўйилмалар бўйича фоизлар; акция, облигация баҳосининг кўпайишидан олинадиган даромад ва заём бўйича тўловлар; лотерея бўйича ютуқлар; товарларни кредитга сотиб олиш натижасида ташкил топадиган, вақтинча бўш маблағлар; ҳар хил турдаги компенсация тўловлари.

Бу олиб борилаётган тадқиқотда аҳоли моддий аҳволининг асосий кўрсаткичи бўлган аҳоли даромадлари ва харажатларининг бир-бирига мос бўлган қийматларини аниқлаш, минимал истеъмол бюджетини ҳисоблаш ва улар маълум гуруҳининг қанча даромадга эга эканлигини прогноз қилиш учун қуйидаги моделдан фойдаланамиз.

$$\sum_{v} \partial_{\gamma}(t+\tau) = \sum_{v} \partial_{\gamma}(t) + \sum_{v} \Delta\partial_{\gamma}(t+\tau) \quad , \qquad (4.4.10.)$$

бу ерда: $\partial_{\gamma}(t+\tau)$- бир йил олдинги вақтда аниқланган даромад; -$\partial_{\gamma}(t)$ $t$– ҳозирги вақтда тасдиқланган даромад; $\Delta\partial_{\gamma}(t+\tau)$ бир йил олдин тасдиқланган даромадни ўзгартириш мумкин бўлган оператор.

Аҳоли даромадларини прогноз қилишнинг вазифаси олинадиган даромад ва келгусида қилинадиган харажатларни аниқлашдир. Аҳолининг маълум даврдаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда оптимал нисбатларда миқдорий ифодалайди. Келгусида оладиган даромадлари ва қилиниши лозим бўлган харажатлари ҳақида маълумотлар тўпланади.

Аҳоли даромадлари алоҳида маҳсулот турлари ёки кўрсатиладиган хизмат турлари билан боғланган бўлиши, аҳоли харажатлари эса мазкур даромадлар олинишини таъминловчи товар ва хизматлар билан мутаносиб бўлиши зарур. Бундан ташқари, аҳоли учун оператив режаларни бажаришни таъминловчи ресурс имкониятларининг ҳам олдиндан режалаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Молиявий ресурсларни режалаштириш ва прогноз қилиш асосан, аҳолининг нисбий фаолиятини таъминловчи турли хилдаги активларни (нақд пул, моддий ишлаб чиқариш запаслари, оила мулки ва ҳ.к.) режалаштиришни ва бу активларни таъминловчи молиявий манбаларни режалаштиришни ўз ичига олади.

Бозор шароитида, турли тоифадаги аҳолини истеъмол харажати ва даромадини прогноз қилиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни асосий қонуниятлари ва тамойилларини инобатга олиб, тадқиқотда аҳоли харажати ва даромадини балансга келтиришнинг миқдорий таҳлил ва прогноз қилишнинг жамлама умумий модели қуйидагича белгиланган:

$$\sum_{v=t}^{n} X_{mv(t+z)} = \left( \sum_{v=t}^{n} I_{mv(t+z)} + \sum_{v=t}^{n} MP_{mv(t+z)} + \sum_{v=t}^{n} BX_{mv(t+z)} \right) \qquad (4.4.11)$$

$$\sum_{v=t}^{n} D_{mv(t+z)} = \left( \sum_{v=t}^{n} T_{\tau(t+z)} + \sum_{v=t}^{n} IH_{\tau(t+z)} + \sum_{v=t}^{n} Q_{\tau(t+z)} \right) \qquad (4.4.12)$$

бу ерда $\sum_{v=t}^{n} X_{mv(t+z)}$ - даврдаги умумий харажат; $\sum_{v=t}^{n} I_{mv(t+z)}$ –жон бошига тўғри келган, истеъмол маҳсулотларининг *m*-тури бўйича, *v*–гуруҳдаги аҳолининг*(t+z)* йилдаги харажати; $\sum_{v=t}^{n} MP_{mv(t+z)}$ *v*–гуруҳдаги аҳолининг *m*–турдаги маиший ва пуллик хизмат учун *(t+z)* йилда қилган харажати; $\sum_{v=t}^{n} BX_{mv(t+z)}$ v -гуруҳдаги аҳолининг *m*–ҳисобга олинмаган бошқа хизмат ва ҳ.к.ларга *(t+z)* йилда қилган харажати; $\Sigma\ \Delta x\ ^{c}{}_{mv(t+z)}$*v*-гуруҳдаги аҳолига *m*-турдаги харажатлар бўйича тузатишлар киритиш мумкин бўлган ўзгартириш операторлари. *С*-товар ва хизматлар номери; $\sum_{v=t}^{n} D_{mv(t+z)}$ - *(t+z)*-гуруҳ аҳолининг*(t+z)*-даврдаги умумий даромад; $\sum_{v=t}^{n} T_{mv(t+z)}$ *v*-гуруҳ аҳолининг *(t+z)*-тадбиркорликдан шаклланадиган даромади; $\sum_{v=t}^{n} IH_{mv(t+z)}$ *v*-гуруҳ аҳолининг *(t+z)*-иш ҳақидан шаклланадиган даромади; $\sum_{v=t}^{n} Q_{mv(t+z)}$ Σ -*v*-гуруҳ аҳолининг *(t+z)*- қўшимча шахсий ёрдамчи хўжалик , ва ҳ.к. бошқа омиллардан шаклланадиган даромади.

(4.3.11) ва (4.3.12) -формулалардан келиб чиқиб, аҳолининг истеъмоли ва харажатини балансга келтириш тенгламаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\sum_{v=\tau}^{n} X_{w(t+z)} + R_{t+z} = \sum_{v=\tau}^{n} D_{\tau(t+z)} \; ; \qquad (4.4.13)$$

Бу ерда $R_{t+z}$-аҳоли даромади ва харажати балансининг ўзгарувчи параметри. Бу баланс кўрсаткичлари, бир томондан, пул даромадлари ҳажмини ва унинг пайдо бўлиш манбаларини, иккинчи томондан, аҳоли пул харажатларининг ҳажми ва структурасини ифодалайди.

Аҳоли харажати ва даромадини турли-хил таркибли оилалар мисолида таққослаганимизда, даромад ва харажатнинг уч ҳолатини кўришимиз мумкин.

Агар $\boldsymbol{R_{t+z}>0}$ бўлса, у ҳолда $\sum_{v=\tau}^{n} X_{w(t+z)} < \sum_{v=\tau}^{n} D_{\tau(t+z)}$ бўлади.

Биринчи ҳолда аҳолининг даромади харажатга нисбатан юқори. Демак, аҳолининг турмуш даражаси ошганлигини кўрсатади.

Агар $\boldsymbol{R_{t+z}=0}$ бўлса, у ҳолда $\sum_{v=\tau}^{n} X_{w(t+z)} = \sum_{v=\tau}^{n} D_{\tau(t+z)}$ бўлади.

Иккинчи ҳолда аҳоли даромадлари ва харажатлари бир-бирига мос. Бундай ҳол аҳолининг минимал истеъмол бюджетини ташкил қилади ва аҳолининг маълум гуруҳининг минимал даромадга эга эканлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Агар $\boldsymbol{R_{t+z}<0}$ бўлса, у ҳолда $\sum_{v=\tau}^{n} X_{w(t+z)} > \sum_{v=\tau}^{n} D_{\tau(t+z)}$ бўлади.

Учинчи ҳолда аҳолининг даромади истеъмол харажатлари миқдоридан кам. Бундай ҳолда оила бюджети ўз аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган бюджетига истеъмол эҳтиёжини қондира олмайди. Бу эса оила бюджетининг танқислигини билдиради. Мана шундай шароитда оиланинг харажатлар қисмига тузатишлар киритиш ёки давлат томонидан ижтимоий ҳимояланишга тўғри келади. Бу шарт математик кўринишда қуйидагича белгиланади:

$$\sum_{v=\tau}^{n} X_{w(t+z)} = T_{w(t+z)} \qquad (4.4.14)$$

бу ерда $T$ -барча харажат турлари бўйича ўзгартириш киритилгандан кейин ёки аҳоли ижтимоий ҳимоялангандан кейинги ҳолати бўйича ўзгарувчи параметр. Бундай ҳолда даромад билан харажатнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги кўринишни олади:

$$T_{w(t+z)} < \sum_{v=\tau}^{n} \Delta D_{w(t+z)}\,; \qquad (4.4.15)$$

Ишлаб чиқилган модел ва алгоритмлар кетма-кетлиги оддий бўлиб, имитация кўрсаткичларнинг қўлланишини экзоген ўзгарувчи параметрларнинг киритилиши ва эндоген натижавий маълумотларнинг олиниши, амалда прогноз ва таҳлил ишларини енгиллаштиради.

Шу тариқа аҳоли турмуш даражасининг ривожланишини прогноз қилиш учун аҳоли пул даромади ва харажатининг баланси моделини ишлаб чиқдик. Бу баланс кўрсаткичлари бир томондан, пул даромадлари ҳажмини ва унинг пайдо бўлиш манбаларини, иккинчи томондан, аҳоли пул харажатларининг ҳажми ва структурасини ифодалайди.

Аҳоли истеъмоли ва даромади балансининг имитация моделининг бундай кўрсаткичлари жамғариш ва истеъмол ўртасидаги муқобил пропорцияларни ўрнатиш, даромадни аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида рационал тақсимлаш, моддий қийматлар ва хизматлардан фойдаланиш ўртасидаги нисбатни қарор топтириш, аҳоли гуруҳларидаги жон бошига даромад даражасининг турлилиги, товарларга, пуллик хизматларга ҳамда тўловга қобилиятли талаб ҳажмига кўра фарқланишини тақозо қилади.

Аҳоли даромадлари ва харажатларининг дифференцияланган баланси умумий кўринишда аҳолининг тақсимланишини ифодаловчи кенгайтирилган статистик жадвал бўлиб, унинг эга қисми бутун республика аҳолисининг, шунингдек, аҳолининг жон бошига ўртача даромади даражасидаги ижтимоий гуруҳлар бўйича тақсимланишини характерлайди.

Дифференцияланган баланс жадвалнинг кесими мувофиқ келувчи даромад гуруҳлари бўйича аҳоли миқдорини, ёш-жинс таркиби ва бандлигини, пайдо бўлиш манбаларига кўра даромадларини, мўлжалланган харажатлар ва аҳолининг шахсий жамғармаларини кўрсатади. Даромад ва харажатлар дифференцияланган балансларининг асоси мамлакат аҳолисини жон бошига ўртача даромад бўйича тақсимлашдир.

Аҳоли даромад ва харажатларининг дифференцияланган баланси аҳолининг тўлаш қобилиятини аниқлаш, талабни тадқиқ қилиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга доир тадбирларни асослашга хизмат қилади.

Аҳоли даромадлари ва истеъмолининг дифференцияланган моделлари матрицаланган типдаги балансли жадваллар, шунингдек моддий бойликларни истеъмол қилувчилар ҳар бир гуруҳининг истеъмол даражаси ялпи даромад даражасига боғлиқлигини аналитик формада акс эттирувчи функциялар тарзида берилиши ҳам мумкин:

$$Y\imath = fi(X_i) \qquad (i=1,\tilde{n})$$

$$\sum_{v=1}^{n} Y_i + \sum f(X_i) \qquad (4.4.16)$$

бунда *Yi*–мазкур бойликни истеъмол қилиш даражаси; *n*–бойликларни истеъмол қилувчи гуруҳлар миқдори; *Xi* –умумий даромад даражалари.

Истеъмолнинг дифференцияланган моделлари аҳоли ҳар бир даромадли гуруҳидаги истеъмол структурасининг ўзгаришини назарда тутиб тузилади.

Даромад ва истеъмолнинг ўзаро алоқаси ишлаб чиқариш билан эҳтиёжнинг ўзаро таъсири натижасида намоён бўладиган жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан аҳоли истеъмол харажатлари миқдори ва даромади таркибини таҳлил қилиш ана шу кўрсаткичнинг истиқболдаги аҳволини баҳолаш билан боғлиқ қатор муаммоларни ечишни тақозо этади.

Булар қуйидагилардан иборат:

а) аҳоли пул даромадлари ва харажатлари динамикасининг прогнози;

б) аҳоли ва оила бюджети ҳақидаги ретроспектив маълумот;

в) минтақа истеъмол бюджети;

г) аҳоли даромади шаклланиши.

Мана шу ўзаро бир-бири билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили натижасида аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражасини баҳолаш мумкин.

Истиқболга мўлжалланган режали балансларда пул даромадлари, харажатларнинг йўналиши, ҳажми ва манбалари белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, талаб ва унинг ўзгаришига сабаб бўладиган ўзгарувчилар характеристикасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли турмуш даражасини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар асосини махсус услуб ва усуллар ёрдамида ўтказиладиган иқтисодий ахборотлар таҳлили ташкил этади.

Математик ифода ва алгоритмлардан фойдаланиб, имитацион кўрсаткичлар ёрдамида аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг прогноз моделлари ва усуллари ишлаб чиқилди.

Аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш жараёнларини моделлаштиришнинг яна бир асосий жиҳати шундан иборатки, у истеъмол баҳоларининг нисбатан барқарорлиги, нормал инфляция шароити ва режали иқтисод шартларини кўзда тутиб усуллар ва моделлар ишлаб чиқилган. Яъни бозор иқтисодига хос хусусиятлар, хусусан, баҳонинг нобарқарорлиги, талаб ва таклифларнинг тез ўзгартириб туриши ва бошқалар ҳисобга олинган.

Аҳоли турмуш даражасини такомиллаштириш бошқарувининг имитация моделини яратишнинг асосий мақсади ва мазмуни қуйидагилардан иборат:

-аҳоли турмуш даражаси ривожланиш жараёнларини прогноз қилиш;

-аҳолининг тўлаш қобилиятини аниқлаш; -талабни тадқиқ қилиш;-аҳоли турмуш даражаси тўғрисидаги ахборотлар ва маълум моделлар асосида технологик жараёнларнинг математик моделларини яратиш;-бошқарувчи таассуротларни ва уларнинг қўйилиш нуқталарини аниқлаш; -бошқариш қонуниятларини таҳлил қилиш ва уларни амалга ошириш алгоритмларини яратиш; -олинган натижаларни тажрибавий моделлаштириш воситалари орқали таҳлил этиш;- аҳолининг турмуш даражасини оширишга доир даромад шаклларини, тадбирларни асослашдан иборат.

4.4- параграф бўйича хулоса:

– Даромад турларининг хилма-хиллиги унинг келиб тушиш манбаининг фарқланишига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда аҳоли даромадларининг фарқланишида бозор ва нобозор даромадларини ҳисобга олиш зарурдир;

– пул даромадлари ва харажатлар баланси фақат аҳоли турмуш тарзини таърифлаш учунгина эмас, балки жамғариш ва истеъмол ўртасида оптимал пропорцияларни ўрнатиш, даромадни аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида тақсимлаш, моддий қийматлар ва хизматлардан фойдаланиш ўртасидаги нисбатни қарор топтириш учун ҳам зарурдир.

**Тўртинчи бобнинг хулосаси**

1.Уй хўжалиги даромадининг ошиши–аҳоли турмуш даражасининг ошиши демакдир. Ҳар бир ҳаракат уй хўжалигидан бошланади. Уй хўжалиги даромадини прогноз қилишни моделлаштиришда энг аввало даромаднинг қаердан келишини аниқлашимиз керак.

2.Уй хўжаликлари фаровонлигини оширишнинг харажатлар билан боғлиқ бир қанча йўллари мавжуд, булар, нафақат уй хўжалиги харажатларини камайтириш, балки, биринчи галда харажатларни мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳам боғлиқдир. Харажатларни албатта, даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган харажатларга бўлиб олиш лозим. Имкон қадар харажатларни яхши даромад келтирадиган жараёнларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир.

3.Бозор муносабатлари шароитида уй хўжалиги даромади тубдан ўзгаради. Чунки, илгарилари уй хўжалиги даромади асосан иш ҳақидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир ўй хўжалиги, эндиликда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

4.Тадбиркорликни ривожлантириш ва унга алоқадор корхоналарни жойлаштиришни белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар яна ҳам такомиллаштирилиши зарур, тадбиркорликни мамлакатнинг барча ҳудудларида ривожлантириш учун зарур шарт - шароитларни барпо этиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув маҳаллий аҳолини иш билан таъминлабгина қолмасдан, балки республиканинг иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссасини ошишига ҳам олиб келади.

5.Уй-жой шароити кўрсаткичлари халқ фаровонлигининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида ижтимоий тафовут худди мана шу соҳада энг аниқ кўриниб туради. Маълумки, вилоят уй-жой фонди таркибида хусусий фонд устунлик қилади. Қишлоқ аҳолисининг фақат 1,2 фоизи жамоат фондидан фойдаланади. Бу ҳол қишлоқ аҳолисининг реал даромади даражасига салбий таъсир этади.

6.Агар якка тартибда қурилган уй-жой фондида маълум даражада сув ўтказгич, газ ва электр билан ёритиш борлиги ҳисобга олинмаса, қишлоқ аҳолиси бошқа қулайликлар ҳақида орзу қилиши мумкин. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой билан таъминланиши соҳасидаги сон кўрсаткичларини

бир-бирига яқинлаштирганда, унинг сифат кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут ҳамон катталигича қолаверади.

7.Қишлоқ жойларда уй хўжаликларини ривожланишидаги мавжуд муаммоларни, шунингдек аҳолининг, энг аввало, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш зарурлигини эътиборга олиб, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда аграр сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- фермер хўжаликларига айлантириш жараёнини тўлиқ тугатиш, ижарага олинган ерларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун узоқ муддатли капитал қуйилмаларни жалб этиш;

- ҳукумат кафиллигида ирригация мелиорация тармоқлари тизимини реалибитация ва насос станцияларини модернизациялаш учун капитал қўйилмаларини кенгайтириш, шу жумладан бюджет ва чет эл кредитлари ҳисобидан. Шунингдек, асосий хизмат кўрсатиш тармоғининг ҳажми 1,9-2,5 баробар ошади. Динамик ўсиш 2006-2010 йилларда мумкин қадар алоқа хизматлари ва ахборотлаштириш 2,5 баробарга, меҳмонхона хизмати 2,4 баробарга, туризм хизмати эса 2,3 баробарга ошади.

8. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириб бориш ва қишлоқни ривожлантириш дастурини амалга оширилиши узоқ муддатли стратегик йўналиш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, республика аҳолисининг асосий қисми ҳисобланган ва паст ишлаб чиқарувчи соҳаларда банд бўлган уй хўжаликлари даромадининг ошириш имконини беради.

9. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш қувватини ривожлантириш имконияти кенг бўлган ҳудудларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу билан бир вақтда бу ҳудудларда вертикал интеграция шаклида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган бир-бирига боғлиқ бўлган занжирли ишлаб чиқаришни яратиш керак.

10. Қишлоқ жойларида мелиорация ва сув хўжалик ишларини молиялаштириш ички ресурслар ва давлат бюджетига воситалар ҳисобига ҳам амалга оширилиши керак. Қайта ишлайдиган тармоқларни ривожлантириш тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш орқали амалга оширилиши лозим.

11.Қишлоқ жойларда экспорт товарлари номенклатурасини кенгайтириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; товар экспорти ҳажмини ўстириш учун уни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг қонуний асосларини такомиллаштириш ва бу борадаги қонуний меъёрларни халқаро қоидаларга мослаштириш керак.

12.Қишлоқ жойларда валюта конвертациясини нафақат жорий операциялар ҳисоби бўйича йўлга қўйиш, балки капитал ҳисобни ҳам босқичма-

босқич эркинлаштириш ва республикада сўм девальвациясини амалга ошириш лозим.

13.Уй хўжаликлари фаолиятини оширишнинг муҳим кўрсаткичлари аҳолининг реал даромадлари, аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган товарлар, маиший ва ижтимоий хизматларнинг ҳажми ва структураси каби жараён кўрсаткичлари ёрдамида миллий даромаднинг аҳоли истеъмол қиладиган ва жамғариш учун фойдаланиладиган қисмини ошириш мақсадида моделлаштирилиши керак. Бу соҳа прогнозлари тизимини умумий боғланишни ва мантиқий кетма-кетлик бўйича прогнозлар ишлаб чиқишни таъминловчи мажмуа кўрсаткичларига асосланиши лозим.

## 3.3. Қишлоқда тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражаиши яхшилаш йўллари

Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, республикамизда 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган: [58]

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- 2010 йилгача хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;
- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

---

[58] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли Қарори

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Қарорларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2008 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсиб, 20082,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Хизматларнинг замонавий, илғор турлари–телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда. 2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

Республикада 2008 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари-243,8 минг сўм, савдо ва умумий овқатланиш хизмати – 128,8 минг сўм, коммунал хизматлар 113,4 минг сўмни ташкил этди. Маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 2007 йилга нисбатан 132,8% га ўсди.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 10,6% ни, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли юкларини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айни пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Ҳудудлар ёнма-ён бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Агар Тошкент шаҳрида ҳар бир кишига 2762,3 минг сўмлик, Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида–204,5 минг сўмни, Сурхондарё вилоятида – 290,1 минг сўмни, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўмни ташкил этди.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2008 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 маротаба кам бўлди.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва якка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган болалар спорт комплексларининг 75% қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилганлигига қарамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми қисқариб бормоқда.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш тўғрисида қабул қилинган қарорда хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди. 2009 йилнинг ўзида 1389 та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Ушбу шахобчаларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ташкил этилади. Ташкил этилиши мўлжалланган шаҳобчаларда ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

Президентимиз ўз асарларида «2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади»[59] деб белгилаб бердилар.

---

[59] Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

Аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари бир неча соҳаларга бўлинади:

-пойафзал тикиш ва тиклаш; -мўйна тери ва тикув маҳсулотларини тиклаш: -бош кийимларни тузатиш; -уй жиҳозларини тузатиш; -уйда, хўжаликда ишлайдиган техникаларни тузатиш; -автомобилларни тузатиш;

-аҳолининг буюртмаси билан уйларни қуриш ва ремонт қилиш; -фотолабораториялар хизмати; -сартарошхоналар хизмати; -кир ювиш хизматлари; - ҳаммомлар; - прокат пунктлари хизмати; -кийимларни кимёвий тозалаш хизмати; - мебелларни ремонт қилиш ва ҳ.к.

Ислоҳотларгача бўлган даврда ижтимоий муаммоларни бартараф қилишда мавжуд бўлган инновациялар, аҳолининг маиший ва маданий хизматларини бошқаришнинг мамлакат ва жаҳон тажрибалари тўғрисида ахборотларни етказиш тизими, маданий ва маиший хизматчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилмаган ва булар аҳамиятли деб ҳисобланмаган.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини кенг миқёсда амалга ошириш, янги технологияларнинг маданий-маиший хизматдагиларга етиб бориши учун тармоқнинг ахборот, реклама ва маслаҳат бериш хизмати услубиётида жуда катта ўзгаришлар қилиш зарур.

Бунинг учун қуйидаги:

–хизматнинг кўп хиллигини таъминлаш ва такомиллаштиришнинг ҳудудий шароитга асосланиб муқобил вариантларини танлаш;

–талабни қондира олмайдиган айрим соҳаларни ривожлантириш ва уларни яхшилаш учун ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш;

–аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, дўкон ва устахоналарнинг қулай жойлашишини амалга ошириш ва уларни замонавий технология билан қуроллантириш;

–аҳолига хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва хусусийлаштириш;

–ишлаб чиқариш қувватларининг транспорт воситаларидан ва асосий фондлардан мумкин қадар максимал даражада фойдаланиш;

–бажариладиган ишлар ва хизматларнинг техник ва стандарт талабларга жавоб беришини таъминлаш;

–тармоқнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш;

–қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган маиший хизмат кўрсаткичлар даражасини шаҳар даражасига яқинлаштириш керак бўлади.

Аҳолининг 65 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил қилсада, қишлоқ жойларда пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси деярли ривожланмаган. Пуллик хизмат кўрсатиш соҳасининг йўқлиги шундай ҳолатларга олиб келадики, бунда жамият, биринчидан, моддий неъматларнинг олиниши мумкин бўлган ҳажмини ололмайди; иккинчидан миллий даромаднинг катта қисмини йўқотади. Бунда ўртача мувозанатли ҳолат йўқолади.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасининг кўпайтирувчи сифатидаги тутган ўрни кейинги йилларда етарли баҳоланмаяпти, аниқроқ айтсак, умуман кўриб чиқилмаяпти. Хизматлар ривожидаги камчиликлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ва ҳаётимизнинг юқори бўлмаган сифати орқали баҳоланиб қолди.

Аҳолининг турмуш даражасининг фаровонликка эришувини аниқлаш учун пуллик хизмат кўрсатувчи соҳага гўёки организмдаги асаб маркази сифатида қараш керак. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, хизмат кўрсатувчи соҳа фақатгина меҳнатнинг характеридан келиб чиққан ҳолдагина эмас, балки уни баҳолашда ҳам ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлсин. Гап шундаки, алоҳида олинган инсон ва хўжалик субъекти учун бир хил турдаги кўрсатилган хизматларнинг қадри ҳар хил намоён бўлади. Бир кишига қулай бўлгани бошқасига зиён бўлиши мумкин. Бу нарса ҳар бир кишига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқаришдаги ва умумий ижтимоий характердаги омиллар бўлиши мумкин.

Кўрсатилган пуллик хизматларни баҳолаш ва тақдирлашнинг тарқоқлиги (хилма-хиллиги) хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимлар фаолиятини ва унинг сўнгги натижаларини бир хил кўрсаткичга олиб келиш ва стандартлаштиришни қийинлаштиради.

Аҳолининг харажати эса кўпроқ маиший хизмат билан боғлиқ. Чунки, аҳолининг даромади қанчалик ошса, маиший хизматга бўлган эҳтиёжи шу даражада ошиб боради. Аҳолининг пул даромадларининг кўп қисми маиший хизматга етарли бўлмаганлиги сабабли, товар сотиб олишга сарф бўлади. Бундан ҳудудни фақат маҳсулотлар бозорига айлантириб қўйишга имкон яратилади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини бошқаришда, аҳолига уй-жой ва коммунал хўжалиги хизмати тараққиёти масаласини ечаётганда шуни эътиборга олиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланиши, юқорида айтилганидек, фақатгина чегараланган талабнинг таъсири остида намоён бўлмайди. Бунда, устун самарадорликка эришиш керак, яъни, шу хизматларга эҳтиёжни шакллантириш зарур. Шунинг учун, хизматларнинг ўзи истеъмолчи учун тўғридан-тўғри қулайликлар туғдириши керак. Фақат шундай қилингандагина талабнинг тузилиши ўзгариши мумкин. Бунда давлатнинг таъсири ҳам эътиборга лойиқ.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий инфратузилма тармоқларини бошқарув тараққиёти сифатида халқ таълими жуда мураккаб ва кўп қиррали мазмунга эга бўлиб, ижтимоий ҳаётда инфратузилма тушунчасига бевосита ва билвосита алоқадор.

Шу боис таълим сўзининг кенг маъносида инсоният томонидан ижтимоий амалиёт давомида вужудга келтирилган ёки яратилаётган моддий ва маданий объектлар, жараёнлар, натижалар, бойликларнинг мажмуаси тушунилади.

Мустақилликнинг иқтисодий заминларини яратишда “соф иқтисодий масалалар”-ни ҳал этиб бориш, одамларга маърифатни маънавият билан бирга ривожлантириш орқали қўшиб олиб боришни талаб этади. Зеро, етук иқтисодиёт юксак маърифат ва маданиятни тақозо этибгина қолмай, айни пайтда унинг натижаси, ҳосиласи ҳам ҳисобланади.

Республикамиз бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида бозор муносабатларига мос даражадаги иқтисодий маданиятни шакллантириш шу куннинг ниҳоятда долзарб вазифаси ҳисобланади.

Бироқ, одамларнинг онгини, ижтимоий руҳиятини, тафаккурини мустақилликнинг мазмуни ва талабларига мос, бозор эҳтиёжларига жавоб бера оладиган тарзда қайта ўзгартириш амалда осон кечмагани каби, кишиларнинг ижтимоий фаолиятларида иқтисодий маданиятни юксак даражага кўтариш ҳам ўзига хос мураккабликка эгадир. Шу сабабли маҳаллий ҳокимият идоралари ва иқтисодий идора ташкилотларининг иш олиб бориш услубларини янгилаш, бошқаришда янги технологияга асосланиб яратилган автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиб, уни давр талабларига мос равишда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқарув маданияти иқтисодий маданиятнинг таркибий қисми сифатида ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ва айтиш керакки, ҳали унчалик кенг ўрганилмаган соҳадир. Бошқарув маданияти ўзида бошқарув фани ва санъати синтези (ўзаро бир бутун ҳолати)ни ифодалаб, жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар–бошқариш ишларида банд бўлганлар, барча турдаги раҳбарлар, хусусий корхона эгалари, фермерлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва шу кабиларнинг ижодий имкониятлари, ташаббускорлигини, маънавий салоҳиятини намоён этишини англатади.

Худди шунингдек, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида ҳудудий бошқариш тизимида ўта мураккаб ва кўп вариантли объект ҳисобланган аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ҳолатини ва тараққиётини ҳамда келажагини илмий асослаш нуқтаи назаридан мажмуий прогноз қилиш ва бошқарувнинг истиқбол ечимларини тизимли моделлаштириш жуда ҳам самарали усулдир.

Шу ўринда Махмадиев Б.С. ҳудудий бошқариш тизимларида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг мажмуий ривожи истиқболини белгилаш услубиётини ишлаб чиққан ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва тараққиёти йўналишларини таҳлил қилиб, соҳа тармоқларининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги тараққиётига доир асосий чора-тадбирлар тўғрисида ўз концепциясини киритган. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси

кўрсаткичларининг ҳудудий тармоқлар бўйича мажмуий истиқболини белгилашнинг эконометрик моделини ишлаб чиққан.[60]

И.О.Улашев аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини прогнозлаштириш орқали ижтимоий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш муаммоларини кўриш мумкинлигини айтган. Бунда, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини макро даражада режалаштириш ва прогноз қилиш услублари билан хизмат кўрсатиш соҳасининг истиқболини белгилашда кўп мезонли мувофиқлаштиришнинг ривожланишини макроиқтисодий даражада кўриб чиқади.[61]

Аҳолининг маиший хизматларга бўлган талабини прогноз қилиш моделини қуйидагича тарифлайди:

$$У = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 \qquad (3.2.1)$$

Бунда: прогноз У- ҳар бир кишининг маиший хизматлар учун қиладиган ўртача сарфи; $x_1$- ҳар бир кишига тўғри келадиган пул даромади; $x_2$ – аҳоли умумий сонида шаҳар аҳолисининг салмоғи;

$a_0, a_1$ *ва* $a_2$ -дастлабки маълумотлар бўйича ҳисобланадиган статистик параметрлар.

Истеъмолнинг бошқа турларини прогнозлаш учун ҳам худди шундай моделлар тузиш мумкин.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, масалани ечиш икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда, интеграл демографик кўрсаткичлар учун бутун аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг муқобил режаси тузилади. Иккинчи босқичда эса аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ҳажми ва турли хизматлар сони дифференциал демографик кўрсаткичлар ва зарурий хизмат ҳажмига мос равишда аҳоли жон бошига тақсимланади.

Ҳудудларда аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантириш қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

1.Аҳолига энг юқори даражадаги қулайликларни яратиш.

2.Аҳолининг вақт сарфини тежаш.

3.Маиший хизматнинг мажмуий пунктини тузиш асосида кўрсатиладиган хизматнинг сарфини ошириш.

4.Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари лойиҳаларини замонавий типларда яратиш.

5. Маиший хизматнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш.

---

[60]Маҳмадиев Б.С. Прогнозирование развития сферы услуг населению в территориальных системах управления (на примере Кашкадарьинской области): дис. ... канд.экон.наук.-Ташкент:НПО Кибернетика 1993. –69 с.

[61]Улашев И.О, Махмадиев Б.С., Вахобов К. Комплексный анализ и моделированиие развития сферы услуг населению области.//Вопросы моделирования и информатизации экономики. -Ташкент: НПО “Кибернетика” АН Руз, 1991. -вып. 3.- С. 108-116 .

6. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг оптимал ўлчамини аниқлаш ва ҳ.к.

Аҳолига хизмат кўрсатиш мураккаб динамик тизим бўлганлиги сабабли, уни ривожлантириш жуда кўп омилларга боғлиқ. Шу жумладан, аҳолининг демографик таркибини иккига ажратиш мумкин 1) шаҳар аҳолиси, 2)қишлоқ аҳолиси ва шу каби аҳоли яшайдиган ҳудудларга бўлиб ўрганилади. Мана шу ҳолат вилоят аҳолисининг демографик кўрсаткичига мос равишда хизмат кўрсатишни режалаштириш ва бошқаришни дифференциаллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Бу ўринда пуллик хизмат кўрсатишнинг ҳажми ва турли хизматлар сони демографик кўрсаткичлар ва зарурий хизмат ҳажмига мос равишда умумлаштирилади.

Масалани ечишда аввало берилган маълумотларни умумлаштирамиз. Аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини қуйидагича белгилаймиз:

$$PX_{\iota}^{t} = \sum_{\xi=1}^{n} PX_{i}^{t}; PX_{\iota\xi}^{t} = fx^{\xi}(A_t t) \qquad (3.2.2)$$

бу ерда $PX^{t}_{i}\xi$ -$\xi$ турдаги бошқа хизматларнинг ҳажми t–йилда. Масалани ечишнинг биринчи босқичида математик модел, аҳолига ҳар хил турдаги пуллик хизмат кўрсатишда баҳо индекси ўзгаришининг ҳисобига қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$PX^{t} = PX^{t}\iota * I\iota(t); \qquad (3.2.3)$$

бу ерда $I\iota(t)$ - $\iota$- турдаги аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича $t$ йилда баҳо индекси. Аҳолига кўрсатилган жами хизмат турига қилинган харажатларни аҳоли сонига бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами пуллик ва маиший хизматни ҳисоблашимиз мумкин.

$$PX^{ed}_{t} = PX^{ed}_{t}/A_t; \qquad (3.2.4)$$

$$MX^{d}_{t} = MX^{d}_{t}/A_t; \qquad (3.2.5)$$

бу ерда $PX^{ed}_{t}$ - $t$-йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ι -турдаги хизмат; $PX^{t}$ -аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш t –йилда, минг сўм ҳисобида; $PX^{t}\iota$ - ι - тур бўйича аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш t-йилда, минг сўм ҳисобида; $MX_{t}^{d}$,-$\iota$ - тур бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш t-йилда, минг сўм ҳисобида.

Аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланишида уй-жой, коммунал хўжалиги ҳам аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, ижтимоий-маданий мажмуанинг энг йирик тармоқларидан биридир. У ўз навбатида бир неча тармоқлардан иборат: газлаштириш; сув билан таъминлаш; канализация; иссиқлик билан таъминлаш;

кўча ва хиёбонларни тозалаш; меҳмонхона хўжалиги; кўча ва хиёбонларни электрлаштириш; электротранспорт; қабристонларни тартибли сақлаш хўжалиги ва ҳ.к.

Бу ўз навбатида уй-жой ва коммунал хўжаликлари томонидан бошқарилади. Уй-жой коммунал хўжалиги стохастик характерга эга бўлган жараёнлардан иборат бўлиб, уй-жой коммунал хўжаликларни бошқариш тасодифий омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу омиллар об-ҳаво, климатик, сезонли ва бошқалар. Пуллик тўловларнинг ҳажми квартира тўловидан тортиб, меҳмонхона, электр энергия, газ тўловлари ва ҳ.к ларгача олиб борилади.

Бундай ҳисоб-китобларни олиб боришда математик моделлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган статистик таҳлил усули билан аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш жараёни моделлари функционал кўринишда қуйидагича ифодаланади.

$$KX_t^k = f(t);\quad KX_t^{wo} = f(KX_{t-1}^k\ A_t);\quad KX_t^{kxsk} = f(A_t);\quad KX_t^{ikxs} = f(t);$$

$$KX_t^{fo} = f(KX_{t-1}^k, A_t, KX_t^{wo});\quad KX_t^{w} = f(KX_t^{ijs}, A_t); \qquad (3.2.6.)$$

$$KX_t^f = f(KX_t^w, t);\quad KX_t^g = f(A_t, t);\quad KX_t^{Rx} = f(t);$$

$$KX_t^{fd} = \frac{KX_t^f}{A_t}, \qquad (3.2.7.)$$

бу ерда $KX_t^k$ $t$ –йилда давлат капитал маблағларини киритиш ҳажми, минг сўмда; $KX_t^{wo}$ $t$ – йилда уй-жой қурилиш, учун ажратилган майдон ҳажми, минг кв м.; $KX_t^{kxsk}$ $t$ – йилда уй-жой коммунал хўжалиги томонидан қуриш учун ажратилган майдон ҳажми, минг кв.м.; $KX_t^{ikxs}$ $t$ – йилда шахсий уй-жой қуриш учун ажратилган майдон ҳажми, минг кв.м.; $KX_t^{fo}$ $t$ – йилда давлат капитал маблағлари фонди жами, минг кв.м.; $KX_t^w$ $t$ – йилда уй-жой қурилиши учун барча манбалар маблағларини киритиш ҳажми, минг кв.м.; $KX_t^{fd}$ $t$ – йилда бир яшовчи учун жами майдон, кв.м.; $KX_t^f$ $t$ – йилда уй-жой қуриш учун ажратилган майдон ҳажми, минг кв.м.; $KX_t^g$ $t$ – йилда меҳмонхоналарда ажратилган жой; $KX_t^{Rx}$ $t$ – йилда коммунал хўжаликлар учун ажратилган маблағларнинг ҳажми, минг сўмда.

Уй-жой қурилиш ва коммунал хўжалик мажмуини ривожлантиришда аҳоли сонининг ўсиши ва аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг рационал меъёрларига асосланиб, уй-жойга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш алгоритмини қуйидагича белгилаймиз:

$$P = \alpha - \delta + \Delta\alpha,\ \Delta\alpha = \lambda\eta\Delta A \qquad (3.2.8)$$

бу ерда $P$ -ҳудудда уй-жой қурилиши эҳтиёжининг ҳисоби қиймати; $\alpha$– мавжуд бўлган уй-жойлар; $\delta$ -ишдан чиққан уй-жойлар; $\Delta\alpha$ -уй-жойга бўлган

эҳтиёжнинг ошиши; λη-рационал меъёрга асосан , аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси; ΔА -аҳолининг ўсиш динамикаси.

Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\alpha = (\lambda\eta \ - \lambda\phi)*\Delta A \qquad (3.2.9)$$

бу ерда $\lambda\eta$ -аҳолини уй –жой билан меъёрий таъминлаш кўрсаткичи;

λф -аҳолининг уй –жой билан таъминланганлигининг ҳақиқий кўрсаткичи, *А* -аҳоли сони.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, аҳолининг кескин ўсиши натижасида уй-жой билан таъминлаш бир оз қийинчиликларга олиб келади. Коммунал хўжалик ўзига бир қанча тармоқлар билан боғлиқ бўлган соҳаларни ўз ичига олади. Бу соҳалардан бири аҳолига маданий хизмат кўрсатишдир. Ижтимоий маданий хизмат тармоқларига бўлган эҳтиёжни биз қуйидагича ҳисоблаймиз.

$$Q = \beta - \varepsilon + \Delta A \, , \Delta A = 0{,}0001 \, * \, \nu\iota \, * \Delta A \qquad (3.2.10)$$

бу ерда: *Q*- объектлар қуриш учун эҳтиёж; $\beta$- ҳудуднинг уй-жой билан таъминланганлиги; $\Delta A$ -аҳолининг ўсиши ҳисобига ҳудуднинг уй-жой билан таъминланганлиги; ε -ишдан чиқиб қолган объектлар сони; $\nu\iota$-10000 киши ҳисобида уй-жой билан таъминланганлик даражаси.

Аҳолининг ҳақиқатда уй-жой билан таъминланганлик даражасини қуйидагича ҳисоблаймиз.

$$\beta = 0{,}0001(\nu\iota - \nu\phi) \, *A \qquad (3.2.11)$$

бу ерда $\nu\iota$- рационал меъёр бўйича таъминланганлик; $\nu\phi$ -ҳақиқатда таъминланганлик даражаси.

Уй-жой ислоҳотини ўтказиш уч босқични ўз ичига олади:

Бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш даврида уй-жой, коммунал хўжаликнинг ислоҳ қилиниши йирик бир масаладир. Бунинг моҳияти уй-жой олди-сотди бозорини ташкил қилиш, ҳар бир оиланинг ёки оила аъзосининг яшаш шароити ва турмуш даражасини ошириш, уй-жойларни олиш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлашдан иборат. Бу турар жой муаммосини кескин чоралар билан бартараф этишни талаб қилади. Бунда, кишилар давлат уйларидан текинга фойдаланмайдилар, балки, уларни ўз жамғармалари ҳисобидан сотиб оладилар. Жадал суръатлар билан ишлаш иш сифатини юқори кўтарибгина қолмай, балки одамларнинг уй-жой билан таъминланишини ҳам тезлатади.

Аҳолига хизмат кўрсатишда, аҳолининг турмуш даражаси билан боғлиқ бўлган яна бир асосий кўрсаткичлардан бири, бу инфратузилма тараққиётини ривожлантиришдир.[62]

---

[62] Мухитдинов Х. С. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларини бошқариш модели// Бозор, пул ва кредит журнали. –Тошкент, 2004.- №4. -Б. 45 -49 .

Инфратузилманинг ривожланиши, аҳолининг яшаш даражаси ва фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳудудларда инфратузилма жараёнларини ривожлантириш ҳамда аҳолининг халқ таълимига бўлган эҳтиёжларининг ҳисоб-китобларини ва уларни бошқаришнинг статистик моделини яратиш учун, функционал кўринишда қуйидагича белгилашимиз мумкин.

$$XT_t^W = f(At,t);\ XT_t^k = f(t);\ XT_t^{ww} = f(t);$$
$$XT_t^m = f(At, XT_t^W);\ XT_t^\tau = f(XT_t^{ww}, XT_t^m);$$
$$XT_t^{dy} = f(XT_t^{ww}, XT_t^w, XT^{\tau r}{}_{t-1}^{t}, t);$$
$$XT_t^o = (XT_t^\tau / XT_t^w)*1000;\ XT_t^p = (XT_t^\tau / XT_t^m)*1000;$$
$$XT_t^{bb} = f(XT^h{}_{t-1}, t);\quad XT_t^v = f(XT_t^w, t);$$
$$XT_t^{sh} = f(XT_t^{bb}, XT_t^j, t);\ XT_t^{shm} = f(XT_t^v), \qquad (3.2.12)$$

бу ерда $XT_t^{W-}$ $t$ -йилда мактаб ёшигача бўлган болаларнинг жами сони, минг киши; $XT_t^k$ $t$- йилда давлат капитал қўйилмалари, минг сўм; $XT_t^{ww}$ $t$ -йилда мактаб ёшигача бўлган болаларга муассаса учун маблағ киритилиши ўрин; $XT_t^m$ $t$- йилда мактаб ёшигача бўлган болаларга ўринлар сони; $XT_t^\tau$ $t$- йилда муассасалардаги мактаб ёшигача бўлган болалар сони, ўрин; $XT_t^{dy}$ $t$- йилда мактаб ёшигача бўлган болаларга муассасалар сони, дона; $XT_t^o$ $t$- йилда мактаб ёшига бўлган болаларнинг муассасалар билан таъминланганлик даражаси фоизда; $XT_t^p$ $t$- йилда мактаб ёшигача бўлган болаларнинг муассасалар билан ортиқча юкланганлик даражаси фоизда; $XT_t^{bb}$ $t$- йилда ўқувчиларга ўрин учун давлат капитал қуйилмалари киритилиши ўрин; $XT_t^v$ $t$- йилда мактаб ўқувчилари жами сони, мингта; $XT_t^{sh}$ $t$- йилда умумтаълим мактаблар сони, дона; $XT_t^{shm}$ $t$-йилда умумтаълим мактабларда ўринлар сони, минг ўрин.

